**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**АБДУМУРОД КЎЧИБОЕВ**

# ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ХОРИЖИЙ ТИЛ АСПЕКТЛАРИ БЎЙИЧА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

**САМАРҚАНД-2013**

**Кўчибоев А.** ***Олий ўқув юртларида хорижий тил аспектлари бўйича ўқув машғулотларини технологиялаштириш.*** **(Ўқув-услубий қўлланма). Самарқанд, 2013, 105 бет**

***Филология фанлари доктори, профессор И.К.Мирзаев таҳрири остида***

**Тақризчилар: ф.ф.н.доцетлар - И.Илёсов, А.Бегматов**

Ўқув - услубий қўлланма олий ўқув юртлари чет тил ўқитувчилари, магистрлар, шунингдек малака ошириш факультетлари тингловчиларига мўлжалланган бўлиб, магистратура йўналишида «Чет тили ўқитиш методикаси» танлов фанининг ўқув дастурига асосан ишлаб чиқилган ва хорижий тили аспектлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни, мустақил ишларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилишнинг методик асосларини ёритишга, бўлажак олий таълим чет тили ўқитувчиларининг методик билимларини ва касбий салоҳиятларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган.

***Ўқув-услубий қўлланма СамДЧТИ илмий-услубий кенгашининг 2013 йил қарори билан нашрга тавсия қилинди.***

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декакбрь ПҚ 1875 сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида “..Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ўсиб келаётган ёш авлодни чет тиллар ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негзида уларнинг жаҳон тамаддун ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишни ...” бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири сифатида илгари сурди. Бундай вазифа олий ўқув юртларида ҳам бўлажак чет тили ўқитувчиларини замонавий педагогик технологияларига ва мулоқотни ўргатишга йўналтирилган методик адабиётлар тайёрлаш, тил аспектари бўйича машғулотлар моделлари яратиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Рус олимлари В.П.Беспалько(1995), В.И.Загвезинский (1990), В.А Сластинин (1997) ва бошқаларнинг, ўзбек олимларидан К.Абдуллаева (1999), Ш.Абдуллаева (2001), Н.Х.Авлиёқулов (2001), Л.В.Голиш (2001), Б.Зиёмухаммедов(2001),Н.Сайдахмедов(1995),У.Толипов(2005),Б.Л.Фарбер-ман (2000), А.Х.Қосимов ва Ф.Холиқоваларнинг (2004) тадқиқотларида таълим жараёнини модернизация қилишнинг, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни киритиш ва уларнинг педагогик, психологик асослари ҳақида атрофлича назарий ва амалий фикрлари тўпланган.

Юқорида тилга олинган тадқиқотларнинг деярли барчасида таклиф қилинаётган инновацион ғоялар *ижтимоий-гуманитар* фанларни ўқитиш жараёнида қўлланилиши билан, яъни, ўзбек тилида фикрлайдиган, гаплашадиган ўкувчи ва талабаларнинг ўқув фаоллигини, қизиқувчанлигини, янги билимларни ўрганишга йўналтирилган фаолиятини интерфаол усулларда ташкил қилиш технологиялари ҳақида фикр юритилганлиги билан характерланади.

Бинобарин, олий ўуув юртларида хорижий тилларни ўқитиш жараёнини инновацион педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш муаммоси, бу борада чет тили аспектларини ўқитишнинг бош мақсади - мулоқотни ўргатиш машғулотларини технологиялаштириш масаласи ўз ечимини кутмоқда. Хорижий тил аспектлари бўйича ташкил қилинаётган машғулотлар янги педагогик технологиялар асосида яратилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари мавжуд бўлмагани боис ҳанузгача назарий ва амалий машғулотларда тил системасини ўқитишга йуналтирилган анъанавий метод ва усулларга асосланган, русий забон талабаларга мўлжалланган эски дастурлар ва қўлланмалар асосида ташкил қилиниб келинмоқда. Тил аспектлари бўйича назарий ва амалий фанларни янги педагогик технологиялар билан ўқитишдан кутилаётган мақсад - якуний натижаларни

кафолатланиши билан, ўкув машғулотларини талаба ва ўкувчиларнинг ҳаётий, касбий эҳтиёжларига мос келадиган, коммуникатив вазиятларда мулоқотга киришув кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштиришга йўналтирилганлиги билан анъанавий ўқитишдан фарқ қилади. Олий ўкув юртларида бундай тезнологияларни амалиятга жорий қилиш замонавий метод ва усулларни эгаллаган янги авлод чет тиллар ўқитувчилари тайёрлашни бош мақсад қилиб белгилайди.

Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу рисола чет тили олий ўқув юртлари магистрларини учун хорижий тил машғулотларининг турли типларини: маъруза ва амалий машғулотларни, талаффуз, лексика ва грамматик, ўзаро фикр алмашиш (мулоқот), ўқиб ва тинглаб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш малакаларинини шакллантириш машғулотларини ташкил қилишнинг методик асослари замонавий технологиялар ва коммуникатив тамойилларга асосланиб ишлаб чиқилди.

Рисола олий ўқув юртларида чет тили ўқитиш методикасида чет тили аспкетлари бўйича ўқув машғулотларини янги педагогик технологиялар асосида яратилган дастлабки ўқув-услубий қўлланма бўлиб, унда ҳар бир мавзунинг назарий баёни, назарий ва амалий(семинар) дарс типларининг ва бу борада ташкил қилинадиган мустақил ишларнинг янгича усулларда ишлаб чиқилган намунавий технологиялари келтирилган бўлиб, улар бўлажак олий таълим ўқитувчиларининг касбий маҳоратларини шакллантириш ва такомиллаштиришни кўзда тутади.Шу мақсадда танлов фаннинг 26 соатлик маъруза машғулотларида тил аспектлари дарсларини технологиялаштиришнинг назарий асослари , 28 соатлик амалий ва семинар машғулотларида уларни амалиётда синаб кўриш уюштирилади.

Ўқув - услубий қўлланмадан чет тил ўқитувчилари, магистрлар, малака ошириш факультетлари тингловчилари ва бакалавр йўналишида таълим олаётган талабалар турли назарий фанлардан маъруза машғулотларини, шунингдек, амалий фонетика, амалий грамматика, матн таҳлили, сўзлашув амалиёти сингари амалий машғулотларни технологиялаштиришда методик қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

### 1. ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТИЛ АСПЕКТЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИДА МУЛОҚОТНИ ЎРГАТИШ МУАММОЛАРИ (1 соат)

Ҳозирги вақтда Республикамизда жаҳон таълим стандартларига мослаштирилган янги таълим тизими қарор топмоқда. Бу жараёнда ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлиб, таълим таркиби тубдан янгиланмоқда. Жумладан, олий ўқув юртларида ҳорижий тил аспектларини ўқитиш жараёнида шакллантирилиши лозим бўлган кўникма ва малакалар мулоқотга ўргатишга йўналтирилаётганлиги билан характерланмоқда. Хорижий тил аспектларини ўқитиш жараёнида анъанавий усуллар ўрнига замонавий таълим технологиялари: интерфаол усуллар, ҳамкорликда ишлаш технологиялари, интернет ва мултимедия тармоқларидан фойдаланиб мулоқотни ўргатиш бош мақсад қилиб белгиланмоқда.

**“Технология”(** юнонча *“techne”* - маҳорат, усталик, санъат, малака + *“logos”* – сўз, таълимот) муайян жараённи ташкил қилиш воситалари, чет тили ўқитиш методикасида- таълим стратегиясини ва тактикасини белгилаш маъносини англатади.

Илмий адабиётларда ***педагогик технология таълим олувчиларнинг мулоқот эхтиёжларидан ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ мақсадлар асосида лойиҳалаштирилган, муайян кетма-кетликда, тартибда амалга ошириладиган, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга ва якуний натижага эришишни кафолатлайдиган педагогик муолажаларни амалга ошириш жараёни дея талқин қилинади*** (Монахов,Кларин, Талызина, Лернер, Беспалко).

**Таълим жараёнини технологиялаштириш** дейилганида ўқитиш жараёнига технологик ёндашув асосида таълим мақсадларига эришишнинг энг мақбул йўллари ва самарали воситаларни, қонуниятларини очиб берувчи педагогик йўналиш тушунилади.

Масалага доир тадқиқотларда «инновация» тушунчаси педагогик янгиликка ўргатиш, ўқитиш ва таълим-тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва қайд этилмаган метод ва усул, натижа, ривожланиб борувчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқиелик деб таърифланади.

Олий ўқув юртларида инновацион педагогик жараённи чет тиллар ўқитиш методикасига татбиқ қилишнинг муҳим шартларидан бири - талаба шахснинг назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришларида нутқий ҳаракатларни эгаллаш, бу жараёнда ўз-ўзини бошқаришни ва ўзини-ўзи сафарбар қила олишлиги ҳисобланади. Бундай таълимнинг яна энг муҳим шартларидан бири – тил аспектларини ўқитишда талабаларнинг мулоқотга киришув ва билиш фаолиятини коммуникатив-функционал, эмоционал-когнитив тамойиллар асосида шакллантириш ва такомиллаштириш бўлиб,

бунинг натижасида талабаларнинг хорижий тилда коммуникатив компетенцияси, яъни мулоқотга киришув салоҳияти шакллантирилади ва ривожлантирилади.

Бугунги кунда чет тиллар ўқитиш жараёнида мулоқотни ўргатишга йўналтирилган интерфаол методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Чунки анъанавий таълимда талабаларни фақат тилни система сифатида эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологияларда билимларни мулоқотга, фикр алмашувга ўргатиш асосида ўрганиб, таҳлил қилишларига, нутқий ҳаракат усуллари эгаллаб олишга ўргатиш кўзда тутилади.

Педагог бу жараёнда талабаларнинг интеллектуал қобилиятларининг шаклланишига ва ривожланишига, назарий ва амалий фанларни ўрганиш жараёнида ҳорижий тилда мулоқотга киришув салоҳиятини шаклланишига, қизиқишини оширишга шарт-шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида талаба шахси асосий фигурага айланади.

Хорижий тилларда тил аспектларини ўқитишда мулоқотни ўргатиш бош мақсад қилиб белгиланаётган бугунги кунда билимларни ўзлаштириш жамоа, гуруҳ ёки жуфт бўлиб ташкил қилишни кўзда тутадиган интерфаол метод ва усуллар, чет тили машғулотлари мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади, яъни ўқув, ўрганув жараёни педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги ўқув фаолияти орқали ташкил қилинади. Бундай педагогик ҳамкорлик ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қуйидаги мақсадларни амалга оширишга қаратилади:

- *талабанинг машғулот жараёнида ўқув материалига бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаб, унга муносабат билдириш , амалда қўллаш ва изланишга йўналтириш;*
- *талабаларнинг ўқув жараёнида билим олишга бўлган қизиқишларини эмоционал таъсир воситалари орқали доимийлигини таъминлаш;*
- *талабанинг билимга бўлган қизиқишини мустақил ишлар жараёнида ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириш;*
- *педагог ва талабанинг, талабалар жуфтлигининг, гуруҳ аъзоларининг ўзаро самимий ва беғараз, ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил қилиш.*

Хорижий тил аспектлари бўйича ташкил қилинадиган ҳар бир машғулот мавзусининг ўзига хос технологияси яратилиши зарур, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология – фаол ўрганувчи жараён бўлиб, у талабанинг коммуникатив эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда алоҳида мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига мўлжалланган педагогик жараёндир.

Бунда ўқитувчи тил аспектлари бўйича лойиҳалаштирилган ўқув материалининг ўзига хос томонларини, уни тушунтиришда ва мустақил иш жараёнида мустаҳкамлашда коммуникатив вазият, таълимнинг техника

воситалари ва барча аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олиш лозим. Шундагина керакли, кафолатланган натижага эришиш мумкин.

Ўқитиш жараёнида талабаларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий усулларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий ва қўшимча адабиётлардан унумли фойдаланиш, энг асосийси, ўқишга, фанга, ўзи танланган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради.

Ўқитиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган барча янги педагогик технологиялар талабаларнинг мантиқий, ақлий, ижодий, танқидий, мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиришга, коммуникатив компетенция ва қобилиятларини ривожлантиришга, ўз соҳаси бўйича рақобатбардош, етук мутахассис бўлишларига ҳамда педагоглик касбига хос фазилатларнинг шаклланишига олиб келиши лозим.

Янги педагогик технологиялар таълим тизимини, мазмунини, ўқув режаларини, дарсликларни, бинобарин ўқув жараёнини лойиҳалаштиришни ҳам коммуникативлик тамойилларига асосланган янгича ёндашув асосида ташкил этиш заруратини илгари сурмоқда. Чет тиллар ўқитиш жараёнида фойдаланилаётган, ўтган асрнинг иккинчи ярмида яратилиб, қайта нашр қилинаётган амалдаги дарслик ва қўлланмалар, биринчидан, русий забон талабаларга мўлжалланганлиги туфайли миллий менталитетимизга мос келмаслиги, иккинчидан, талабаларнинг коммуникатив эҳтиёжларига мослаштирилмаганлиги, эмоционал-когнитив методик тизимга солинмаганлиги билан бугунги кун талабларига жавоб бермай қолди.

Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва замонавийлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўникма ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи маданиятлараро мулоқот - ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига қўйиляптики, бу ҳорижий тил аспектларини ўқитишда янгича ўкув дастурлари, тил ўргатишнинг турли аспектларида мулоқотни ўргатишни кўзда тутувчи янги педагогик технологияларга асосланган дарсликлар ва қўлланмалар яратиш вазифасини ҳам илгари сурмоқда.

Бу жараён хорижий тил аспектлари машғулотларини моделлаштириш (технологиялаштириш) орқали амалга оширилади.

Моделлаштириш – машғулотларда ўзлаштириладиган назарий билимлар ва мулоқот мавзусини реал ҳаётда ва жамиятда юз берадиган ҳодиса ва жараёнлар билан боғлиқ ҳолда ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган кўринишида режалаштиришни, бунда ҳар бир талабанинг шахсан қатнашиши ва фаолият эвазига мулоқот кўникмаларини эгаллашни кўзда тутади. Унинг асосий мақсади талабаларнинг назарий ва амалий билимларни ўзлаштиришда бевосита иштирокини таъминлаш, бу орқали таълим жараёнининг самарадорлигини оширишдир. Бинобарин, хорижий тил аспектлари

машғулотларини ўқитиш ҳар бир машғулот турини алоҳида технологиялаштиришни назарда тутади.

Таълим технологиясининг моҳиятли белги ва хусусиятларини жадвалда қуйидагича ифодалаш мумкин:

## ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ МОҲИЯТЛИ БЕЛГИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

| | |
|---|---|
| **Концептуаллик** | Таълим технологияси фалсафий, психологик, дидактик ва таълим мақсаднинг ижтимоий-педагогик ғояларига асосланган аниқ илмий далилларига, концептларга асосланади. |
| **Тизимлилик** | Таълим технологияси яхлитлик, тизимлилик,тизимларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг бир-бирига бўйсуниши, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлигига асосланади. |
| **Бошқарувчанлик** | Таълим технологиясининг моҳияти- режалаштирилган фаолиятни аниқ бажарилишида,уни аниқ педагогик мақсадга йўналтириб натижани *башоратлаш, лойиҳалаштириш ва режалаштиришида ўз аксини топади..* Таълим бериш жараёни аниқ *тузилмага келтирилган* педагогик ва ўқув ҳаракатларни босқичма-босқич бошқаришга асосланади, яъни таълимий мақсадлар алоҳида шаклда ифодаланган педагогик вазифалар ва аниқ белгиланган натижалар билан мувофиқликда тузилади. *Технологик жараён* индивидуаллаштирилган, жуфт ва гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлаш тамойиллари асосида бошқарилади. *Қайтарма алоқани* тизимли равишда тезкор қўлланилиши таълим жараёнининг жорий натижаларини узлуксиз кузатишни, ташҳислашни ва тезкор баҳолашни, таҳлил ва мақбул хулосаларга келишни таъминлайди. *Ташҳисий ишлар* фаолият натижаларини аниқ бир маънодаги мезон ва кўрсаткичларини, шунингдек уни баҳолаш мезонларини ўз ичига олади. |
| **Самарадорлик** | Таълим технологиялари самарали натижа ва таълим мақсадларига эришиш кафолатини таъминлайди |
| **Мақбуллик** | Таълим технологиялари таълим мақсадларига эришишда, куч ва вақт сарф қилишда инсон имкониятлари ва техник заҳираларидан фойдаланиш бўйича мақбул йўл ва воситаларни таъминлайди. |
| **Такрор ишлаб чиқаришлик** | Такрорлаш имконияти**,** ҳар қандай ўқитувчи шу технологик жараённи шундайлигича қўлласа, белгиланган натижага эришиш мумкинлиги. |

## Мустақил ўрганиш учун савол ва топшириқлар:

1.Янги педагогик технологиялар деганда, нимани тушунасиз?

2.Янги педагогик технологияларнинг анъанавий ўқитиш метод ва усулларидан фарқини изоҳлаб беринг.

3. Ўқув жараёнини ҳамкорликдаги фаолият асосида ташкил қилиш, деганада нималарни тушунасиз?

4. Таълим натижаларини кафолотланиши тушунчасини шарҳланг.

5.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб мавзу бўйича билимларингизни чуқурлаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***технология, моделлаштириш, режалаштириш, ҳамкорликда ишлаш, инновация, гуруҳ бўлиб ишлаш, фаол ўқитиш усуллари,жуфт бўлиб ишлаш,лойиҳа устида ишлаш, натижаларнинг кафолатланиши, дарснимнг ноанъанавий шакллари***

## Топшириқларни бажаришда қуйидаги методик методик адабиётлардан фойдаланинг:


**1.** Авлиёқулов Н.Х. Замонавий ўқитиш технологиялари. Т., 2001.

2..Голиш Л.В. Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил.- 59 бет.

3.Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил. - 68 бет.

4.Егорова Л.М. Нетрадиционные формы урока – один из способов повышения интереса к предмету. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990. № 6, с.46.

5.Загвезинский В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990 г

6.Китайгородская Г.А. Новые подходы к обучению иностранным языкам Вестн. МГУ. Сер. 19, Лингвистика и межкультурная коммуникация. -1998. -№1.- с. 32-39.

7.Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар, -Тошкент: Молия, 2003.

8.Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт, -Тошкент: Фан, 2005.

9.Фарберман Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: ФАН, 2000.


# 2. ТИЛ АСПЕКТЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ КОММУНИКАТИВ ТАМОЙИЛЛАРИ (1соат)

Хорижий тилларда тил аспктларини ўқитишда таълим жараёнини технологиялаштириш муайян методик, лингводидактик тамойиллар асосида ташкил қилиниб, у

ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасидаги устувор йўналиш- коммуникатив ёндашув, яъни хорижий тилларни ўқитишдаги бош мақсад - мулоқотни ўргатишга йўналтирилади.

Ўтган асрнинг 80 йилларида чет тилларни ўқитиш назарияси ва амалиётида шаклланган коммуникатив ёндашув талабалар ўқув фаолиятини интерфаол усулларда ташкил қилишнинг самарали омили сифатида табора оммалаша бошлади. Етук услубчи олимлар И.Л.Бим, О.В.Афанасьева, О.А.Радченколарнинг асосли фикрича, хорижий тилларда мулоқотни

ўргатишга йўналтирилган коммуникатив ёндошув таълим самарадорлигини оширувчи янгича методик системадир. (1999:13-17).

Хорижий тил машғулотларини технологиялаштиришнинг коммуникатив асослари рус олимлари Е.И.Пассов(2000:213), С.И.Полат(2000:4), Н.И. Болдырев(1998:12), Р.П.Мильруд ва И.Р.Максимоваларнинг(2000:9-15) тадқиқотдарида кенг ва атрофлича ёритилган. Уларда билдирилган асосий фикрларга таяниб хорижий тил машғулотларини технологиялаштиришнинг коммуникатив ёндашув асосида ташкил қилишнинг қуйидаги стратегик ва концептуал тамойилларини белгилаш мумкин:

**1.**Хорижий тилларни ўқитишнинг барча аспектлари бўйича ташкил қилинадиган назарий ва амалий машғулотларни ( тил тарихи, лексикология, стилистика, мамлакатшунослик, қиёсий типология, чет тили ўқитиш методикаси,амалий фонетика, амалий грамматика, сўзлашув амалиёти, матн таҳлили, ўқиб тушуниш,уйда ўқиш, фикрни ёзма баён қилиш) мулоқотни ўргатиш тамойиллари асосида технологиялаштириш;

**2.** Хорижий тил дарсларининг барча типларини назарий билимларни амалиётда-мулоқот жараёнида қўллашни кўзда тутадиган инновацион технологиялардан, ўзаро фикр алмашувга йўналтирилган, интерфаол метод ва усуллардан(жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш, ҳамкорликда ишлаш) технологияларидан фойдаланиш, коммуникатив вазиятлар асосида жуфт ва гуруҳ бўлиб ўзлаштириладиган коммуникатив топшириқлардан фойдаланиш;

Бундан услубчи олимлар олдига ўқув дастурлари ва дарсликлар яратишда тил аспектлари бўйича ташкил қилинадиган амалий машғулотларда ҳар бир мавзуга мўлжалланган нутқ блоклари ва уларга ажратиладиган максимал ўқув соатларининг миқдорини аниқлаш, нутқ блокларига киритиладиган фонетик, лексик, грамматик материалларни конкретлаштириш ва уларни мулоқотни ўргатиш жараёнида ўзлаштирилишини таъминлайдиган коммуникатив топшириқлар(машқлар сериясини) тузиш, уларни экспериментлар орқали амалиётга жорий қилиш вазифаси келиб чиқаяпти.

**3**.Тил аспектлари бўйича машғулотларни технологиялаштириш жараёнида мулоқотни ўргатиш, уни мавзуга доир нутқ вазиятларига ва талабаларнинг нутқий эҳтиёжларига мослаштириш.

**4**.Ўзаро фикр алмашувга йўналтирилган амалий машғулотларда нутқ мавзулари бўйича махсус мулоқот топшириқларни тузиш,уларни тушунтириш ва бажаришга ўргатишда ҳар бир сўз ва жумланинг таржимасиз тушунилишини, фаолиятнинг қизиқарлигини таъминловчи аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситаларидан: расмлар, расмлар серияси, предметлар, имо-ишоралар, ҳаракатлар, перефраза, синоним ва антонимлардан, сўз ясовчи қўшимчалардан, ўйинлардан, топишмоқлардан, мусиқа ва ашуладан кенг фойдаланган ҳолда нутқий ҳаракатларга ўргатиш;

**5**.Амалий машғулотлар жараёнида муайян нутқ мавзулари асосида тузиладиган, ўрганилган фонетик, лексик-грамматик, мулоқотни ўргатиш,

тинглаб ва ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш малакаларини комплекс шакллантиришга мулжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш ва мустаҳкамлашда кўп марталик такрор тамойилига риоя қилиш. Бунда ҳар бир топшириқ талабалар жуфтликлар томонидан 30 мартагача такрорланишига ва ўрганиладиган кичик диалог талабалар хотираларида мустаҳкам сақланишга эришиш;

**6.** Мавзу бўйича тузилган коммуникатив топшириқлар асосида ишловчи жуфтликлар ва гуруҳларини тузишда ҳар бир талабанинг индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш. Бунда реплика ташловчи вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи талаба танланади. Чунки, у ўқитувчи кўрсатмасига биноан лозим бўлган нутқ ҳаракатларини бажариб, топшириқ репликасини ўқиш ва у орқали шеригининг жавобини текшириш жараёнида маълум даражада уни такрорлайди, идрок қилади ва хотирасида сақлашга эришади.

Репликага жавоб берувчи вазифасига эса, нисбатан яхши ва аъло ўзлаштирувчи талабалардан танланади. Белгиланган вақт жараёнида топшириқ ўзлаштирилгач, ўқитувчи талабаларнинг вазифаларини алмаштирилилади;

**7.**Мулоқот жараёнининг функционаллигини таъминлаш; Бу ўқитувчининг жуфт ёки гуруҳ булиб ишловчи талабаларнинг ўрганувчи фаолиятини ташкил қилувчи ўйинлар, турли усуллар ва бошқарувчи кўрсатмалари орқали ташкил қилинади. Ўкитувчи кўрсатмалари карточкаларга ёзилган бўлиши ёки экран орқали намойиш қилиниши ёки ўқитувчи томонидан оғзаки амалга оширилиши мумкин. Бу кўрсатма орқали ҳар бир талаба ўз вазифасини бажаради, ўрганиладиган мавзуга ва коммуникатив вазиятга мос равишда нутқий ҳаракатни бажариш йўлларини, ўз фикрини турли шакллар ва усулларда ўзлаштириш усулларини эгаллайдилар. Бу ўз навбатида мулоқот топшириғини коммуникатив вазиятларга боғлиқлигини, ўқувчиларнинг хаётий эҳтиёжларига мослигини, қизиқарлилигини, янгилигини таъминлайди;

**8.**Ўрганиладиган коммуникатив топшириқнинг мазмун-маъносини таржимасиз, онгли ўзлаштирилишига эришиш;

**9**.Топшириқни бажариш, яъни мулоқотни ўрганиш жараёнида ўкувчиларнинг интеллектуал, аҳлоқий, эмоционал ривожланишини таъминлаш. Топшириқни кўп марталик такрор орқали ўзлштирилиши ўкувчиларнинг хотираларини ривожлантиради. Жуфтликлар ва гуруҳлар ичида ўрнатиладиган ўзаро ҳамкорлик, самимий , дўстона муносабатлар уларни ўзаро ҳурмат, беғараз ёрдам, инсонийлик сифатларини шаклланишига олиб келади. Ўйинлар, мусиқа, ашула, ҳазил ва юмор орқали бажариладиган топшириқлар талабаларнинг қизиқишларини, ҳис-ҳаяжонларини, эмоционал ривожланишини, эркин фикр билдира олиш қобилиятларини шакллантиради ва ривожлантиради;

**10**.Топшириқларни ўзлаштиришни дарс жараёнида, ўқув лабароториясида ва уйга вазифа сифатида уч бор ташкил қилиш, бунда ҳар бир талабанинг ўзлаштириш даражасини ҳисобга олиб бориш;

**11**.Топшириқни бажариш жараёнида талабаларнинг коммуникатив компетенциясини, яъни мулоқатга киришa олиш салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш.

Хорижий тил аспектлари бўйича машғулотларни технологиялаштиришда мулоқотни ўргатиш талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш анъанавий ўқитишдан фарқли уларoқ ўқув материалининг талаффузини, янги лексикасини, грамматик материалини, эшитиб ва ўқиб тушуниладиган матнларини, фикрни ёзма баён қилиш усулларини мулоқот жараёнида комплекс ўзлаштиришни кўзда тутади. Яъни, талаба коммуникатив топшириқни бажаришни машқ қилаётган жараёнидаёқ ундаги лексик бирликларнинг талаффузини, англатган маъносини, грамматик-синтактик тузилишини, жумла тузилишидаги ўзига хосликларни интуитив эгаллаб олади. Топшириқ нутқ даражасида ўзлаштирилганидан кейингина, унинг график ифодаланишини ўқиб тушинишга, ўрганилган ахборот ҳақида фикрини ёзма баён қилишга ва ниҳоят ундаги фонетик-грамматик қоидаларни ўрганишга киришилади.

Дарс жараёнини бундай ташкил қилиниши анъанавий ўқитиш методикасида шаклланган ўқув материалини тушунтириш, мустаҳкамлаш ва назорат ва баҳолаш каби бир қолипга солинган усуллардан фарқли ўлароқ, таълимни талабаларни мулоқотни ўргатишдан бошлайди.Фонетик, лексик, грамматик қоидаларнинг энг охирида ўргатилиши - ўзлаштирилган нутқ материалининг мустаҳкамловчи воситаси вазифасини бажаради.

Бинобарин, хорижий тил аспектларини ўқитиш жараёнида ҳорижий тилда мулоқотни ўргатишнинг бундай концептуал тамойиллари маъруза машғулотларини ташкил қилишда,талаффузга, янги лексикага, грамматик материалга, сўзлашувга, тинглаб ва ўқиб тушунишга, фикрни ёзма баён қилишга мўлжалланган амалий машғулотларнинг ташкил қилишнинг барчасида иштирок этади ва улар дарс жараёнини технологиялаштиришда қўлланиладиган метод ва усулларда, ҳамкорликда ишлаш технологияларида ўз аксини топиши муҳимдир. Шу нуктаи назардан қуйида назарий машғулотларни (маъруза) ташкил қилиш технологиялари, чет тили ўқитишнинг турли аспектларида ташкил қилинадиган амалий машғулотларнинг технологиялаштиришни коммуникатив ёндашув тамойилларига асосан ташкил қилиш батафсил баён қилинади.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1**.**Мулоқотни ўргатиш тамойилларинининг ҳар бирининг моҳиятини шарҳланг.

2.Коммуникатив ёндашувнинг анъанавий ўқитиш методларидан фарқини тушунтиринг.

3. Амалий машғулотларда кўп марталик такрор ва ҳамкорликда ишлаш тамойилининг моҳиятини изоҳланг.

4.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб, мавзу бўйича билимларингизни чуқурлаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***концептуал тамойил, нутқ мавзуси, нутқ вазияти, коммуникатив эҳтиёж, коммуникатив топшириқ, мулоқот мавзусини комплекс ўзлаштириш.***

### Топшириқни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:

1.Болдырев Н.Н.Лингвистические основы коммуникативных методов обучения иностранному языку. \\ Иностранные языки в школе. М.:,1998..№3. с.12-15.

2.Бушуй А.М. Общие лингвистические основы разработки методики обучения иностранным языкам на современном этапе \\ Лингвистические и методические проблемы преподавания языка как иностранного.Полтава, 1994 с.5-16.

3.Воловик А.В. Коммуникативный подход к обучению иностранным языкам (Из опыта зарубежной методики) Автореферат дисс. канд.пед.наук. М.1988 , 23 с.

4.Гойхман О. Я., Надеина Т.. Основы речевой коммуникации. - М., 1997.

5.Мильруд Р.П., Максимова И.Р. Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 2000, №4, с.9-15; №5 с.17-22.

6.Пассов Е.И.Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. М.: Просвещение,1991. 223 с.

7.Пассов Е.И. Программа-концепция коммуникативного иноязычного образования. Концепция развития индивидуальности в диалоге культур. - М.,2000.-172 с.

## 3. ТИЛ АСПЕКТЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШДА ТАЪЛИМ УСУЛЛАРИНИНГ ЎРНИ

(2соат)

### 1.Усулларнинг ўқув машғулотини технологиялаштиришдаги ўрни ва вазифаси

Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасида ***Таълим бериш усули*** дейилганида, белгиланган таълим мақсадига эришишни таъминловчи, таълим берувчи ва таълим олувчиларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ўрганувчи фаолиятини тартибли ташкил этиш ва бошқариш йўлллари тушунилади.

Бундай ҳамкорликдаги фаолиятни технологиялаштириш машғулотдан кутилаётган натижалар кафолатланшини кўзда тутади.

Хорижий тил аспектлари бўйича машғулотлар ташкил қилишда интерфаол таълим усуллари - жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги ўқув фаолияти моделлаштирилади.

Хорижий тил аспектлари буйича машғулотларда талабаларнинг интерфаол фаолиятини таъминловчи таълим усуллари жадвалда қуйидагича гуруҳларга ажратиб кўрсатиш мумкин:


Усуллар гуруҳи
Ҳамкорликдаги фаолиятни ташкиллаштириш йўли
Фаолият мазмуни
I гуруҳ
Маъруза
Ҳикоя
Тушунтириш
Йўриқнома бериш
Намойиш
Кўрсатиш
Видеоусул
Ўқитувчи: энг кам вақт ичида катта ҳажмдаги ўқув ахборотини етказади ва хотирага қабул қилиш, англаш ва йиғишни ташкиллаштиради.
Талабалар: хотирага қабул қиладилар, ангалайдилар, йиғадилар, бироқ хатосиз, онгли равишда қайта тикламайдилар.
II гуруҳ
Китоб билан ишлаш
Лаборатория усули
Машқ
Амалий иш усули
Ўқитувчи: билимларни ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш, янги билимларни қидириш, намуна бўйича ҳаракатларни бажариш малака ва кўникмаларни шакллантириш бўйича талабалар ўқув фаолиятини ташкиллаштиради.
Талабалар: бевосита ўқитувчи бошқарувида таҳлил қиладилар, таққослайдилар, умумлаштирадилар, тайёр намуна бўйича амалий ва нутқий ҳаракатларни бажарадилар
III гуруҳ
Суҳбат
Баҳс
Ақлий ҳужум
Таълимий ўйин
Пинборд
Инсерт
Вазиятлар усули
Ўқитувчи: фақат билимнинг бир қисмини маълум қилади, талабаларнинг янги билимларни излаб топиш қадамларини бажаришга йўналтиради, турли муаммоли вазиятларда ўқиш-ўрганиш жараёнини ташкиллаштиради.
Талабалар: Ўқтиувчининг кузатуви остида мустақил фикрларни таққослайдилар, умумлаштирадилар, хулоса қиладилар, баҳолайдилар ва таҳлил қиладилар, муаммоли ҳолатларни ҳал этадилар ва ностандарт топшириқларни ечадилар, мураккаблаштирилган шароитдаги амалий ҳаракатларни бажарадилар
IV гуруҳ
Ўқув лойиҳалар усули
Кейс-стади
Уқитувчи: талабаларга муаммони, фараз, вазифаларни ифодалашда ёрдам беради ва фаолиятни бошқаради.
Талабалар: улар учун янги бўлган муаммоларни ечиш жараёнида билимларни мустақил излайдилар, кутилаётган натижаларга эришишнинг йўл ва воситаларини ўзлари аниқлайдилар.

## 2.Хорижий тил аспектлари бўйича машғулотларни технологиялаштиришда таълим усуллари талқини

Маълумки, олий ўқув юртларида чет тили фани тил тарихи, назарий фонетика, назарий грамматика, чет тили ўқитиш методикаси, қиёсий типология, лексикология, стилистика сингари назарий машғулотлар ва уларнинг семинар машғулотлари, амалий фонетика ва грамматика, сўзлашув амалиёти, таҳлилий ўқиш, уйда ўқиш сингари амалий машғулотлардан ташкил топган муайян аспектларда ўрганилади. Бўлажак чет тили ўқитувчилари тайёрлашни кўзда тутган таълимнинг магистратура йўналишида бундай машғулотларни коммуникативлик тамойилларига асосланган замонавий педагогик технологияларга таяниб моделлаштириш усулларининг методик асосларини ўргатиш чет тили ўқитиш методикаси зиммасига тушади. Шу нуқтаи назардан қуйида махсус фанларни технологиялаштиришда таълим усулларини ўрнини батафсил баён қилинади.

***МАЪРУЗА*** – белгиланган вақт жараёнида ўқитувчи томонидан катта ҳажмдаги ўқув материалининг монологик баён қилинишидир.

Усулнинг асосий *вазифаси* – талабаларга мавзу бўйичаэнг муҳим назарий билимларни тушунтириш. *Белгилари:* қатъий тузилма, оғзаки-мантиқий баён қилиш, берилаётган ахборотнинг кўплиги.

Маъруза машғулотининг самарадорлик шартлари қуйидагилардан иборат:

- маърузанинг батафсил режасини тузиш;
- таълим олувчиларга маъруза мавзусининг мақсади, вазифалари ва режани тушунтириш;
- режанининг ҳар бир қисмини ёритгандан сўнг қисқа умумлаштирувчи хулосаларни шакллантириш;
- маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
- ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);
- маъруза машғулотининг қизиқарлилигини таъминловчи баҳс-мунозара,муаммоли вазиятлар, блиц саволлар , кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш;
- унинг алоҳида ҳолатлари батафсил кўриб чиқиладиган семинар, амалий машғулотлар жараёнида мустаҳкамланиши.

***ҲИКОЯ УСУЛИ*** – ўқитувчининг назарий ҳолатларни мулоқот жараёнида тартибли қўллашга йўналтирилган, ўрганаётган материалга нисбатан қизиқиш уйғотишга қаратилган оғзаги баён усулидир.

Ҳикоя усулининг асосий мақсади - талабаларга назаий материални эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланиб, санъаткорона, таъсирчан баён қилишдир.

***ТУШУНТИРИШ усули*** – баён қилинаётган материалнинг турли ҳолатларини дарстахтада, слайдларда намойиш қилиб тушунтириш, таҳлил қилиш, изоҳ бериш ва исботлаш орқали ўқув материалини баён қилишни кўзда тутади.

***ЙЎРИҚНОМА БЕРИШ*** – амалий ва назарий машғулотларда касбий тайёргарликда кенг фойдаланиладиган мустақил усул бўлиб, у талабаларга аниқ вазифа ва ўқув ҳаракатларнинг амалга ошириш йўлларини, амалий топшириқларни ечиш талабларини, кўникмалардан иборат ҳаракатлар тартибини, маълум турга хос бўлган вазиятлар тавсифи ва уларни нутқ амалиётида қўллашни кўзда тутади.

Машғулот жараёнидаги ўрнига кўра йўриқнома бериш уч турда бўлади:

1) кириш йўриқномаси;
2) жорий йўриқнома;
3) якуний йўриқнома.

*Кириш йўриқномасини бериш* қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

-талабаларга бажариладиган иш мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракатнинг усул, восита ва шаклларини, техник ҳужжатлар ва якуний натижага, фаолият натижасига бўлган талабларни етказиш;

- фаолиятни бажариш қоидаси ва изчиллиги, алоҳида ҳаракатлар, усулларни тушунтириш;

- қийинчиликлар, хатоликлар, меҳнат хавфсизлиги тўғрисида огоҳлантириш.

*Жорий йўриқнома бериш* қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- фаолиятни бажаришга қийналаётган талабалар ишини тўғрилаш;

- ҳар бир талаба ишини кузатиш;

- фаолият турларини бажариш, бу жараёнда ҳамкорликдаги ва мустақиллик уюштириладиган фаолиятга ўргатиш.

*Якуний йўриқнома бериш* қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- жуфт ва ва гуруҳ бўлиб бажариладиган фаолият натижаларини баҳолаш;

- ўқув – билиш фаолиятнинг мустақиллик даражаси;

- фаолиятни бажаришдаги алоҳида камчиликларни аниқлаш;

- касбий муҳим сифатлар, кўникма, ўзини тутишнинг одоб–аҳлоқий меъёрларини шаклланганлиги;

- баҳолар билан таништириш.

Йўриқнома бериш шаклига кўра оғзаки, ёзма (карточкаларда), кўргазмали ва аралаш бўлиши мумкин. Талабалар томонидан ўқув машғулотининг технологик хариталарини тузиш ўқитувчи томонидан берилган намунавий моделга асосланади ва бу талабаларда педагогик касбни шакллантиришга йўналтирилган йўриқномадир. Бундай йўриқнома изчилликдан ташқари, технологик талаб, тартиб, умумий ишларни бажариш

воситалари, ишларни бажариш қоидасининг йўриқномали баёнидан иборат бўлади.

***НАМОЙИШ УСУЛИ*** - маъруза ва амалий машғулотларда дарстахтасидан, экрандан фойдаланган ҳолда турлича манзараларни, нутқ вазиятларини, нарса ва предметларни расмларини, ўкув материалининг чизмаларини кўрсатиш ва солиштириш ва бу орқали тушунишни енгиллаштирадиган таълим усулидир.

Намойиш усулининг самарадорлиги қуйидагиларни бажара олиш орқали таъминлайди:

- намойиш объектларини тўғри танлаш;

- талабалар диққат- эътиборини намойиш қилаётган лексик, грамматик, стилистик бирликлар ваулар қўлланиладиган коммуникатив вазиятларнинг муҳим томонларига йўналтириш;

- талабалар намойиш қилинаётган объектни яхши кўришлари ва имкон бўйича на фақат кўз, балки барча сезги аъзолари билан қабул қилишларини таъминлаш;

-талабаларга намойиш қилинаётган объектнинг лисоний белгиларини, сифатларини мустақил баҳолаш ўргатиш .

Намойиш усули маъруза ва амалий машғулотларда схема ва жадваллардан, расм ва суръатлардан, альбомлардан, видео воситалардан (кодоскоп, проектор, киноаппарат, ўкув телевидениялар, шунингдек ахборотни дисплей билан акс эттирувчи компьютерлар) фойдаланиш орқали амалга оширилади.

***КИТОБ БИЛАН ИШЛАШ (ИНСЕРТ) усули.*** Талабаларнинг китоб билан ишлашлари одатда назарий машғулотда ўқитувчи раҳбарлигида тингланган мавзуни кенгайтирилган матни билан таништиришда, таҳлилий ўқиш, амалий грамматика, амалий фонетика, уйда ўқиш, сўзлашув амалиёти сингари амалий машғулотларида ўрганилган материални матндан топиш, ўқитувчи йўриқномаларини (саволлар тузиш, лексик,грамматик стилистик, прагматик таҳлил) бажариш жараёнида жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилинади. Китоб билан ишлашни уйга вазифа сифатида мустақил иш сифатида ҳам уюштириш мумкин. Бу инсерт усули деб ҳам юритилади. Бунда талаба ўрганилаётган матн устида қуйидаги ишларни бажариши лозим:

- *матннинг тузилиши билан танишиш;*
- *матнга кўз югуртириб чиқиш;*
- *алоҳида қисмларини ўқиш;*
- *саволларга жавоб қидириш;*
- *реферат ёзиш;*
- *таянч конспектлар тузиш;*
- *мантиқий тузилмавий чизмалар тузиш;*
- *мисол ва топшириқларни ечиш, машқларни бажариш;*
- *назорат тестларини бажариш;*

*- материални хотирада сақлаш.*

Бунда талаба ўрганилаётган маъруза матни ёки бадиий матнга қуйидаги белгиларни қуйиб, билимларини такомиллаштиришни белгилаб олади:

*(√) - мен биламан, деган фикрни тасдиқловчи белги;*

*(+) – ўрганилмаган янги ахборот белгиси;*

*(–) - менинг билганларимга зид белгиси;*

*(?) - мени ўйлантириб қўйди. Бу бўйича менга қўшимча ахборот керак белгиси.*

**Инсерт усули қўлланилган ўқув машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| ***Ишлар босқичи ва мазмуни*** | ***Ф а о л и я т   м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик | Ўқув машғулот мақсадини аниқлайди, унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонларини шакллантиради, керакли ўқув материалларини тайёрлайди | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа | Ўқув машғулотининг мақсади, вазифалари унинг натижалари, таълим олувчилар фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Ёзиб оладилар |
| 3-босқич Асосий қисм | Мавзу бўйича мавжуд ахборотларни фаоллаштиради: “ақлий ҳужум” усули ёрдамида қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф этади: “Сиз... шу тўғрисида нималарини биласиз?”<br>Дарстахтасида алоҳида сўз ёки сўз бирикмаларини ёзишни ташкиллаштиради. Уларни алоҳида тоифалар бўйича тизимлаштиришни таклиф этади. Бунинг учун:<br>-тоифали жадвал тузилмасини жамоавий муҳокамасини ташкиллаштиради;<br>-дарстахтасида жадвал чизишни ва унга (жамоавий/алоҳида) олинган ахборотларни киритишни таклиф этади.<br>Ҳосил қилинган билимларни умумлаштиради: қуйидаги саволга жавоб беришларини таклиф қилади: “Сиз қандай янгиликларни билишни хоҳлар эдингиз?”, “Сизга...шу тўғрисидаги билимлар нима учун керак?”<br>Матнни тарқатади, уни ўқиб чиқишни ва инсерт усулидан фойдаланиб матн четида белгилар қўйишни таклиф этади.<br>Ишнинг боришини кузатади. Ишнинг ўзаро текширувини ўтказиш ва ўқиш пайтида пайдо бўлган саволларга жавоб беришни таклиф этади.<br>Ихтиёрий белги бўйича талабаларни гуруҳларга бўлади ва гуруҳли инсерт жадвалларини тузишни ва уларга олинган ахборотларни киритишни таклиф этади. | Саволларга жавоб берадилар.<br>Жадвалнинг тузилмавий таркибий қисмларини ечишда иштирок этадилар.<br>Унга ахборотлар “киритадилар”.<br>Саволларга жавоб берадилар.<br>Жуфтликда ишлайдилар; ўрганилган материал бўйича фикр алмашадилар.<br>Муҳокама вақтида танлаб олинган ахборотларга асосланиб, |

| | | |
|---|---|---|
| | Натижалар тақдимоти бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳдан бир талаба чиқиб, гуруҳ тақдимотини қилади. | гуруҳли жадваллар тузадилар . Гуруҳ сардорлари натижалар тақдимотини ўтказадилар. Бунда улар эътиборни асосий ахборотга қаратадилар, ўқиш давомида пайдо бўлган саволларни айтадилар |
| 4-босқич. Якун ясаш | Олинган ахборотни умумлаштиради ва шарҳлайди. Пайдо бўлган саволларга жавоб беради, муҳим қўшимча ахборотни беради. Эришилган натижаларни таҳлил қилади ва баҳолайди. Кейинги иш истиқболларини аниқлайди | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар |

***ЎҚУВ ЛАБОРАТОРИЯСИДА ИШЛАШ УСУЛИ.*** Усулнинг асосий вазифалари – назарий ва амалий машғулотларда ўрганилган билимларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Бу усул талабаларда қуйидаги кўникма ва малакаларни шакллантиради:

-*техник воситалар билан ишлаш малака ва кўникмаларини эгаллаш;*

- *ўрганилган нутқ мататериалини мулоқот даражасига етказиш;*

- *ўз ўзини текшириш ва баҳолаш;*

-*мавзуни ўрганишда мустақил тадқиқот йўлларини танлаш;*

-*эришилган фонетик, лексик, грамматик, нутқий малакалаларни такомиллаштириш;*

-*ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва аввалгилари билан солиштириш.*

Ўқув лабораториясида ишлаш ўқитувчи раҳбарлигида ёки мустақил иш сифатида ташкил қилинади ва берилган топшириқларнинг бажарилиши ўқитувчи ёки лоборант томонидан албатта назорат қилиниши зарур.

Ўқув лабораториясида ишлаш индивидуал равишда ёки жуфт ва, гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилиниши мумкин.

Амалий машғулотлар бўйича индивидуал бажариладиган лаборатория ишлари қуйидаги шаклларда ташкил қилиниши мумкин:

- *дисплейдан ёки магнитафондан эшитиладиган паузали саволларга тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзини текшириш;*

- *берилган таянч сўз орқали гап ясаш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- эшитилган кўчирма гапни ўзлаштирма гапга айлантириш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- эшитилган лексик бирликка синонимлар, антонимлар, омонимлар топиш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- эшитилган жумлани сўроқ ва инкор формаларга қуйиб гапириш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- берилган лексик бирликнинг сўз оиласини келтириш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- эшитилган монологик нутқни диалогик нутққа айлантириш ва ўз-ўзини текшириш;*

*- мавзу асосида тузилган режа бўйича гапириш ва ўз-ўзини текшириш.*

Ўрганилатган фан аспектининг турига ва нутқ мавзуларининг характерига кўра бундай ишларнинг миқдорини янада кўпайтириш мумкин.

***СУҲБАТ УСУЛИ*** – назарий ва амалий машғулотларда мавзу бўйича ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги диалогли (юнонча: dialogos - икки ёки бир неча инсонлар орасидаги сўзлашув) таълим бериш ва ўрганишнинг савол–жавобли йўлидир.

Усулнинг етакчи вазифаси – қизиқтириш, мақсадга йўналтирилган ва моҳирона қўйилган саволлар ёрдамида талабаларда берилган мавзу бўйича жавоблар эшитилади ва ҳар томонлама муҳокама қилиниб, умумлаштирилади, муҳокама жараёнида якуний хулосаларга келинади. Талабалар ўқитувчи ёрдамида қадамма-қадам мустақил фикрлаш, якунлаш, хулосалаш ва умумлаштириш йўли билан янги билимларни тушунадилар ва ўзлаштирадилар.

Суҳбатлар ташкилий шакли бўйича ўқув ва “давра суҳбатига” бўлинади.

“Давра суҳбати” ўқув суҳбатидан иштирокчиларнинг эркин ҳолатда жойлашиш тартиби ва асосийси, улар фикрини навбат билан билдириши билан фарқланади.

Энг муҳими саволларни тўғри шакллантириш ва беришдир. Улар ўзаро мантиқий боғлиқликка эга бўлиши, ўрганилаётган савол моҳиятини очиб бериши, тизимда билимларни ўзлаштиришга ёрдам бериши керак. Саволлар мазмуни ва шаклига кўра талабаларнинг билим даражасига мос келиши лозим.

**Суҳбат машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| ***Иш босқичлари ва мазмуни*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик | Суҳбатнинг мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди, асосий ва ёрдамчи саволларни шакллантиради,уни ташкиллаштириш ва олиб боришни ўйлаб чиқади: саволларни | |

| | | |
|---|---|---|
| | бериш тартиби, қандай боғлиқ ҳолатлар бўйича умумлаштириш ва хулосалар қилиш лозимлиги ва бошқаларни режалаштиради.. | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа. | Қисқа шаклда ўқув суҳбатининг мавзусини, унинг вазифаларини тушунтиради, ушбу мавзу бўйича эгалланган билим ва малакаларни эслатади. Суҳбат давомида таълим олувчиларнинг алоҳида мулоҳазаларини умумлаштиришга ва барча талабаларни. фаол иштирок этишларига ундайди. | Тинглайдилар. |
| 3-босқич. Суҳбат | Тўғри жавобларни маъқуллайди, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаганларни шарҳлайди, аниқлайди. Нотўғри жавоб берган талабаларга ўза хатосини топишни таклиф қилади. Агар у буни қила олмаса, бошқа талабаларни ёрдамга чақиради. | Саволларни диққат билан тинглайдилар, жавоб берадилар, ўзгалар жавобларини таҳлил қиладилар, ўзларининг шахсий мулоҳазарини айтадилар. |
| 4-босқич. Хулоса | Усуллардан бирини танлаб, суҳбат натижаларини умумлаштиради:<br>-ўзи якун ясайди;<br>-йўналтирувчи саволлар ёрдамида суҳбат натижаларини ”йиғади”. | Тинглайдилар. |
| 5-босқич. Якунлаш | Суҳбатга якун ясайди: талабалар фаолиятини таҳлил қилади ва баҳолайди. | Ўз-ўзларини баҳолайдилар. |

***БАҲС (МУНОЗАРА) УСУЛИ*** – назарий ва амалий характердаги аниқ муаммо бўйича фикр алмашиш, муҳокама шаклидаги таълим беришнинг фаол усули.

Бу усулдан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

- *янги билимларни шакллантиришда;*
- *талабалар томонидан у ёки бу саволларни чуқур ўйлаб, уларнинг моҳиятини аниқлашни таъминлашда;*
- *талабаларни далил ва исботларга асосланган хулосалар ўртасидаги фарқларни аниқлашга ўргатишда;*
- *ўзаро фикр алмашинув кўникмаларни шакллантиришда;*
- *талабаларда шахсий фикрларини ҳимоя қилишга ўргатишда.*

Баҳс-мунозара эркин тартибда ўзлаштирилиши лозим бўлган мавзу асосида уюштирилади. Баҳс мунозара бошланишидан олдин талабаларга қўйидаги эслатма намойиш қилинади:

**Мунозара иштирокчиси учун эслатма:**

•*Мунозара ўзаро муносабатларни аниқлаш эмас, муаммонинг ечиш усулидир.*

•*Бошқаларга ҳам фикр билдириш имконини бериш учун жуда узоқ гапирманг.*

*•Фикрингизни исботлаш учун, сўзларни тежамли ва ўйлаб ишлатинг, бунда ўз ҳис-ҳаяжонингизни назорат қилинг.*

*•Эътирозларни тушунишга ҳаракат қилинг, уларга ҳурмат билан ёндашинг.*

*•Фақат мунозара мавзуси бўйича гапиринг, билимдонлигингиз билан ғурурланманг.*

*•Эътирозлар мазмунини бузмасдан ва ажабланмасдан фикрингизни исботланг.*

*• Кимгадир атайлаб ён босиш, ёки уни фикр билдирдантўхтатиб қўйиш васвасасидан* чекланинг.

Мунозара ўқитувчи ёки талабалардан бири томонидан бошқарилади. Бундай вазифа талабалардан бирига юклатилса, у ўқитувчининг барча вазифаларини ўз зиммасига олиб, мунозарага раҳбарлик қилади, исботларни шарҳлайди, ўзаро муносабатларни бошқаради.

Мунозарани уюштиришда талабалардан махсус тақризчилар, мантиқчилар, экспертлар тайинланиши мумкин.

Тақризчи фикрларни эшитиб умумий хулосалар чиқаради.

Мантиқчи – билдирилган фикрлардаги қарама-қарши ва мантиқий хатоларни ажратади, тушунчалардаги маъноларни аниқлайди, фикрларнинг равонлигини таҳлил қилади.

Эксперт - мунозаранинг натижавийлигини, илгари сурган фараз ва таклифларнинг тўғрилигини, қилинган хулосаларни баҳолайди, мунозарага ҳисса қўшган аниқ иштирокчилар тўғрисида фикрлар билдиради.

**Маъруза машғулотида бошқариладиган мунозаранинг намунавий технологик харитаси**

| ***Иш босқичлари ва мазмуни*** | ***Ф а о л и я т   м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик | Мунозара мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди, эришилажак натижаларни белгилайди; “Мунозара иштирокчисига эслатма” слайдни расмийлаштиради; мунозарани керакли маромда бошқарадиган саволлар ва оралиқ хулосаларни тайёрлайди; уни ўтказиш тартиби ва ташкиллаштиришни лойиҳалайди, мунозарани қандай ва нимадан бошлаш, унда барча талабалар иштирокини таъминлаш, мунозарани якунлаш ва охирги хулосаларни аниқ шакллантириш йўлларини белгилайди. | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа. | Мунозара мавзусини эълон қилади, унинг тузилишини баён қилади,бу борада ўз мулоҳазаларини билдиради ва таълим олувчиларга ўз фикрларини баён қилишни таклиф этади. Мунозарани қизиқарлилигини | Тинглайдилар, ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | таъминлаш учун учун, тайёрлаб қўйилган бир неча муаммоларни баён қилади. | |
| 3-босқич. Асосий қисм | Мунозарани бошқаради, иштирокчилар томонидан қоидани бажаришларини таъминлайди. | Таклифлар киритадилар, муҳокама қиладилар. |
| 4-босқич. Якуний-таҳлилий | Мунозара сўнгида қисқача хулосаларни эълон қилади. | Тинглайдилар, хклосалар билан танишадилар. |

## Мунозарали семинар машғулотининг намунавий технологик харитаси

| *Иш босқич-лари ва мазмуни* | ***Ф а о л и я т   м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик. | Семинар мавзуси, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини аниқлайди; талабалар мунозарада эришиши мумкин бўлган натижларни белгилайди; мунозарада муҳокама қилинадиган муаммони белгилайди; семинар бошқарувчисини, тақризчиларни, мантиқчи ва экспертларни белгилайди. Мунозара ўтказиш тартибини режалаштиради. | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа | Семнар мавзусини мавзусини, мақсадини, вазифа ва натижаларини, мунозарада эришиши мумкин бўлган натижларни эълон қилади. Семинар олиб борувчисини ва тақризчини, экспертларни таништиради. Талабаларни “Мунозара иштирокчилари эслатмаси” билан таништиради ва мунозара бошланишини эълон қилади | Олиб борувчи, маърузачи, эътирозчи, тақризчи, мантиқчи, ва экспертларни билиб оладилар. |
| 3-босқич. Асосий қисм | Гуруҳларга савол ва топшириқлар бериб, уларга алоҳида тушунтиришлар беради, мунозаранинг асосий ҳолатларини кўрсатади, фикрлашдаги қарама-қаршиликларни чеклайди. Билдирилган фикрларда эркинлик ва қизиқувчанликни уюштиради, муаммонинг ишончли баёнини таъминлайди. | Ҳар бир гуруҳлардан бир вакил чиқиб тақдимот қилади, сўнг эътирозчи ва тақризчиларга сўз берилади. |
| 4-босқич. Якуний-таҳлилий | Мавзу бўйича тингланган фикрларни умумлаштиради, якуний хулосаларни шакллантиради. Гуруҳларни баҳолайди. | Тинглайдилар. |

***“АҚЛИЙ ҲУЖУМ» УСУЛИ*** - ғояларни генерация (ишлаб чиқиш) қилиш усулидир. «Ақлий хужум» технологияси ўзлаштирилган назарий ва амалий билимлар бўйича талабалар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган мулоқот жараёнидир.

«Ақлий ҳужум» усулининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд.

Оғзаки шаклида ўқитувчи томонидан берилган саволганавбат билан талабаларнинг барчаси ўз фикрларини билдиришлари мумкин. Бунда жавобларнинг аниқ ва лўнда баён қилинишига, берилган саволларга бир неча жавобларни эшитиб уларнинг энг тўғрисини танлаш имконияти яратилади.

Ёзма шаклида эса, берилган саволга талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўз жавобларини карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади.

«Ақлий ҳужум» усулининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу усул тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ноодатий шаклларда фикрлашга ўргатади.

Ақлий ҳужум усулидан фойдаланилганда талабаларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, талабаларда мулоқотга киришув ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Талабаларнинг фикрни фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги талабаларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу усул талабаларда ижодий тафаккурни ривожлантиради.

“Ақлий хужум” қийин вазиятлардан қутулиш чораларини топишга, муаммони кўриш чегарасини кенгайтиришга, фикрлар бир хиллигини йўқотишга ва кенг доирада тафаккурлашга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида курашиш муҳитидан - ижодий ҳамкорлик кайфиятига ўтилади ва гуруҳ янада жипслашади.

Қўлланиш мақсадига кўра бу усул универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликка йўналтиради (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўзлаштирилган ўқув материалларини тезкор хотирлашга, ўзини-ўзи самарали бошқариш асосида фаол фикрлашни ривожлантиради.

“Ақлий хужум” иштирокчилари олдига қўйилган савол бўйича ҳар қандай мулоҳаза ва таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзиб борилиши - ўз фикрларини қайтадан хотирада тиклашга ёрдам беради. Технология самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланди ва «ҳужум» давомида улар танқид қилинмайди. «Ақлий ҳужум» тугагач, муҳимлик жиҳатига кўра таклифларни гуруҳларга бўлиш, умумлаштириш, рейтинглаш мумкин.

«Ақлий ҳужум» технологияси ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга кўра қуйидагича амалга оширилади:

а) талабаларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, машғулотнинг мавзуга кириш қисмида;

б) мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда, машғулотнинг янги мавзуга ўтиш қисмида;

в) ўрганилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда, мавзудан сўнг, мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

«Ақлий ҳужум» усули қуйидаги босқичларда ташкил қилинади:

1.Талабаларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, мулоҳаза) билдиришлари сўралади ёки мавзунинг таянч ибораларидан муҳими танланиб, шу сўзни эшитганда қандай фикр, боғланишлар талабалар тасаввурида жонланиши сўралади.

2.Талабалар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади.

3.Талабаларнинг ёзма фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади.

4.Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гуруҳланади.

5.Қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

«Ақлий ҳужум» усулини қўллашдаги асосий қоидалар:

а) билдирилган фикр-ғоялар танқид қилинмайди ва баҳоланмайди;

б) билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам, инобатга олинади;

в) билдирилган фикр-ғояларни тўлдириш ва янада кенгайтириш мумкин.

«Ақлий ҳужум» усулидан фойдаланиш учун ўқитувчи унга аввалдан тайёргарлик кўради. Муаммони тушунтиради ва уни бажариш усулларини кўрсатади. Бунда талабалар фикрларини йўналтиришга хизмат қиладиган турли манзараларни ифодалайдиган расмлар, расмлар серияси, имо-ишора ва ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин.

Қуйида сўзлашув амалиёти машғулотида“Об-ҳаво” мавзуси мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан кейин ташкил қилинадиган “Ақлий ҳужум” усулининг баёнини келтирамиз.

Ўқитувчи: *Hier, il pleuvait à la vers.* (Кучли ёмғир ёғаётган расмни намойиш қилади.). *A ce moment mon grand-père était allé se promener dans la rue.* (Уйдан чиқиб кетаётган бошяланг бобо расми кўрсатилади.) *Aprés une heure il est revenu à la maison sans mouiller aucun de ses cheveux* (Уйга қайтиб кираётган бобо расми кўрсатилади). *Trouvez la repons, pourquoi il est rentré sans mouiller aucun de ses cheveux?( Бобо қандай қилиб уйига бирорта сочи ҳўл бўлмасдан келганлиги сабабини тушунтиринг).*

Топшириқни эшитиб тушунган талабалар гуруҳлари ўзаро маслаҳатлашиб, қуйидаги жавобларни беришлари мумкин:

1- гуруҳ вакили: *Il étai allé se promener dans la rue avec son parapluie*( У кўчага ёмғир пўш билан сайрга чиққан).

2- гуруҳ вакили : *Il avait monté le capuchon de son impérmeable*. (У кўчада плашининг капюшонини кийиб олган).

3- гуруҳ вакили : *Il avait attendu dans une place, dés que la pluie cesse.* (У ёмғир тинишини бирор пана жойда кутиб турган).

4- гуруҳ вакили : *Il se premenait prenant un auto ou un tram.* (У автобус ёки трамвайга миниб сайр қилган.)

5- гуруҳ вакили : *Il était chauve. Ce pourquoi il est revenu à sa maison sans mouiller aucun de ses cheveux.* (У кал бўлган. Шу сабабли бирорта сочи ҳўл бўлмай уйига қайтган.)

Жавоблар янада хилма-хил ва кўп бўлиши мумкин. Барча жавоблар эшитилиб бўлингач, ўқитувчи талабалардан қайси жавоб мантиқан тўғри бўлиши мумкинлигини сўрайди. Талабалар 5- гуруҳ вакили жавобини такрорлашиб, айнан шу жавоб мантиқан тўғри эканлигини айтадилар.

Топшириқни бажариш жараёнидаги фикрлар хилма-хиллиги аввал ўрганилган лексик-грамматик материални хотирага келтириб гапиришга, кутилмаган жавобдаги енгил кулги мулоқот жараёнининг эмоционал таъсирини кучайтириб, барча жавобларни хотирада қолдирилишига ёрдам беради.

**«Ақлий ҳужум" усули қўлланилган ўқув машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| ***Ишлар босқичи ва мазмуни*** | ***Ф а о л и я т м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик. | Ўқув машғулотида "Ақлий ҳужум" усулининг ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, муаммони ва уни ечиш бўйича таклиф этилаётган ғояларни баҳолаш мезонларини белгилайди. | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа. | Мавзуни эълон қилади, муаммо билан таништиради, уни ечиш йўлларини ва баҳолаш мезонини асослайди. Гуруҳ бўлиб ишлаш шароити ва ахлоқ қоидаси билан таништиради.Талабаларни 4 кишилик гуруҳларга бўлади Таълим олувчиларга руҳий қийинчилик ва қўрқувлардан қутулиш учун, саволга тўғри жавоб бориш билан боғлиқ бўлмаган, балки яқинроқ мавзудан олинган кутилмаган, қизиқ саволларга тез жавоблар излаш машқини ўтказади. Ҳар бир гуруҳ жавобларини баҳолаш ва мақбул, самарали, оқилона жавобларни қайд этиб бориши учун экспертлар танлайди.<br>Берилган саволларни ечиш йўлларини эслатади ва бошлашга рухсат беради. | Тинглайдилар ва гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда жойлашадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| 3-босқич. Асосий қисм. | Кузатади,йўллайди,рағбатлантиради. Лозим бўлса, гуруҳни хайрихоҳлик билан иш ҳолатига қайтаради. | Муаммони ечиш бўйича ғоя ва таклифларнимуҳокама қилишиб якуний хулосаларни айтадилар, экспертлар эса уларни ёзиб оладилар |
| | 1-вариант. Айтилган ғояларни экспертлар билан муҳокама қилишни, уларни таклиф этилган мезонларга мос ҳолда баҳолаш ва танлашни ташкиллаштиради. Муаммони ечиш учун танланган ғояларни экспертлар гуруҳи тақдимотини ва уларнинг муҳокамасини уюштиради. | Экспертлар ишлаётган пайтда, бошқа барча иштирокчилар мавзулар бўйича ўз жавобларини муҳокама қиладилар. Экспертлар танланган жавобларни тақдим этадилар. Ҳар бир гуруҳ ўз жавобларини ҳимоя қилишлари мумкин. |
| | 2-вариант. Ғояни алоҳида баҳолаш ва энг яхшиларини жамоавий танлашни уюштиради. | |
| 4-босқич. Якун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш. | Жавобларни таҳлил қилади ва умумлаштиради, гуруҳлар ишини баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражали ҳолатларини, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади. | Ўз-ўзларини баҳолайдилар . |

***ПИНБОРД УСУЛИ.*** Пинборд (инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – дарстахта) назарий, лексик грамматик ва мулоқот материаллари бўйича гуруҳ бўлиб бажариладиган топшириққа берилган жавобларни муҳокама қилиб энг тўғрисини танлашни кўзда тутувчи ўқув материалини мустаҳкамлаш усулларидан биридир.

Масалан, ўқитувчи талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб, муайян мулоқот мавзуси бўйича (масалан, “Йил фасллари”) асосий тушунчаларни ифодаловчи сўзларни аниқлашни топширади. Талабалар гуруҳларда ўзаро маслаҳатлашиб , алоҳида карточкаларга баҳор, ёз, куз, қиш фаслларини ифодалайдиган сўзларни ёзадилар. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳ ўз карточкаларини игналар ёрдамида синф дарстахтасига қадаб чиқадилар.

Биринчи гуруҳдан бир талаба чиқиб карточкага ёзилган асосий тущунчаларни ифодаловчи сўзларга жумлалар ясайди. Шундан кейин иккинчи, учинчи гуруҳ вакиллари ҳам навбатма- навбат чиқишиб, олдинги гуруҳлар қолдириб кетган сўзларга жумлалар ясайдилар Махсус экспретлар ҳар бир гуруҳ жавобини ўқитувчи берган намунага солиштириб, дисплей

орқали экранда намойиш қилиб туриши мумкин. Натижада, экранда ўрганилган нутқ мавзусининг тўлиқ матни ҳосил бўлади.

Навбатдаги босқичда гуруҳлар мантни муайян бир қисмини фақат таянч сўзларга қараб гапиришни машқ қилишади.

Иш якунида ўқитувчи машғулотда эришилган натижаларни умумлаштиради ва гуруҳларни баҳолайди.

**Пинборд усули қўлланилган ўқув машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| *Ишлар босқичи ва мазмуни* | *Ф а о л и я т м а з м у н и* | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик. | Ўқув машғулотида пинборд усулининг ўрнини аниқлайди, унинг мақсадини шакллантиради, топшириқ мазмунини ва уни ечиш йўлларини белгилаб, баҳолаш мезонларини аниқлайди. | |
| 2-босқич. Ташкилий дақиқа. | Мавзу тузилмасини тушунтиради. Пинборд усулини тушунтиради ва фаолиятни ташкил қилиш учун дастлабки оғзаки машқни ўтказади. Ҳар бир гуруҳнинг ишини баҳолаш учун экспертлар тайинлайди.<br>Берилган топшириқни эслатиб, ишнинг бошланишини эълон қилади. | Гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлашлари мумкин бўлган ҳолда ўтирадилар ва ишни бошлайдилар. |
| 3-босқич. Якуний хулосани ёзма баён этиш. | Маслаҳатлар, тавсиялар беради. | Гуруҳ бўлиб ишлаб, карточкаларга берилган мавзунинг ҳар бир қисмга тааллуқли бўлган таянч сўзларни ёзадилар. Иш якунида гуруҳдан бир вакил чиқиб карточкаларни дарстахтага белгиланган жойга қадаб |

| | | |
|---|---|---|
| 4-босқич. Тақдимот. | Кузатади, тинглайди. Барча гуруҳлар тақдимот қилиб бўлгач ҳар бир гуруҳга таянч сўзлар орқали мавзунинг бир қисмини гапириб беришни топширади. | қўядилар қўядилар<br><br>Ҳар бир гуруҳдан бир вакил чиқиб ўз карточкаларига ёзилган таянч сўзларга жумлалар ясайди. Колган гуруҳлар навбатма-навбат чиқишиб қолдириб кетилган таянч сўзларга жумлалар ясайдилар. Бу жараёнда экспрертлар жавобларни дисплей орқали экранда намойиш қилиб туради |
| 5 – босқич Якун ясаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш. | Натижаларни умумлаштиради, гуруҳлар ишини таҳлил қилади ва баҳолайди: ижобий, ижодкорликнинг юқори даражасини, жамоавий фаолият муваффақиятларини кўрсатади. | Ўз-ўзларини баҳолайдилар. |

***«ЧАРХПАЛАК» УСУЛИ.*** Ушбу технология талабаларни ўрганилган мулоқот мавзуларни ёдга олиш, мантиқан фикрлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзини-ўзи баҳолаш, якка ва гуруҳ бўлиб ишлаш, бошқалар фикрига хурмат билан қараш, кўп фикрлар ичидан кераклисини танлаб олишга ўргатиш, берилган саволларга гуруҳ бўлиб ёки мустақил равишда тўғри жавоб бериш, ҳамда қисқа вакт ичида барча талабаларнинг эгаллаган билимларини текшириш ва баҳолашга қаратилган.

Усул машғулотларининг барча турларида дарснинг бошланиши ёки охирида, мавзунинг бирон бир бўлимини мустаҳкамлашда, ўрганилган мавзуларни такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин. Бу усулни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик ва гуруҳ ичида ташкил этиш мумкин.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- талабалар гуруҳларга ажратилади;
- талабалар машғулотни ўтказишга қўйилган талаблар ва қоидалар билан таништиририлади;
- ҳар бир гуруҳга мавзу бўйича тузилган биттадан савол ёзилган топшириқ вароқлари тарқатилади;
- гуруҳ аъзолари вазифаларни бўлиб олишади ва мустақил равишда ўз вазифаларни бажарадилар. Кейин биргалашиб уни муҳокама қилишиб, энг тўғри деб топилган жавобни топшириқ варағига ёзадилар.
- ҳар бир гуруҳ ўзлари тўплаган ахборот варағининг ўнг бурчагига ўқитувчи томонидан белгиланган тартиб рақамини ёзади;

- вазифа бажарилгач, жавоб варақалари бошқа гуруҳларга «чархпалак айланмаси» йўналишида алмаштирилади;

- алмаштирилган топшириқ яна ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан ўрганилади ва лозим бўлса, ўзгартиришлар киритилади;

- гуруҳлар томонидан ўрганилган ва ўзгартиришлар киритилган топшириқ варақлари яна юқоридаги тартибда гуруҳлараро алмаштирилади (ушбу жараён гуруҳлар сонига караб давом эттирилади);

- топшириқларни охирги алмашувидан сўнг, ҳар бир гуруҳ ўзлари илк бор тўлдирган топшириқларни (гуруҳ рақами ва ўзлари қўйган белгилари асосида) таниб оладилар;

- ҳар бир гуруҳ ўзлари белгилаган жавобларни бошқа гуруҳ, аъзоларининг тузатишлари билан таққослайдилар ва хатоларни таҳлил қиладилар;

- ўқитувчи (ёки экспертлар) ҳар бир гуруҳ тайёрлаган тўғри жавобларни белгилайди;

- ҳар бир гуруҳ тўғри жавоб билан ўзлари белгиланган жавоблар ўртасидаги фарқларни аниқлайдилар, керакли баллни тўплайдилар ва ўз-ўзларини баҳолайдилар.

- талабалар ўз баҳолари ёки балларини белгилаб олишгач, ўқитувчи топшириқ бажарилган қоғозларни йиғиб олади ва баҳо (баллар)ни журналига кўчириб қўяди.

***«3 X 4» УСУЛИ.*** Бу усул талабаларни муайян бир муаммони якка(ёки гуруҳ бўлиб)муҳокама қилиш, ечимини топиш, турли фикрлар ичидан керагини топиб олиш, фикрларни умумлаштириш ва улар асосида муаммо юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилиш, шунингдек, ўз фикрини бошқаларга исботлаб беришга ўргатиш мақсадида ташкил қилинади. Бундай фаолият талабалар билан дастлаб якка ҳолда, кейин гуруҳ ичида ёзма равишда уюштирилади.

Усулдан семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда (ёки гуруҳларда) қўйилган муаммони барча гуруҳ аъзолари томонидан бир неча бор навбатма-навбат алмаштириб ёзма ахборотлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Машғулотни ўтказиш тартиби юқорида келтирилган гуруҳ бўлиб ишлаш технологияси асосида уюштирилади. Бунда қуйидаги ташкилий ишларга асосий эътибор қаратилади:

- гуруҳ аъзоларига тарқатма материалда ёзилган фикрни фақат учта сўз ёки сўзлар бирикмаси, ёки учта жумла билан давом эттиришлари тушунтирилади ва бу учун аниқ вақт белгиланади;

- гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлаб, тарқатма материалда берилган топшириққа ёзма жавоб тайёрлайдилар;

- вазифа бажарилгач, гуруҳ аъзолари ўринларидан туриб, соат мили йуналиши буйича жойларини ўзгартирадилар, яъни 1-гуруҳ 2-гуруҳнинг, 2 – гуруҳ- 3-гуруҳнинг, 3- гуруҳ эса 4 -гуруҳнинг ўрнига ўтадилар;

- янги жойга келган гуруҳ аъзолари шу ерда қолдирилган тарқатма материалдаги фикрлар билан танишиб, унга яна янги учтадан ўз фикрларини ёзиб қўядилар;

- гуруҳ аъзолари яна юқоридаги тартибда жойларини ўзгартирадилар, иш дастлабки гуруҳ аъзолари ўз жойларига қайтиб келгунларига қадар давом эттирилади;

- ўз жойларига қайтиб келган кичик гуруҳлар тарқатма материалда тўпланган барча фикрларни диққат билан ўқиб, уларни умумлаштирган ҳолда битта яхлит таъриф ёки қоида ҳолатига келтирадилар;

- ҳар бир кичик гуруҳнинг муаллифлик таърифлари ёки қоидалари аъзоларидан бири томонидан тақдимот қилинади;

- ўқитувчи тақдимот қилувчи талаба томонидан берилган таърифлар ёки қоидаларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди, сўнгра машғулотни якунлайди.

Кичик гуруҳлар сони 4 та бўлгани мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда кичик гуруҳлар ўз жойларини фақат 3 марта алмаштирадилар ва бу билан жараёнини зерикарли ўтишининг олди олинади. Агар кичик гуруҳлар сони 4 тадан кўп бўлса, у ҳолда уларни икки потокка бўлиб, кичик гуруҳ аъзоларининг алмашинувини ҳар бир поток ўртасида алоҳида, тақдимотни эса биргаликда ўтказиш мумкин.

Агар аудитория кичик гуруҳларнинг жойларини алмаштиришга мосланмаган (ёки алмаштиришга ноқулайликлар) бўлса, у ҳолда талаба-ларни жойларини алмаштириш ўрнига гуруҳларга тарқатилган материалларни алмаштириш орқали («Чархпалак»), улар дастлабки гуруҳларга қайтиб келгунга алмаштирилиб, талабалар фикрлари тўпланади, улардан умумий таъриф (ёки қоида) чиқарилади ва тақдимот уюштирилади.

Қуйида, «Йил фасллари» мавзуси бўйича уюштириладиган «3x4» усулининг қулланиши намунасини келтирамиз:

Талабаларга қуйидаги муммоли саволларни гуруҳ ичида муҳокама қилиб, ўз фикрларини ёзиш топширилади:

*1.Бир йил нима учун 365 ёки 366 кундан иборат?*

*2. Бир йил 365 ёки 366 кундан ташкил топишининг сабаби нима?*

*3.Бир кун нима учун 24 соатдан иборат? Ундан кам ёки кўп бўлиши мумкинми?*

*4. Кунлар ёзда узун, қишда қисқа бўлишлигининг сабаби нима?*

*5.Бир йил нима учун 4 фаслга бўлинган?*

*6. Нима учун бизда қиш совуқ, баҳор ва ёз фасллари иссиқ келади?*

*7.Феврал ойи нега ҳар 4 йилда 29 кундан иборат бўлади?*

*8.Йил фаслларини ифодаловчи қуйидаги манзараларни ёзма баён қилинг.*

Машғулотни ташкил қилишда гуруҳларга муаммони ечишга ёрдам берадиган, она тилида ёзилган турли аудио-визуал воситалар, справочник ва буклетлар, кулгили карикатурали расмлар тарқатилади. Масалан, биринчи муаммо ёзилган вараққа гуруҳлар томонидан қуйидаги жавоблар ёзилиши мумкин:

*Pourquoi une année se compose de 365 ou 366 jours?* (Бир йил нима учун 365 ёки 366 кундан иборат?)

1-гуруҳ жавоби: *La terre tourne autour de son axe pendant 365 ou 366 jours.* (Ер бир йилда ўз ўқи атрофида 365 ёки 366 марта айланади).

2-гуруҳ жавоби: *La terre tourne une fois autour du soleiy pendant 365 ou 366 jours. (*Ер қуёш атрофидан бир йилда 365 ёки 366 кунда бир марта айланиб чиқади*)*

3-гуруҳ жавоби: *Cela signifie le temps que notre planéte fait un tours autour du soleiy.* (Бу планетанинг қуёш атрофидаги ўз орбитасида бир марта айланиб чиққан вақтни билдиради.)

4-гуруҳ жавоби: *C'est une conformité phisik basée par les lois de la nature.* (Бу физик қонуниятларга асосланган табиат қонуни.)

Шу тариқа талабалар гуруҳлари навбатма-навбат ўз жойларини алмаштириб, ҳар бир варақда ёзилган муаммоли топшириқни, бошқа гуруҳлар ёзган фикрларни ўрганиб, ўз хулосаларини хорижий тилда ёзма баён қиладилар. Машғулот якунида ўқитувчи ҳар бир гуруҳ ёзган фикрларни умумлаштиради ва энг тўғри жавобларни изоҳлаб беради ва гуруҳларни баҳолайди.

***«ЗИНАМА-ЗИНА» УСУЛИ.*** Бу усул талабаларни ўрганилган ёки ўрганилиши лозим бўлган мавзу бўйича якка ҳолда ёки гуруҳ бўлиб эркин, мустақил фикрлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш, ўрганилган материални хотирлаш, фикрларни умумлаштириб, улардан назарий ва амалий хулосаларга келиш, гуруҳ аъзоларига ўз фикрларини ўтказа олиш, тушунчаларга изоҳ бериш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш мақсадида ташкил қилинади. Унинг бош мақсади аввал ўрганилган мавзу бўйича гуруҳ бўлиб ахборот тўплаш ва уни ёзма ифодалашга ўргатишдир.Усул маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида якка тартибда ёки кичик гуруҳларда мавзуни мустаҳкамлаш, ёки ўрганилган мулоқот мавзуси бўйича якуний билимларни текшириш ва баҳолаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

**Машғулотни ўтказиш тартиби:**

-ўқитувчи талабаларни мавзулар сонига қараб 3-4 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;

-талабалар машғулотнинг мақсади ва унинг ўтказилиш тартиби билан таништирилади. Ҳар бир гуруҳга қоғознинг чап қисмида кичик мавзу номи ёзилган варақлар тарқатилади;

-ўқитувчи гуруҳлар аъзоларини тарқатма материалда ёзилган кичик мавзулар билан таништиради ва шу мавзу асосида ҳамкорликда ишлаб, ўз фикрларини варақдаги бўш жойига ёзиб чиқиш вазифасини беради ва вақт белгилайди;

- гуруҳ аъзолари ҳамкорликда ишлаб топшириқда берилган кичик мавзуни ёзма ифода этадилар. Бунда гуруҳ аъзолари кичик мавзу бўйича имкон борича тўлароқ маълумот беришлари керак бўлади;

- тарқатма материаллар тўлдирилгач, ҳар бир гуруҳ аъзоларидан бир вакил тақдимот қилади. Тақдимот вақтида гуруҳлар томонидан тайёрланган ёзма ахборот дарстахтага мантиқан кетма-кетликда (зина шаклида) илинади ва тақдимот қилган талаба бошқа гуруҳ аъзолари томонидан берилган саволларга жавоб беради, шу тариқа ахборот мавзуси янада тўлдирилади ва мантиқий мазмунга эга бўлади;

- ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган ахборотларга изоҳ бериб, уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.

Машғулотнинг ташкил қилиниши гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлаш технологиясига ўхшаш, аммо бу ўринда мақсад талабаларнинг мавзу бўйича эгалланган билимларини ёзма ифодалашга, фикри ёзма баён қилишга ўргатишдир. Масалан, «Йил фасллари» мавзуси бўйича ташкил қилинадиган бундай машғулотда биринчи гуруҳга «Баҳор», иккинчи гуруҳга «Ёз», учунчи гуруҳга «Куз», тўртинчи гуруҳга «Қиш» фаслларининг асосий белгиларини, хусусиятларини баён қилиш топширилиши мумкин. Бундай усул амалий ва назарий машғулотларнинг мустаҳкамлаш босқичларида қўлланилиши мумкин.

***МУАММОЛИ ВАЗИЯТЛАР УСУЛИ.*** (“Кейс- стади”). Муаммоли вазиятлар усули – ўқитувчининг мавзу бўйича муаммоли вазиятларни яратишига ва бу орқали талабаларни фаол билиш фаолиятига йўллашни кўзда тутади. Бунда талабалар вазиятни таҳлил қилиш, баҳолаш ва шу орқали муаммони ечиш йўлларини топишга ўрганадилар.

Усулнинг етакчи вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўргатувчи фаолияти – билимларни фаоллаштиришга йўналтирилади;

- ривожлантирувчи вазифаси – талабаларнинг таҳлилий тафаккурини, фикрни асослаш кўникма ва малакаларини шакллантиради;

- тарбияловчи вазифаси – ҳамкорликдаишлаб ўзаро фикр алмашиш маданиятини шакллантиради;

- муаммоли вазиятлардан фойдаланиш усули назарияни амалиёт билан боғлаш имконини беради.

Ўқув муаммосининг муҳим белгилари қуйидагилардан иборат бўлади:

- муаммонинг мавжудлиги, уни қидириш, бу жараёнда янги билимларни ўрганишга олиб келади;

-муаммони ечиш учун талабаларга маълум даражада билим манбалари мавжудлиги.

Муаммоли вазият 3 таркибий қисмдан ташкил топади:

- қуйилган муаммонинг маълум қисми;

- қўйилган муаммонинг ўрганилиши лозим бўлган номаълум қисми (уни ечиш янги билимлар шаклланишига олиб келади);

- муаммони ечиш жараёнида керак бўладиган,ўзлаштирилган билимлар (таълим олувчилар тажрибаси).

Шундай қилиб, муаммоли вазиятни талабалар томонидан номаълум бўлган натижани қидириш усули сифатида талқин қилиш мумкин.

Муаммоли вазиятни ишлаб чиқиш катта меҳнат ва педагогик маҳоратни талаб этади. Қоидага биноан, вазиятни бир неча маротаба тажрибадан ўтказгандан сўнг самарали вариантини танлаш мумкин. Бу талабаларнинг ўқув фаолиятини фаоллаштиришга, билиш имкониятларини янада ривожланишига, келажак фаолиятлари учун ўрганилаётган материалнинг амалий фойдасини англаб етишга ёрдам беради.

**Вазиятлар усули қўлланилган ўқув машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| ***Иш босқичлари ва мазмуни*** | ***Ф а о л и я т  м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| Тайёргарлик | Мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад, натижалар ва баҳолаш мезонларини белгилайдм, машғулот технологик харитасини, талабалар билан ечиладиган муаммоли вазиятларни ечиш йўлларини ишлаб чиқади. | |
| 1-босқич. Муаммога кириш | Муаммоли вазиятни тушунтириб, талабаларни уларни ечишга йўналтиради; Талабаларни гуруҳларга бўлиб, улар бажарадиган ишларни тушунти – ради, иш натижаларини баҳолаш мезонлари билан таништиради | Гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли баён қилинган материаллар билан танишадилар |
| 2-босқич. Муаммога кириш | Талабалар муаммони тўғри тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш учун, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб, мунозарани фаоллаштиради ва зарур бўлганда мақсадга йўналтиради. Талабаларга муаммоларни турлича ҳал этиш йўлларини тушунтиради | Диққат билан тинглайдилар, саволлар берадилар. Гуруҳлар муаммони ҳал этишнинг турли йўллаприни муҳокама қилиб, таҳлил қиладилар, энг мақбулларини топадилар, ягона хулосага келадилар ва уни топшириқ варағига ёзадилар. |
| 3-босқич. Натижаларни тақдим этиш | “Чархпалак” усулини қўллаб, барча гуруҳларни бошқв гуруҳлар хулосалари билан танишишни, уларга тегишли ўзгартиришлар киритишни уюштиради. Шундан сўнг гурухлар тақдимотини уюштиради. Тақдимотдан кейин, баҳс-мунозара усулида хулосаларнинг энг тўғри вариантлари танланишини уюштиради. | “Чархпалак” усулида ишлашиб, бошқа гуруҳлар хулосалари билан танишадилар, уларни ўз хулосалари билан қиёслаб, тегишли ўзгартиришлар киритишадилар. Шундан сўнг гуруҳлардан вакиллар чиқиб, ўз хулосаларини тақ-димотини уюштиради. Билдирилган фикрларга, саволларга жавоб беради, рад қилади ёки уларга қўшилади. |

| | | |
|---|---|---|
| 4-босқич .Умумлаш-тириш, якун ясаш | Муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларга эътибор қаратади. Гуруҳлар ишидаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатади. | Тинглайдилар ва ўз-ўзларини баҳолайдилар. |

## 3.Тил аспетлари бўйича машғулотларни технологиялаштиришда таълим усулларини танлаш

Усулларни танлашда машғулот мақсадига мос келишлиги, режалаштирилган мақсадни кафолатли натижага олиб келишлиги, ажратилган вақт жараёнида тўлиқ қўллаш имкониятини белгиланиши, уни қўллашда соддаллик ва осонлик каби тамойилларга амал қилинади.

Олий ўқув юртларида хорижий тил аспектлари бўйича ўқув машғулотларини технологиялаштиришда таълим усулларини танлаш ва қўллашда қуйидаги дидактик омилларни эътиборга олиш муҳим:

•*мақсадни белгилаш:* 1) таълим мақсади, 2) педагогик вазифалар,3) ўқув фаолият натижалари;

•*ўқув ахборот мазмуни ҳажми ва мураккаблиги*: мақсад ва ушбу ўқув фанини хусусияти;

•*таълим бериш усулларинининг ўқув ахборотини ўзлаштирилишига таъсири;* (маълумотни эшитиш орқали қабул қилган тингловчи уни уч кундан кейин 10%; кўриш орқали қабул қилинганида - 20%; кўриб ва эшитиш орқали қабул қилинганида - 50%; кўриб ва эшитиш орқали мунозара жараёнида қабул қилганида - 70%; кўриб ва эшитиш орқали мунозарада, амалий вазиятларда қўлланилганда -90% ахборот хотирада қолдиради).

•*таълим олувчиларни ўқув имкониятлари:* тайёргарлик даражаси, умумўқув малакаларни шаклланганлиги, фаоллиги, қизиқиши ва йўналтирилганлиги, ёши, ишлаш қобилияти, ўзига хос имкониятлари ва қобилиятлари.

•*вақт сарфи:* 1) ўқув дастурида йил давомида ўқув фанига, унинг алоҳида мавзуларига ажратилган вақтни ҳисобга олиш;

•*таълим бериш шароити:* айрим усулларни амалга ошириш учун алоҳида шароитлар талаб этилади: таълим беришнинг техник воситалари, компьютер, махсус компьютер дастурлари, магнитли ёзув тахтаси, махсус жиҳозланган хона ва бошқалар;

•*ўкитувчи ва талабалар ўртасидаги, жамоадаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари* ( ўзаро ҳамкорликнинг самимий ва беғаразлиги).

•*талабалар сони:* агарда у катта бўлмаса, таълим беришни фаол таълим усулларни қўллаб, жадаллаштириш мумкин.

•*ўкитувчининг чуқур билимдонлиги ва шахсий сифатлари:* маъқул деб топилган усулларни қўллашни билиши ва уддалаши,ўкитувчига хос шахсий сифатларга эга бўлиши;

*қўшимча омиллар:*

- мавзуни ўрганишни (мустақил/ ўкитувчи раҳбарлиги остида) ташкиллаштириш йўлини белгиланиши;
- дидактик воситаларнинг танланиши;
- фаолликни рағбатлантирувчи усулларни танланиши;
- назорат ва ўз-ўзини назоратни уюштирилиши.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Таълим усулларининг тил аспектлари бўйича ташкил қилинадиган машғулотларни технологиялаштиришдаги ўрнини вамоҳиятини тушунтириб беринг.

2. Кўрсатилган усулларнинг умумий ва хусусий функцияларини шарҳланг.

3. Жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашни қандай усуллар воситасида амалга оширилиши мумкин? Жуфтлик ва гуруҳларни шакллантириш асосларини тушунтириб беринг. Жуфтликлар ва гуруҳлар фаолияти қандай баҳоланади ва якун чиқарилади?

4.Усуллардан бирини танлаб, тил аспектлари бўйича машғулотлардан бирини технологиялаштиринг.

5.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб мавзу бўйича билимларингизни чуқурлаштиринг.

6.Муайян мавзу бўйича ўқув машғулотини технологиялаштиришда таълим усулларини танланг.

**Таянч сўзлар:** ***таълим мақсади, педагогик вазифалар, ўқув фаолият натижалари, ўкитувчининг билимдонлиги ва шахсий сифатлари, дидактик воситаларнинг танланиши, назорат ва ўз-ўзини назоратни уюштирилиши, маъруза, ҳикоя, тушунтириш, йўриқнома, кўрсатиш,намойиш, видеоусул, инсерт, лабораторияда ишлаш, суҳбат, баҳс, ақлий ҳужум, чархпалак. жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш, "3х4", "зинама-зина", "муаммоли вазият" усуллари.***

### Топшириқларни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:

1.Белкин А.С. Ситуация успеха. Как ее создать. - М, 1996. — 176 с.

2.Бутз М., Фальтус Р., Цохен Э. Работа в группах: Сб. Варшава: Фонд образования для демократии, 1994.

3.Вайсбурд М.Л. Методы обучения.Выбор за вами. \\ Иностранные языки в школе. М.:,2000..№2. с.29-34

4.Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие. //Под общ. ред. акад. С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.

5. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил. - 68 бет.

6. Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. -Т.: Ўқитувчи, 2004.

7. Новые педагогические информационные технологии в системе образования: Учебное пособие. – М.: Академия, 2000.

8. Савоничева Г.А. Творческий подход к организации урока и его отдельных этапов. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990, № 3, с. 43

9.Саидахмедов Н.С. Педагогик амалиётда янги педагогик технологияларни қўллаш намуналари. - Т.: РТМ, 2000.

## 4.ЖУФТ БЎЛИБ ИШЛАБ, КОММУНИКАТИВ ТОПШИРИҚЛАРНИ БАЖАРИШ УСУЛИ (1 соат)

Хорижий тил аспектлари бўйича машғулотларда жуфт бўлиб ишлашни ташкил қилишнинг асосий мақсади ўргаиладиган нутқ мавзуси бўйича ўзаро фикр алмашувга, ҳамкорликда ишлаб мулоқотни ўргатишдир. Бундай машғулот коммуникатив топшириқлар орқали ташкил қилинади.

Коммуникатив топшириқ бу муайян бир мавзу асосида карточкаларга ёзиб тайёрланадиган, жуфт бўлиб ишлаб, кўп марталик такрор асосида ўзлаштиришга мўлжалланган, биринчи талабанинг саволига - иккинчи талаба томонидан талаффуз тақлидига, аудио-визуал, эксталингвистик ва эмоционал таъсир воситаларига таяниб жавоб беришга асосланган кичик микродиологдир.

Бундай микродиалоглар (топшириқлар) бир нутқ мавзуси бўйича бир машғулот учун таълим босқичларига кўра 6 тадан 10 тагача тузилади ва савол берувчи талабанинг саволи **(А)** ҳарфи билан ва жавоб берувчи талабанингбажариши лозим бўлган нутқий ҳаракати йўриқномаси **(Б)** ҳарфи билан белгиланиб**,** бир хил ҳажмдаги кичик карточкаларга ёзилади. Демак, ўқитувчи битта мавзу учун 6 тадан 10 тагача **А** ва **Б** карточкаларига ёзиладиган коммуникатив топшириқлар тузиши ва уни талабалари сонига кўра кўпайтириш чораларини кўриши лозим. Бунинг учун ўқитувчи машғулотдан олдин ўзи тайёрлаб келган 12 ёки 20 дона **А** ва **Б** карточкаларини талабаларга тарқатиб, улардан ҳар бирига компютер принтери орқали бир топшириқни 10 та вариантини ёзиб келишни топширади. Бундай топшириқни бажариш жараёнида талаба табиийки, унда ёзилган кўрсатма ва жумлалар нимани ифодалаши билан қизиқади, уни тушунишга уринади, бунинг учун луғатларга қарайди ва бу орқали талабаларда бўлажак машулот мавзусига қизиқиш, ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажаришга интилиш шакллантирилади. Барча талабаларини жуфт бўлиб ишлашини ташкил қилиш учун ўқитувчи синфни **А** ва **Б** карточкани бажарувчи талабаларга ажратади ва уларни ёнма-ён ўтиришларини таъминлайди. Бунда у уларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ҳисобга олади, яъни савол берувчи талабалар вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи талабалар тайинланади. Бундай талабалар топшириқни ўз карточкаларидаги саволни кўп марталаб ўқиб ва берилган тўғри жавоб орқали шеригини текшириш жараёнида ўзлаштирадилар. **Б** карточкаси эса, одатда нисбатан яхши ўзлаштирувчи талабаларларга тарқатилади. Унинг карточкасига фақат ўқитувчининг кўрсатмаси ва шеригидан эшитган савол матни бўлади ҳолос. Унинг вазифаси - саволни диққат билан эшитиш, уни тущуниб олиш ва эшитилган жумланинг оҳангига, структурасига таяниб, саволга тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда жавоб беришдир.

Коммуникатив топшириқларни тушунтиришни, мустаҳкамлашни проектордан фойдаланиб, экран орқали намойиш қилиб ҳам ташкил қилиш мумкин. Бунда ҳар бир коммуникатив топшириқ матни экранда белгиланган

вақт жараёнида намойиш қилиниб турилади ва жуфтликлар фаолияти ташкил қилинади. Қуйида **А** ва **Б** карточкалардан намуналар келтирамиз:

| |
|---|
| №1-А<br>**Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир**:<br>***Mon père travaille á l'usine. Oú travaille-t-il ton père***?(*Менинг отам заводa ишлайди. Сенинг отанг қаерда ишлайди?*)<br>Тўғри жавоб*:* ***Mon père travaille á la fabrique***. (*Менинг отам фабрикада ишлайди*). |

| |
|---|
| №1-Б<br>**Саволни диққат билан эшит ва «l'usine» сўзи ўрнига «la fabrique» сўзини қўйиб, тасдиқ формада жавоб бер**.<br>Mon père travaille á l'usine. Oú travaille-t-il ton père? |

Ўқитувчи ҳар бир коммуникатив топшириқни бажаришда **А** ва **Б** талабаларнинг вазифасини тушунтиради, саволни қандай оҳангда гапиришни, гапириш жараёнида қандай аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланишни, қандай нутқий ҳаракатларни бажаришни кўрсатади ва жумлаларни **А** ва **Б** гуруҳ талабалар билан бир неча бор такрорлаб, унинг талаффузини ўргатади. Шундан сўнг, у 3 минут вақт белгилаб, микродиалогни мустаҳкамлаш бошланганлигини айтади. Бу жараёнда талабалар жуфтликлари карточкалардаги савол ва жавобни камида 30 мароталаб такрорлаш орқали ўзлаштиришга киришадилар. Ўқитувчи бу жараёнда жуфтликлар оралаб юриб, уларнинг талаффузида, нутқий ҳаракатларида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғрилайди, лозим топса, жуфтликлар бажараётган вазифаларни алмаштиради. Микродиалог 15-20 марта такрорлангач, жумлалар хотирага ўрнашиб қолади ва ишни карточкаларга қарамасдан ва вазифаларни алмаштириб давом эттириш мумкин.

Ўқитувчи ҳар бир жуфтлик томонидан белгиланган вақтда берилган коммуникатив топшириқ ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, навбатдаги топшириқни бажариш йўлларини тушунтиради, кўрсатади ва бундай иш барча 10 та коммуникатив топшириқ буйича такрорланади.

Машғулотнинг бундай босқичига одатда энг кўп вақт, яъни умумий вақтнинг 60% ажратилади. Бу 45 минутлик машғулотларда 28-30 дақиқани , 80 минутлик машғулотларда 48-50 дақиқани ташкил қилади.

Нутқ вазиятларига асосланган коммуникатив топшириқлар орқали мулоқатга ўргатиш беш босқичда ташкил қилинади:

1.**Коммуникатив топшириқни бажаришга тайёрлаш.** Бу босқичда ўқитувчи томонидан мулоқот мавзуси бўйича лексик бирликлар, жумлалар, аудио-визуал воситалар тайёрланади, лексик бирликларни ўз ичига олган

қизиқарли нутқ вазиятлари, уни бажарадиган талабалар жуфтликлари белгиланади.

2. **Коммуникатив топшириқни бажариш йўлларини тушунтириш** ва кўрсатиш босқичи. Ўқитувчи талабалар жуфтликларига мўлжалланган коммуникатив топшириқни кўргазмали қуроллар, экстралингвистик воситалар ёрдамида бажариш йўлларини кўрсатади. Тушунтириш ва кўрсатиш бажарилаётган, эшитилаётган нутқий ҳаракатни тақлидий ўзлаштиришга, эшитилаётган жумладаги ҳар бир лексик бирликни, умумий жумла англатган мазмунни, оҳангни талабалар томонидан онгли, таржимасиз тушунишга йўналтирилади. Шу тақдимотнинг ўзидаёқ талабалар гап нима ҳақида кетаётганлигини, қандай нутқ материалини ўзлаштириш лозимлигини англаб оладилар.

3.**Эшитилган коммуникатив топшириқни кўп марталик такрор асосида тақлид қилиб мустаҳкамлаш босқичи**.Бу босқичда талабалар жуфтликлари нутқ материалини аввал тасдиқ, кейин сўроқ, инкор формаларда, турли шахслар ва замонларда ишлатиб, ўз шерикларининг фикрини рад қилишга, қўшилишга, саволга - савол билан жавоб беришга ўрганадилар. Мулоқот жараёнида кўргазмали ва экстралингвистик воситалардан, ўйинлардан, ҳазил ва юморлардан кенг фойдаланилади. Бу жараёнида талабаларнинг талаффузига, ҳар хил шаклдаги жумлаларни гапириш оҳангига, гапиришда фойдаланилган экстралингвистик воситаларига эътибор қаратилади. Бу босқичда коммуникатив топшириқни гуруҳлар аро бажартиришни ҳам ташкил қилиш мумкин.

Мустаҳкамлаш жараёнида мулоқат кўникмалари шакллантирувчи коммуникатив топшириқлар асосан тўрт талабга жавоб бериши лозим:

1.Нутқий вазифанинг аниқлиги;

2.Коммуникатив топшириқнинг маълум нутқ вазиятига боғлиқлиги;

3.Топшириқнинг бажарилиши фикр алмашувга ва нутқий ҳаракатни ўзлаштиршга йўналтирилганлиги;

4.Бу жараёнда турли таянч воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги.

Мулоқат кўникмаларини шакллантирувчи бундай машқларнинг айнан мана шу талабларга жавоб бера олиши - уларнинг анъанавий ўқитиш жараёнида бажариладиган машқлардан фарқи ҳисобланади.

Коммуникатив топшириқ орқали уюштириладиган бундай микродиалог **Б** талабанинг эшитилган саволга берадиган жавобига кўра қўйидаги кетма-кетликда бажариладиган 4 типга ажратиш мумкин:

1.Нутқ бирлигини эшитиб, унга тақлид қилиб такрорлаш;

2.Эшитилган жумладаги сўзлар ўрнини алмаштириб такрорлаш; (трансформация усули, синонимлар, антонимлар, отлар ўрнига олмошлар ишлатиш, тасдиқ гапни сўроқ, инкор формаларга айлантириб жавоб бериш).

3.Жумлани репродукция қилиш (яъни, аввал ўрганилган лексик, грамматик материаллардан фойдаланиб жумлани кенгайтириш, торайтириш, кўчирма гапларни ўзлаштирма, активдаги гапни пассивга алмаштириш, феъл замонларини алмаштириш ва ҳ.) орқали такрорлаш.

4. Эшитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзни ўрнини тўлдириб жавоб бериш. Бунда жавобни эщитилган жумладаги қолдириб кетилган сўзни кўп нуқталар билан белгилаб, **Б** карточка остига ёзилган бир неча сўзлардан бирини танлаш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин.

Коммуникатив топшириқ асосида бажариладиган бундай мустаҳкамловчи машқларининг асосий вазифаси нутқий ҳаракатларга ўргатишдир.

Эшитиб тақлид қилиб жавоб беришга асосланган **Б** карточкадаги бундай топшириқлар ўқитувчининг кўрсатмалари асосида қўйидаги тартибда уюштирилади:

| |
|---|
| №2-А<br>**Саволни ўқитувчи кўрсатгандек нутқ ҳаракатларини қўллаб ўқи ва берилган тўғри жавобга кўра ўртоғингни текшир:**<br>*-Aujourd'hui aprés les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин киногa борамиз, келишдикми?)*<br>Тўгри жавоб:<br>*- D'accord, aujourd'hu aprés les classes nous allons au cinéma (Келишдик, бугун дарсдан кейин кинога борамиз.)* |

| |
|---|
| №2-Б<br>**Саволни диққат билан эшит ва унга тақлид орқали тасдиқ формада жавоб бер**.<br>*-Aujourd'hui aprés les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)* |

Бундай машқни бажариш жараёнида **Б** вазифасини бажарувчи талабадан суҳбатдош томонидан кўп марта такрорланадиган жумлани аниқ тушунгани ҳолда, гап тузилишини хотирада қолдириш ва уни хатосиз такрорлаш орқали ўз фикрини ифодалаш талаб қилинади.

Эшитилган жумладаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб (трансформация) гапиришга асосланган коммуникатив топшириқ **Б** талабадан суҳбатдош жумласидаги лексик бирликни ёки грамматик формани бошқаси билан алмаштириб гапиришга ўргатишни кўзда тутади. Бу ўринда отлар ўрнига олмошларни ишлатиш, отларнинг родини, сонини ўзгартириб гапириш каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан:

| |
|---|
| №3-А<br>**Саволни ўқи ва берилган жавобга қараб, ўртоғингни текшир:**<br>*- Aujourd'hui aprés les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)*<br>Тўгри жавоб:<br>*-Que tu dis! Aujourd'hui aprés les classes nous allons à la bibliothèque. (Нималар деяпсан! Бугун дарсдан кейин кутубхонага борамиз).* |

№3-Б

**Саволни диққат билан эшит ва остига чизилган сўзни «*la bibliothèque*» сўзи билан алмаштириб жавоб бер**.

*Aujourd'hui aprés les classes nous allons au cinéma. D'accord?(Бугун дарсдан кейин кинога борамиз, келишдикми?)*

Репродуктив коммуникатив топшириқ **Б** талабадан суҳбатдош саволига аввал ўрганилган лексик бирликни ёки грамматик формани мустақил равишда эслаб, гапни кенгайтириб гапиришни талаб қилади. Бу ҳолда карточка остига жавоб берувчи талаба фойдаланиши мумкин бўлган таянч сўзлар ёзиб қуйилиши ҳам мумкин. Масалан:

№4- А

**Саволни ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингнинг жавобини текшир:**

*Le dimanche nous allons á la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?)*

Тўгри жавоб:

*Non, je ne peus pas y aller ensemble. Le dimanche je vais á la campagne chez mes grands-parants.*

№4-Б

**Саволни диққат билан эшит ва унинг биринчи қисмига инкор формада, иккинчи қисмига аввал ўрганган сўзларингдан фойдаланиб, тасдиқ формада жавоб бер.**

*Le dimanche nous allons á la montagne. Veus-tu y aller ensemble? (Якшанба куни биз тоққа борамиз. Сен ҳам борасанми?)*

Таянч сўзлар: *á la campagne, les grands-parants.*

Эшитилган саволдаги қолдирилиб кетилган сўзларни ўрнини тўлдириб жавоб беришга асосланган коммуникатив топшириқда **А** талабанинг карточкасида шу сўзнинг остига чизилиб қўйилади. **Б** талабанинг карточкачида эса, тушириб қолдирилган сўзнинг ўрни кўп нуқталар билан белгиланади. Бундай ҳолда **Б** талабанинг карточкаси остига матнга мос келадиган ва жумлага мос келмайдиган бир неча сўзларни аралаш қилиб ёзиб қўйиш ҳам мумкин. **Б** талаба улар ичидан энг мос келадиганини танлаб, жумлани тўлдириб, жавоб бериши лозим. Карточка остига бундай сўзларни ёзиб қўйилиши - талабани аввал ўрганган лексик бирликларни ҳам хотирлашга ўргатади.

№5-А

**Саволни ости чизилган сўзини қолдириб ўқи ва тўғри жавобга қараб ўртоғингни текшир:**

*Aujourd'hui Nodir n'est pas venu á la leçon. Est-ce qu'il est malade?*

*(Бугун Нодир дарсга келмади.Нима, у касалми?)*

Тўғри жавоб*: Oui, il n'est pas venu á la leçon. . Il est malade.*

*(Ҳа у дарсга келмади, у касал)*

№5-Б

**Саволни диққат билан эшит ва ҳар иккала гапга тасдиқ формада, қолдириб кетилган сўзни ўрнини пастда берилган сўзлардан бири билан тўлдириб жавоб бер:**

*Aujourd'hui Nodir n'est pas venu á la leçon.. Est-ce qu'il est……_?*

1) La montagne, 2) malade, 3) écrivain, 4) la vache, 5) la pomme.

Коммуникатив топшириқларни бажаришнинг дастлабки босқичида талабаларга гапирилаётган жумлаларнинг мазмун-маъносини тушунишга ёрдам берадиган, суҳбатдошларнинг барча сезгиларига комплекс таъсир қилувчи лингвистик (жадваллар), кўргазмали (расмлар, предметлар, ТТВ), эмоционал таъсир (ҳазил, кулгу, юмор, топишмоқ, латифалар,савол ва жавоб, таниш мусиқага солиб куйлащ), паралингвистик воситалардан (мимика, жест, харакат) фойдаланишни ўргатиш лозим. Машқ бажариш жараёнида нутқий ҳаракатга ўргатувчи бундай воситалардан фойдаланиш фикрни аниқ ва хатосиз, эмоционал тарзда ифодалашга ёрдам беради. Кўп марталик тақлидий такрорга асосланган бундай микродиалоглар мулоқат кўникмаларини самарали ва сифатли шаклланишини таъминлайди.

Бир машғулот жараёнида талабалар мавзу бўйича 10 тагача саволни эшитиб, уларга жавоб беришни ўрганиб оладилар. Бинобарин янгича яратиладиган ўқув қўлланмаларида мулоқот машқлари айнан ана шу тартибда ташкил қилиниши лозим. Дарс жараёнида мавзу бўйича шакллантирилган бундай нутқ кўникмалари дарсдан ташқари вақтда ўқув лабараториясида компютердан, магнитафондан эшитилган ёки ўқилган саволларга оғзаки ёки ёзма жавоб беришлари орқали яна бир бор мустаҳкамланади. Синфдан ташқарида, ўқув лабараториясида (лингафон хонасида, компьютер синфида) бажариладиган бундай мустақил ишниг бажарилиши ўқитувчи ва лобарантлар ёрдамида назорат қилиниши лозим. Саволларга ёзма жавоб ёзиб келишни уйга вазифа сифатида берилиши уни учинчи бор мустаҳкамлайди. Ўқув жараёнини бундай ташкил қилиниши таълим самарадорлигини ошириб, эришиладиган натижаларни кафолатлайди.

Кўриб турганимиздек, коммуникатив топшириққа жавоб беришда дастлаб суҳбатдош гапини тинглаб тушуниш, лексик бирликлар ўрнини фаҳмлаш, маъносини тушуниш, суҳбатдош репликасига тақлид қилиб, грамматик формани бошқа шахсда гапириш каби ақлий ҳаракатлар рўй беради. Бу ўринда коммуникатив топшириқнинг нутқ вазиятига мос келиши, суҳбатдошнинг фикри иккинчи талабада гапиришга, яъни муносабат билдиришга рағбат уйғотиши лозимлигига ҳам алоҳида эътибор берилади. Бундай рағбат талабага эмоционал таъсир қилувчи барча аудио-визуал ва экстралингвистик воситалардан фойдаланиш, гапга ҳазил ва юмор элементлардан қўшиш йўли билан ҳам уйғотилади.

Мустаҳкамлаш босқичида мавзуга оид барча коммуникатив топшириқлар ана шу тарзда бажарилади. Талабалар коммуникатив

топшириқни кўп марталик такрор жараёнида бажаришда ундаги лексик бирликлар ифодалаган маънони, грамматик , синтактик конструкцияларни, уларни талаффуз оҳангини ўзлаштириб оладилар.

Коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш дарсдан ташқари вақтларда ўқув лабораториясида ташкил қилинадиган, магнитафон, компютирга киритилган паузали машқлар орқали давом эттирилади. Бунда талабалар белгиланган муддатда репликани эшитишлари, қолдирилган паузаларда унга жавоб беришни, яна эшиттириладиган тўғри вариантдан ўз хатоларини тўғрилашни машқ қилишлари мумкин.

**4.Коммуникатив топшириқдан эркин нутқ вазиятида фойдаланиш босқичи.** Бу босқич ўша машғулотнинг охирида ёки навбатдаги машғулотда талабалар жуфтликларининг ўзаро фикр алмашувини текшириш ва баҳолаш сифатида ташкил қилиниши ҳам мумкин.

Маълумки, барча талабаларнинг ўзлаштиришини ҳар бир дарсда системали назорат қилиш ва баҳолаш талабалар жуфтликларини, гуруҳларини ўқув маъсулиятини янада ошишига, жуфтликларда яхши баҳо олишдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Якка талабани эмас, жуфтликнинг ўзлаштиришини баҳолаш бундай маъсулиятни янада оширади.

Белгиланган коммуникатив топшириқ мулоқот даражасида ўзлаштирилганидан сўнг, дастурда белгиланган фонетик, лексик, грамматик қоидалар тушунтирилади.Табиийки, мулоқот даражасида ўзлаштирилган билимлар осонгина идрок қилинади.

Шундан сўнг коммуникатив топшириққа оид матнни тинглаб тушиниш, ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилишга мўлжалланган машғулотлар ташкил қилинади. Бу босқичда талабалар илк бора ўзлари мулоқат жараёнида ўзлаштирган лексик бирликларнинг ёзилиш тимсоллари, грамматик ва синтактик қурилмалар билан танишадилар.

### Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Коммуникатив топшириқ турлари, тузиш усуллари, бажариш усулларини изоҳлаб беринг.

2. Коммуникатив топшириқларни бажаришдан кутиладиган натижани изоҳланг.

3. Бирор нутқ мавзуси асосида 10 та коммуникатив топшириқ тайёрланг ва улар асосида машғулотни технологиялаштиринг.

4.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб, билимларингизни чуқурлаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***коммуникатив топшириқ, нутқ мавзуси, нутқ вазияти, “А” ва”Б”карточкаларнинг моҳияти, функцияси, тушунтириш ва бажариш босқичлари.***

### Мавзуни ўрганишда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:

1. Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил. - 68 бет.

2.Гойхман О. Я., Надеина Т.. Основы речевой коммуникации. - М., 1997.

3.Жилкина Д.Н.Решение коммуникативных задач в процессе обучения иностранному языку.\\Журнал «Иностранные языки в школе».Москва, 1992., №1, с.26-30.

4. Колкер Я.М. , Устинова Е.С. Речевые способности: как их формировать? \\ Иностранные языки в школе. –Москва, 2000.-№4.-с.30-33,54.

5.Скалкин В.Л., Яковенко О.И. К вопросу ситуативно-тематической организации материала устной речи как средства стимуляции изучения иностранного язвка в школе. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990, № 6, с. 3-7.

6.Стояновский А.М., Пассов Е.И. Использование ситуаций в процессе коммуникативного обучения иноязычному общению. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990, № 4, с.13-16.

## 5.ГУРУҲ БЎЛИБ ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ УСУЛИ(Лойиҳалаш усули, 1 соат)

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларда чет тилида мулоқотга ўргатиш булажак мутахассисларнинг касбий компетенциясини шакллантиришнинг таркибий қисми, ижтимоий эҳтиёж сифатида замонавий чет тили ўқитиш методикаси олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада ўқув жараёнини табиий шарт-шароитларга, вазиятларга яқинлаштирадиган, билиш жараёнини ҳамкорликда ташкил қилишнинг интерфаол метод ва усулларнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан ўқувчиларнинг гуруҳ бўлиб ҳамкорлигидаги коммуникатив фаолиятга ўргатишда лойиҳа устида ишлаш( проект методи) энг самарали ва истиқболли усулсифатида тобора оммалашмоқда.

Ўқув жараёнини гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлаш асосида ташкил қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири талабалар фаолиятини мустақил ижодий изланишга йўналтирилганлигидир. Бунда талабаларнинг ўзлари мавзуга оид ахборот тўплайдилар, уларни муҳокама қилиб, энг маъқул вариантда чет тилида баён қилиш йўлларини қидириб топадилар, лойиҳани ҳимоя қилиш йўлларини белгилаб оладилар. Бундай ташкил қилинган фаолият жараёнида тил - ўрганиш материали сифатида эмас эмас, фикрни ифодалаш воситаси сифатида қўлланила бошланади.

Бундай фаолият талабаларни реал ҳаётга, бошқалар билан фикр алмаша олиш маданиятига, эшитилган ахборотга муносабат билдиришга ўргатади.

Бугунги кунда проект методикасига ёки ўқувчиларнинг ҳамкорликда гуруҳ бўлиб ташкил қилинадиган ўқув фаолиятига бағишланган изланишлар рус олимлари Г.И.Арафьева (1998),Беспалько (1995) И.О. Барменкова (1997), И.А. Зимння (1991), Куклина (2000), Е.С.Полат (2000), ўзбек олимлари Авлиёқулов (2001),Зиёмухммедов (2001) Н.Сайдаҳмедов (1995,2003), Ў.Толипов(2005), Б.Л.Фарберман (2000), Голиш (2001) ва бошқаларнинг тадқиқотларида атрофлича ёритилган.

Бу ўринда ҳорижий тилда баҳсга, мунозарага киришишга ўргатишдан олдин, ўкувчиларда мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантириш зарурлигини унутмаслигимиз зарур. Зеро, бундай кўникма ва малакалари шаклланмаган талаба ҳеч қачон баҳс ва мунозарага кириша олмайди.Ўкувчиларда гуруҳ бўлиб ишлаш кўникмаларининг шаклланмаганлиги, баҳсга киришув, ҳамма олдида ўз фикрини ҳимоя қилиш

каби қобилиятларнинг шаклланмаганлиги ҳамкорликда ишлашни ташкил қилишда учрайдиган дастлабки қийинчиликлардир.

Демак, гурух бўлиб лойиҳа устида ишлаш усулини самарали амалга ошириш учун биринчидан, талабанинг муайян мавзу бўйича лисоний тайёргарлиги, иккинчидан талабаларнинг психологик тайёргарлиги, учинчидан мулоқот материали уларнинг ҳаётий, мулоқот эҳтиёжларига мос келишлиги талаб қилинади.

Лойиҳа устида ишлаш одатда нутқ мавзуси бўйича муайян мулоқот кўникма ва малакаларилари шаклланганидан сўнг машғулотнинг мустаҳкамловчи босқичида уюштирилади.Бундай фаолият алоҳида машулот сифатида ҳам уюштирилиши мумкин. Масалан, "Саёҳат" мавзуси бўйича муайян мулоқот малакалари шаклланганидан сўнг, ўқитувчи талабаларни гуруҳларига бўлади ва ҳар бир гуруҳга лойиҳанинг кичик бир бўлаги устида ишлаб, тарқатма материаллар асосида ахборот тўплаш, кейин аҳборотни бошқалар олдида тақдимот қилиш вазифасини топширади. Бундай ахборот ёзма равишда тайёрланган бўлса, "Чархпалак" технологиясидан фойдаланиб, ҳар бир гуруҳда тўпланган ахборотни бошқа гуруҳларда муҳокама қилишни , шундан сўнг ахборотни тақдимотини уюштириш мумкин. Мисол тариқасида "Бухорога саёҳат" мавзусида уюштириладиган лойиҳа устида ишлаш технологиясини келтирамиз.

**«Бухорога саёҳат» мавзуси бўйича ҳамкорликда гуруҳ бўлиб ишлаш машғулоти** қуйидаги босқичларда ташкил қилинади:

1.**Тушунтириш, муаммони тақдим қилиш босқичи**.Ўқитувчи талабалар томонидан аввал ўрганилган ва пухта ўзлаштирилган мавзуга оид муаммоли топшириқни хорижий тилда тушунтиради.

Масалан, *«Болалар, келаси якшанба гуруҳимиз билан Буҳоро шаҳрига саёҳат уюштирамиз.*

*Демак, **биринчи гуруҳ** - бу саёҳатни қандай транспорт воситасида амалга оширишни, йўлга сарфланадиган харажатларни, танлаган транспортимиз Бухорога қачон жўнашлигини, йўлга қанча вақт сарфланишини аниқлайди.*

***Иккинчи гуруҳ***- *Бухоро шаҳрига бориб қаерда жойлашишимиз ва унга қанча пул ажратишимиз мумкинлигини, тушлик, кечки овқатларни қаерларда уюштиришимизни, буларга кетадиган харажатларни аниқлайди.*

***Учинчи гуруҳ***- *шаҳарнинг қандай тарихий обидаларини томоша қилишимиз мумкинлигини уларга қандай боришни ва қачон, қандай транспорт воситасида қайтиб келишимиз мумкинлигини аниқлайди ва барча гуруҳлар энг қулай ва арзон вариантларини аниқлаши зарур.*

Ўқитувчи талабаларни аввалдан белгиланган 4 кишилик кичик гуруҳларга бўлади ва бунда гуруҳга аъло, яхши, ўрта ва паст ўзлаштирувчи талабалар бирикишини таъминлаб, ҳар бир гуруҳгаумумий мавзунинг кичик бир бўлаги бўйича ахборот тайёрлашни топширади. Топшириқни бажаришда талабалар ўкитувчи томонидан тайёрланган тарқатма материаллардан, ёки мустақил равишда адабиётлардан, интернетдан фойдаланадилар.

Талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятни ташкил қилишда уларга аниқ кўрсатмалар берилади. Ўқитувчи гуруҳларининг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда, вақт чегарасини белгилайди. Гуруҳлар керакли материаллар ва ахборотлар билан таъминланади.Талабалар гуруҳда ишни бошлашлари учун вазифаларини аниқ тушуниб етганлиги текшириб кўрилади. Ўқитувчи зарурат туғилса, гуруҳлар ёнига келиб, тўғри йўналишда ишлаётганлигини назорат қилади ёки уларга ёрдам беради.

**2.Мустақил изланиш босқичи**. Талабалар ўзларига топширилган муаммоларни ечишлари учун компютерларни интернет тармоғига улайдилар ва тегишли маълумотларни тўплай бошлайдилар. Бу ишни аввалдан тайёрланган маълумотларни (темир йўл, аэрофлот, автобус қатнови, такси қатнови ҳақидаги справочниклар, буклетлар) талабаларга тарқатиш орқали ҳам ташкил қилиш мумкин. Талабаларнинг ҳар бири ўз гуруҳларида топшириқни маълум бир қисмини бажаришни белгилаб оладилар ва кўрсатилган вақт ўтгач, ўз маълумотларини гуруҳда муҳокама қилишиб, якуний хулосалар тайёрлайдилар.

Масалан, биринчи гуруҳдаги ўқувчилар интернет орқали ёки ёзма справочниклар орқали қуйидаги маълумотларни тўплайдилар:

*1. Бухорога самалёт орқали борилса, чипта нархи ҳар бир киши учун 15 минг сўм. Самалёт ҳар куни эрталаб соат 7 да жўнайди ва парвоз 40 минут давом этади*

*2.Бухорога поезд билан борилса, умумий вагонда чипта нархи ҳар бир йўловчи учун 7 минг сўм, купелик вагонда 8 минг сўм.*

*Поезд кеч соат 20 да жўнайди ва йўл 3 соат вақтни олади.*

*3. Бухорога автобус эрталаб соат 10 да ва кундуз сот 14 да жўнайди. Чипта нархи ҳар бир йўловчи учун 6500 сўм. Автобус йўлда 3 ярим соат юради.*

Маълумотларни муҳокама қилишгач, гуруҳ қуйидаги ахборотни тайёрлайди: *Бухорога самалёт, поезд ва автобусда бориш мумкин. Самалёт Бухорога тез олиб борса-да, чипта нархи жуда қиммат. Бу биз талабаларга тўғри келмайди. Поезд чиптаси нисбатан арзон, аммо у Бухорога кечаси етиб бориши билан бизга тўғри келмайди.Бухорога автобус билан бориш энг қулай ва арзон. Агар, эрталаб йўлга чиқсак, соат 13 яримда Бухорога етиб оламиз. Йўлга бор - йўғи 3 ярим соат вақт сарфлаймиз.*

Шу тариқа барча гуруҳлар ўз топшириқларидаги муаммоларни турли вариантларини кўриб чиқишади ва муҳокама қилишиб, ўз таклифларини тайёрлашади. Барча гуруҳлар ўз ишларини бажариб бўлишгач, ўқитувчи «Чархпалак» технологияси асосида иш ташкил қилиб, ҳар бир гуруҳ тўплаган ахборотни бошқа гуруҳлар томонидан ўқиб чиқишларини, уларга тегишли тузатишлар киритишни уюштириади. Иш ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳларнинг ахбороти билан танишиб, тегишли хулосаларга келгунича давом эттирилади. Таклифлар ёзма равишда тайёрланади, аммо унинг ҳимояси оғзаки уюштирилади.

**3.Таклифларни муҳокама қилиш босқичи**. Ҳар бир гуруҳдан бир вакил чиқиб, ўз таклифларини хорижий тилда баён қилади ва уларни асослаб беради. Бошқа гуруҳ талабаларининг қўшимчалари билан якуний хулосаларга келинади. Агар вақт етарлича бўлса, у ёки бу фикрни асослашда гуруҳлар бир-бирига савол ҳам беришлари мумкин. Гуруҳлар фаолияти иш якунида ўқитувчи томонидан баҳоланади, яъни бутун гуруҳга умумий баҳо қўйилади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

Баҳолаш бошқа гуруҳлар томонидан ёки экспертлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунда топшириқ режа асосида амалга оширилганлигига, ҳимоя учун кетган вақтга, фикрларнинг ишонарли баён қилинганига, саволларга жавоб беришда ўзини тутишлигига, гапириш жараёнида ёзувга қараш ёки қарамаслигига аълоҳида эътибор берилади.

Гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлаш технологиясини жадвалда қуйидагича ифодалаш мумкин:



**Гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлаш ўқув машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| *Иш босқичлари ва мазмуни* | *Ф а о л и я т  м а з м у н и* | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| Ташкилий дақиқа | Лойиҳа мавзуси ва мақсадини аниқлайди. Талабаларни лойиҳа моҳияти ва унинг қисмлари билан таништиради. Ишни бажариш усуллари ва воситалари, эришилажак натижалари ва баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Тинглайдилар. |
| 1-босқич. Режалаштириш | Ахборот манбаи ва унинг йиғиш усуллари ва таҳлилини тавсия этади.<br>Иш тартиби ва оралиқ босқичларни баҳолаш мезонлари ва умумий жараённи белгилайди ва гуруҳларга топшириқларни тарқатади. | Ҳар бир гуруҳ ҳаракат режасини танлайди: ҳар бир гуруҳ аъзоси бажарадиган вазифаларни бўлиб олишадилар ва топшириқни бажариш босқичларини, тартибини аниқлайдилар ва ишга киришадилар. |
| 2-босқич. Тадқиқ қилиш | Кузатади, маслаҳат беради, ахборот манбасини излашга ёрдам беради. | Тадқиқотни бажарадилар. Ахборот тўплайдилар, оралиқ вазифаларни ечадилар, |
| 3-босқич. Ахборот таҳлили. Хулосаларни шакллантириш. | Бутун жараённи бошқаради, қайтар алоқани ушлаб туради. | Олинган ахборотни таҳлил қиладилар, хулосаларни шакллантирадилар. |
| 4-босқич. Ҳисобот | Эшитади, оддий иштирокчи бўлиб, мақсадга йўналтирилган саволлар беради, кувватлайди ва рағбатлантиради. | Гуруҳлар тақдимоти уюштирилади. Иш натижаларини оғзаки ҳисобот, лойиҳа кўринишида ёки ёзма ҳисобот шаклларида тақдим этадилар |
| 5-босқич. Жараён ва натижаларни баҳолаш. | Муаммони ечишнинг тўлиқ даражасини, гуруҳлар ҳаракати стратегияси, таълим олувчилар кучи, манбалардан фойдаланиш сифати, ижодий ёндашув, ишни давом эттириш имконияти, ҳисобот сифати ва бошқаларни баҳолайди. | Жамоавий муҳокама орқали иш натижалари ва унинг бориши, шу жумладан муаммони ечишнинг тўлиқлик даражаси ва ҳаракат стратегиясини ҳимоя қиладилар, баҳолайдилар. |

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлаш машғулотини ташкил қилиш босқичларини шарҳланг.

2.Гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлашда гуруҳлар қандай тузилади?

3.Гуруҳ бўлиб лойиҳа устида ишлашда қандай таълим усулларидан фойдаланиш мумкин?

4. Тил аспектлари бўйича бирор мавзу бўйича гуруҳ бўлиб ишлаш машғулотини технологиялаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***лойиҳа мавзуси, лойиҳа мақсади, гуруҳлар тузиш, топшириқ бериш, иш босқичлари, мустақил изланиш босқичи, муҳокама, тақдимот.***

## Мавзуни ўрганишда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:


1.Арефьева Г.И. Групповая форма работы на уроках английского зыка.\\Иностранные языки в школе. Москва, 1988, №3,с. 50.

2. Барменкова И.О. О работе над проектом по учебнику «Happy English 2» \\ Иностранные языки в школе. М.:,1997.№3. с.25-27

3.Зимняя И.А., Сахарова Т.Е. Проектная методика обучения английскому языку//Иностр. языки в школе. - 1991.-№3.- с. 9-15.

4.Куклина С.С. Коллективная учебная деятельность в группе на этапе совершенствования навыков иноязычного общения. \\ Журнал «Иностранные языки в школе», Москва.2000,- №1. с.58.

5.Полат Е.С. Обучение в сотрудничестве. \\ Журнал «Иностранные языки в школе».Москва, 2000, №1, с.4-11.

6.Полат Е.С. Метод проектов на уроках иностранного языка. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 2000, №2, с.3-10; №3 - с.3-9.


## 6.ТАЪЛИМИЙ ЎЙИН УСУЛЛАРИ (2 соат)

Хорижий тилларни ўқитишда таълимий ўйинлар орқали талабаларнинг ўқув фаолиятини ташкил қилиш М.М.Ананьева (1999),Вайсбурд М.Л. (2000), Е.М.Дианова,Л.Т.Костина (1988), Егорова Л.М.(1990), Мильруд Р.П. 1987), Мирҳайдарова Н.К. (1991), Е.И.Пассов (1991) каби кўплаб методист ва психолог олимларнинг тадқиқотларида атрофлича ўрганилган ва ҳар томонлама ёритилган.

Айни пайтда бундай тадқиқотларда ўйинларнинг хорижий тил аспектлари бўйича амалий ва назарий машғулотларни технологиялаштиришдаги ўрни, мулоқотни ўргатишдаги методик функциялари атрофлича ёритилмай қолган.

Атоқли рус методист олими, чет тилларни ўргатишнинг коммуникатив технологиясининг асосчиси Е.И.Пассов мулоқотга ўргатишда ўйин технологияларига алоҳида аҳамият бериб, “ўйин бу фаолиятдир, бундай фаолиятнинг мазмуни билишга, нутқий ҳаракатларга ўргатишдир” (1991), деган фикрни илгари суради.

Ҳар қандай таълимий ўйинни ташкил қилишдан олдин у қандай мақсад ва вазифаларни амалга оширишга мўлжалланганлигини, ўрганиладиган

мавзуга мослигини, ўкувчиларнинг қандай ўқув фаолиятини ривожлантиришга мўлжалланганлигини аниқлаш муҳимдир.

Таълимий ўйинлар орқали нутқий ҳаракатлар ўзлаштирилади, бу жараёнда ўрганиш фаолияти юз беради, яъни талабалар таълим олади ва индивидуал қобилиятлари шаклланади.

Чет тили аспектларини ўргатишда ўйинлардан мавзу бўйича муайян коммуникатив кўникма ва малакаларни шакллантириш, мулоқотга киришувдаги нутқий ҳаракатларга ўргатиш, зарурий қобилият ва психик функцияларни ривожлантириш, ўйин замиридаги коммуникатив топшириқ мазмунини онгли ўзлаштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Ўйин орқали машғулотда талабаларнинг билиш фаолияти уюштирилади, уларнинг диққати, хотираси, фикрлаш даражаси, тасаввурлари, билиш жараёни шакллантирилади ва такомиллаштиради. Ўйинларнинг педагогик ва дидактик аҳамияти талабаларни ўз-ўзларини англаши, коммуникатив вазиятларда қандай нутқий ҳаракатни амалга ошириш лозимлиги, ўзини ўзи синаб кўришга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Ўйин жараёнининг самарадорлиги айни пайтда олдиндан кўзда тутилган нутқ вазиятининг мавжудлиги, ўйиндан кутиладиган натижани онгли тушуниш, ўйинда иштирок этиш қоидаларини билиш каби қатор талаблар билан боғлиқдир.

Олимларнинг ҳақли этирофича, ўйин бу коллектив равишда кўнгил очиш эмас, балки кўзда тутилган мулоқотни амалга ошириш воситасидир. Шу сабабли ўйин жараёнида қандай кўникмалар ва малакалар зарур бўлишлигини, талаба қандай топшириқни бажара олмади ва ўйин жараёнида уни қандай ўзлаштирганлигини ҳисобга олиб бориш зарур.

Шундай қилиб ўйин талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини шакллантирадиган ва фаоллаштирадиган, ўқувчиларнинг коммуникатив фаолиятини моделлаштирадиган, бу жараёнда уларнинг мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантирадиган ва такомиллаштирадиган ўқув жараёнини қизиқарлилигини таъминлайдиган, эшитилган фикрга тезлик билан муносабат билдириш, эшитиш ва олдиндан ҳис қилиш сезгиларини шакллантириш ва ривожлантиришга, ҳис-ҳаяжонга солиш, бу орқали ўқув материалини онгли ўзлаштирилишига рағбат, туртки берадиган энг муҳим эмоционал таъсир воситаларидан биридир.

Ўйинлар мулоқот материали тушунтирилгач, кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш, ва ривожлантириш мақсадида фойдаланилади. Ўйин жараёнида яратилган коммуникатив вазият, фикрни аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалари орқали ифодаланиши мулоқот жараёнини табиий шароитда юз беришини таъминлайди.

Ўйинни ташкил қилишда қуйидаги методик талабларга риоя қилинади:

*1.Ўйинни ташкил қилишда унинг умумдидактик тамойилларига риоя қилган ҳолда мақсад ва вазифаларини белгилаб олиш;*

*2.Иштирокчилар бажариши лозим бўлган вазифаларнинг аниқлиги;*

*3. Ўйин жараёнида фойдаланиладиган аудио-визуал, эксталингвистик (новербал воситалар), эмоционал таъсир воситаларини олдиндан белгилаб олиниши;*

*4.Ўйинчилар орасидаги реал самимий, беғараз ўзаро ёрдам, ҳамкорлик муносабатларининг ўрнатилиши;*

*5.Ўйин мазмунини иштирокчилар томонидан онгли ўзлаштирилиши;*

*6.Ўйин фаолияти иштирокчиларга руҳий, ижобий эмоционал таъсир қилишни таъминланиши;*

*7.Ўйин орқали иштирокчиларнинг муайян мавзуда коммуникатив кўникма ва малакаларини шакллантирилиши;*

*8.Ўйин орқали иштирокчиларнинг ўзлаштиришдаги хато камчиликларни, ақлий, руҳий, ижодий имкониятларини аниқланиши .*

*9.Ўтказилган ўйин натижаларини муҳокама қилиниши, иштирокчиларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқланиши.*

Ўйиндан кутиладиган мақсад - ўрганилган лексик бирликларни, грамматик материални муайян формаларда мулоқот жараёнида мустаҳкамлашни ташкил қилиш. Ўйинлар иштирокчилар жуфтликлари ва гуруҳлари ичида ёки жуфтликлараро, гуруҳлараро мусабақа шаклида уюштирилиши мумкин. Жуфтликлар ва гуруҳлар тузишда ўкувчиларнинг коммуникатив компетенцияси, интеллектуал қобилиятлари қай даражада шаклланганлиги ҳисобга олинади.

Ўйинлар орқали ташкил қилинадиган бундай мулоқот жараёнининг эмоционал таъсири биринчидан, ўйин мазмуни орқали ифодаланса, иккинчидан гуруҳлар ва жуфтликлар ўртасидаги ўзаро мусабақа, ғолиблик учун кураш, иштирокчиларга ўз «мен»ларини кўрсатиш имкониятини туғдирилганлиги, ўйин орқали бундай эҳтиёжларни қондириш имкони мавжудлиги, ўзини англаш ва ўзини сафарбар қилишга рағбатлантирилиши орқали таъминланади.

Қуйида мулоқот жараёнини моделлаштиришни кўзда тутадиган ўйинлардан намуналар келтирамиз.

***КИМ КЎП ГАПИРАДИ ЎЙИНИ.***Биринчи гуруҳ аъзоларидан бири иккинчи гуруҳ аъзоларига бирор нарсанинг расмини кўрсатади. Иккинчи гуруҳ аъзоси кўрсатилган расмни иложи борича кўпроқ сўзлардан фойдаланиб изоҳлаши лозим. Шундан сўнг бу расм 2,3 ва ҳакоза гуруҳ аъзоларига кўрсатилиб, ўйин юқоридаги тартибда давом эттирилади.

Ўйинни она тилидаги жумлани чет тилига, чет тилидаги жумлани она тилига таржима қилиш, жумлани тасдиқ формада айтиб, уни сўроқ инкор формаларга, активни пассивга айлантириш, айтилган сўзга синонимлар, антонимлар айтиш каби усулларда ташкил қилиш мумкин.

***ПАНТОМИМА ЎЙИНИ.*** Биринчи гуруҳ аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб бирор бир иш-ҳаракатни пантомима (сўзсиз, имо ишора ва ҳаракатлар) орқали кўрсатади. Қолган гуруҳлар маслаҳатлашиб олишлари

учун 1-2 дақиқа вақт берилади. Шундан сўнг, ҳар бир гуруҳдан бир аъзо чиқиб, пантомима мазмунини чет тилида изоҳлаб беради. Энг яхши изоҳлаган гуруҳ ғолиб деб топилади.

***«ЎЖАР» ЎЙИНИ.*** «Ўжар» ўйини бўйича машқлар талабалар жуфтликлари ёки гуруҳлари орқали ташкил қилинади. Жуфт бўлиб ўйнашда 1-талаба вазифасига нисбатан яхши ўзлаштирувчи, 2-талаба вазифасига нисбатан паст ўзлаштирувчи талаба танланади. Машғулот биринчи талаба айтган жумлани иккинчиси томонидан албатта рад қилиниши орқали ташкил қилинади. Бунда биринчи талабага у жумласида ишлатиши лозим бўлган сўзлар рўйхатини бериш ҳам мумкин. Кейинги босқичларда эса, улар бундай рўйхатлардан фойдаланмай гапиришни ўрганадилар.

Машғулотни гуруҳ орқали ташкил қилишда биринчи гуруҳдаги талабалар тартиб билан жумла айтадилар, иккинчи гуруҳдагилар ҳам навбат билан жавоб беришади. Бунда савол бера олмаган ёки жавоб бера олмаган талаба ўйиндан чиқарилиши белгилаб қўйилади. Бу гуруҳлар ичидаги мотивни, қизиқишни, мусобақа руҳини келтириб чиқаради. Ўйин ўқитувчининг қуйидаги кўрсатмаси билан бошланади:

Биринчи талабалар берилган сўзлар ёрдамида жумлалар ясайдилар, иккинчи талабалар бу жумлани инкор формада айтиб такрорлайдилар. (Биринчи талабалар қўлига масалан, қуйидаги феъллар ёзилган карточка берилади: **aimer, aller, lire, s'interesser, écouter, se laver, se lever, prendre, avoir, trouver.**

1-талаба: *J'aime écouter le radio.*

2-талаба: *Je n'aime pas écouter le radio.*

1-талаба: *Demain, je vais au cinéma.*

2-талаба: *Demain, je ne vais pas au cinéma.*

1-талаба: *Hier, j'ai acheté un livre trés intéressant*

2-талаба: *Hier, je n'ai pas acheté un livre trés intéressant.*

1-талаба: *Veus-tu lire ce livre intéressant?*

2-талаба: *Non, je ne veus pas lire ce livre intéressant.*

1-талаба: *Chaque matin je me lave à l'eau froid.*

2-талаба: *Chaque matin je ne me lave pas à l'eau froid.*

Шу тариқа биринчи талабалар рўйхатда берилган барча сўзлардан фойдаланиб жумлалар айтади, иккинчи талабалар уларни инкор формаларда айтадилар. Кейин бундай мусабақа-ўйин сўзлар ёзилган рўйхатсиз амалга оширилади.

Кейинги босқичда иккинчи талабаларга эшитилган жумлаларни трансформация, репродукция, қолдириб кетилган сўзларни тўлдириб инкор формада гапириш орқали ташкил қилиш мумкин.

***«ХАТО ҚИЛМА!» ЎЙИНИ.*** Бу ўйин биринчи гуруҳ аъзоларидан бири бирор жумладаги бирор феълни ноаниқ формада айтиши билан бошланади. Иккинчи гуруҳ талабалари эса, бу феълни биринчи гуруҳ аъзолари кўрсатган

шахсда гапиришлари лозим. Масалан, биринчи гуруҳ аъзоларидан бири бирорта феълни айтиб, битта, иккита ёки учта бармоғини кўрсатади, кейин кўрсаткич бармоқни кўрсатади. Бу эшитилган жумлани иккинчи гуруҳ аъзоларидан бири 1,2,3 шахсда бирликда айтишни, 1 ёки 2,3, бармоқларни кўрсатиб, кейин бош бармоқни кўрсатиши - эшитилган жумлани 1 ёки 2, 3 шахсларда кўпликда айтилиши лозимлигини ифодалайди. Ҳар бир гуруҳга 10 тадан жумла айтиш ва унга жавоб бериш вазифаси юклатилади. Ушбу технология бўйича машғулот якунида натижалар ҳисобланиб, ғолиб гуруҳ аниқланади. Ўйин феълларни кўрсатилган замонда оғзаки нутқ жараёнида тасдиқ, инкор ва сўроқ формаларда қўлланилишини мустаҳкамлаш учун ташкил қилинади. Ўйин ўқитувчининг кўрсатмаси билан бошланади.

Масалан, «***Биринчи гуруҳ аъзоларидан бири айтган жумлани улар кўрсатган шахсда ҳозирги замонда инкор (сўроқ) формада тусланг*”.**

Биринчи гуруҳ аъзолари навбати билан жумла айтишади, иккинчи гуруҳ аъзолари уларнинг кўрсатмаларига бинаон, навбати билан жавоб айтишади. Шу тариқа жумлаларнинг барча шахсларда гапирилишига, ўрганилган грамматик материалнинг ўзлаштирилишига эришилади. Иккинчи гуруҳ аъзоларидан бири ўз жавобида хатога йўл қўйса, биринчи гуруҳ аъзоларидан бири секингина «faute!”(“хато!”) дейди ва жумланинг тўғри вариантини айтади. Машғулотнинг мусобақа руҳида ташкил қилиниши ва гуруҳлар йўл қўйган хатолар сонининг ҳисобланиб борилиши унинг қизиқарлилигини, бу жараёнда талабаларнинг барча сезгиларига ижобий таъсир қилувчи аудио-визуал ва экстралингвистик воситаларидан фойдаланиш эса, унинг эмоционал таъсирини белгилайди.

***«БУМЕРАНГ» ЎЙИНИ.*** “Бумеранг» пластмасса ёки темирдан ясалган ўроқсимон предмет бўлиб, улоқтирилганида отган кишининг ўзига қайтиб келади. Жисмнинг бундай хусусиятини жуфт ёки гуруҳ бўлиб ҳамкорликда ишлаб, мулоқотга ўргатишда, дарснинг якунловчи босқичида янги лексик материални мустаҳкамлаш мақсадида ташкил қилинади.

Ушбу усул талабаларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин баён эта олиш, қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш, ҳамда машғулот жараёнида барча талабаларнинг билимларини текшириш ва баҳолаш мақсадида ташкил қилинади. Ўйин **а**малий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотларида, ҳамда суҳбат-мунозара шаклидаги машғулотларда якка тартибда, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашда қўлланилиши мумкин. Ўйинни ўтказиш тартиби юқорида баён қилинган жуфт бўлиб ишлаш технологияси асосида ташкил қилинади. Мулоқотга ўргатишнинг бу технологияси биринчи талаба айтган жумлани иккинчи талаба томонидан эшитиб ва бир сўз қўшиб, яна биринчи талабага қайтаришига асосланади. Биринчи талаба- иккинчи талабанинг сўз қўшиб айтган жумласини яна такрорлайди ва иккинчи талаба жумлага яна бир сўз қўшиб унга қайтаради. Ўйин шу тариқа жумлани иложи борича кўпроқ

кенгайтириб борилишигача давом эттирилади. Ўйин мулоқотни ўргатишда эшитилган жумлани кўп марталик такрор тамойилига асосланиб ташкил қилинади. Бу ўринда таълим технологиясининг мақсади, аввал ўрганилган лексик бирликларни, грамматик материални оғзаки нутқда тўғри ишлатиб мустаҳкамлашдир.Ўйинда эшитилган жумлага сўз қўша олмай қолган талаба ютқазган ҳисобланади. Ғолиб ва енгилган талабалар навбати билан бошқа жуфтликларнинг ғолиблари ва мағлублари билан "куч синашади". Ҳар бир талаба неча марта ғолиб ёки мағлуб бўлганлиги ҳисоблаб борилади.

Намуна:

*1-талаба: Hier je suis allé au cinéma(Кеча мен кинога бордим).*

*2-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami.(Кеча мен дўстим билан кинога бордим).*

*1-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français. (Кеча мен француз дўстим билан кинога бордим).*

*2-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français qui s'appelle Serge. (Кеча мен кинога Серж исмли француз дўстим билан бордим)*

*1-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français qui s'appelle Serge et qui est très intelligent. (Кеча мен кинога француз дўстим билан бордим. У жуда ҳам ақлли.)*

*2-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui s'appelle Serge qui est très intelligent et gai. (Кеча мен кинога Серж исмли француз дўстим билан бордим.У жуда ҳам ақлли ва қувноқ).*

*1-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui est venu de Paris. Il est très intelligent et gai. (Кеча мен киногаПарижадан келган Серж исмли француз дўстим билан бордим.У жуда ақлли ва қувноқ).*

*2-талаба: Hier je suis allé au cinéma avec mon ami français Serge qui est venu de Paris. Il est très intelligent et gai.Il est mon meilleur ami/ (Кеча мен жуда ҳам ақлива қувноқ Париждан келган француз дўстим Серж билан кинога бордим).*

Ўрганилган лексикани мустаҳкамлашда қуйидаги вариантларда фойдаланиш мумкин:

*1. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) бирорта от,сифат ёки феъл ишлатиб жумла айтади, иккинчи гуруҳ ёки жуфтлик аъзоси белгиланган сўзнинг синонимини ёки антонимини қўллаб жумлани такрорлайди.*

*2. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) бирорта от, сифат ёки феъл айтади, иккинчи жуфтлик аъзоси шу сўзни қўллаб жумла ясаб айтади.*

*3. Биринчи жуфтлик аъзоси (гуруҳ аъзоси) она тилида (чет тилида) айтилган жумла ёки сўзни, иккинчи гуруҳ ёки жуфтлик аъзоси чет тилида (она тилида) таржимасини айтади.*

*4. Биринчи жуфтлик мулоқот мавзуси бўйича бирор жумла айтади, иккинчи жуфтлик аъзоси уни бошқа шахсда, бошқа замонда, сўроқ ёки инкор формаларда айтади. Бундай фаолият жуфтликнинг (гуруҳнинг) иккинчи талабаси жавоб айта олмай қолганича давом эттирилади, натижалар*

*ҳисоблангач, ўйин талабаларнинг вазифаларини алмаштириб давом эттирилади.*

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Таълимий ўйинларнинг талабаларнинг ўқув фаолликларини оширишдаги, мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантиришдаги, дарс самарадорлигини оширишдаги ўрнини шарҳлаб беринг.

2. Ҳар бир ўйин турини амалий машғулотларда қўллаш машғулотини технологиялаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***ўйинларнинг мақсад ва вазифалари, жуфт бўлиб ишлаш, гуруҳ бўлиб ишлаш, кимп кўп гапиради, пантомима, ўжар, хато қилма, бумеранг.***

## Топшириқларни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаданинг:


1.Ананьева М.М. Использование невербальнвх средств общения на уроках французскогор языка. \\ Иностранные языки в школе. М.:,1999.№5. с.19-26

2.Вайсбурд М.Л. Методы обучения.Выбор за вами. \\ Иностранные языки в школе. М.:,2000..№2. с.29-34.

3.Мильруд Р.П. Организация ролевой игры на уроке. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1987. № 3.

4.Мирхайдарова Н.К. Подвижные национальные игры при обучении иностранному языку // Иностранные языки в школе, 1991, №1. - с.72.

5.Грезнева О.Ю. Организационнно-педагогические игры в профессиональной подготовке учителя: Дис.... канд. пед. наук. - Казань, 1995. - 186 с.

6.Дианова Е.М., Костина Л.Т. Ролевая игра в обучении иностранному языку.(обзор зарубежной методической литературы. \\ Журнал «Иностранные языки в школе», Москва.1988,- №3 , .с. 90.

7.Егорова Л.М. Нетрадиционные формы урока – один из способов повышения интереса к предмету. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990. № 6, с.46.

# <u>ИККИНЧИ ҚИСМ</u>

## 1.НАЗАРИЙ ФАНЛАРДАН МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ (2 соат)

Хорижий тил мутахассислари тайёрланадиган олий ўқув юртларида хорижий тил аспектлари: назарий фонетика, назарий грамматика, тил тарихи, лексикология, стилистика, қиёсий типология, чет тили ўқитиш методикаси каби назарий бўйича фанлар буйича маъруза машғулотлари уюштирилади. Бўлажак олий таълим чет тили ўқитувчилари магистрларга назарий фанлардан маъруза машғулотларини технологиялаштириш асосларини ўргатилиши уларни педагогик касбга ўргатишнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Бугунги кунда чет тили ўқитишда назарий фанлардан ташкил қилинадиган маъруза машғулотлари қуйидаги усулларда ташкил қилиниб келинмоқда:

1.Анъанавий тип: мавзуни қисмларга бўлиб, кўргазмали воситалардан фойдаланиб тушунтириш ва айтиб ёздириш;

2. Муаммоли маъруза машғулоти. Маръузанинг ҳар бир қисмига доир муаммоли саволлар тузиш ва уларга бериладиган жавобларни эшитиб, якуний хулосаларга келиш ва ёздириш;

3. Суҳбат асосида ташкил қилинадиган маъруза машғулоти.

4. Баҳс- мунозара асосида ташкил қилинадиган маъруза машғулоти.

Маъруза машғулотини ўзаро фикр алмашувга, бахс- мунозара асосида якуний хулосаларга келишга йўналтирилган коммуникатив технологиялар асосида ташкил қилиш, анъанага айланиб қолган маръруза машғулотининг айтиб ёздириш усулидан воз кечишни тақоза қилмоқда.Бу жараёнда, талабаларни мавзуни ўрганишга қизиқтирадиган, баҳс-мунозараларга, фикр билдиришга йўналтирилган маъруза машғулотларини технологиялаштириш тобора оммалашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мавзуга доир мустақил ишлар ташкил қилиш, адабиётлар ва маъруза машғулотининг мажмуаси устида ишлашнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Маъруза машғулотининг асосий вазифаси мавзунинг асосий тушунчаларини режа асосида оғзаки равишда, тушунарли ва мантиқий ва қизиқарли баён қилиш ва тингловчиларда мавзу бўйича асосий тушунча ва кўникмаларни шакллантиришдир. Бундай кўникма ва малакаларни янада такомиллаштириш мустақил иш топшириқларини бажариш, амалий(семинар) машғулотларида амалга оширилади.

Маъруза машғулоти ўқитувчи томонидан тингловчиларнинг диққат эътиборини тортадиган, муносабат уйғотадиган,уларнинг ўқув фаоллигини шакллантириладиган шаклларда ва усулларда технологиялаштирилади.

Маъруза машғулотининг самарадорлиги қуйидаги шартларга боғлиқ:

-*маърузанинг батафсил режасинининг мавжудлиги;*

*-ўқитувчининг таълим олувчиларга маъруза мавзусининг мақсади, вазифалари ва режасини, бу орқали қандай билимлар кўникма ва малакалар шакллантириш мумкинлигини қизиқарли тарзда баён қила олишлиги;*

*-маърузанинг ҳар бир қисмини ёритгандан сўнг, қисқа умумлаштирувчи хулосаларни бериш, уларни блиц- саволлар орқали мустаҳкамлаш;*

*-маърузанинг бир қисмидан иккинчи қисмига ўтганда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;*

*-ёзиб олиш учун зарур жойларни ажратиб кўрсатиш (айтиб туриш);*

*-марузанинг асосий қисмларини чизмалар, диаграммалар, слайдлар орқали намойиш қилиш имкониятининг яратилганлиги;*

*-маърузанинг алоҳида қисмлари мустақил топшириқлар, семинар, амалий машғулотлар билан мос келишлиги.*

*-мавзу бўйича ташкил қилинадиган мустақил иш ва амалий машғулотларда талабалар қандай масалаларни амалда ҳал қилиш лозимлигини белгиланиши;*

*-мавзу бўйича ташкил қилинадиган мустақил иш мундарижасини ва уларга доир методик адабиётлар рўйхатининг берилиши.*

Хорижий тил аспектлари бўйича назарий фанлардан (назарний грамматика, назарий фонетика, қиёсий типология ва ҳ.) маъруза машғулотини қуйидаги намунавий моделдан фойдаланиб технологиялаштириш тавсия қилинади:

**Маъруза машғулотида таълим технологияси модели**

**Мавзу** (рақами) **…………………**(номи)**………………………………**

| | |
|---|---|
| *Вақт*: …соат | *Талабалар сони:…* |
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Маъруза (ахборотли/бирлашган дарс ва бошқ..), |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | 1. ...<br>2. ... |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Шакллантириш / билим ва кўникмаларни чуқурлаштириш |
| *Педагогик вазифалар*:<br>…билан таништириш;<br>…таснифини бериш;<br>…тушунтириш;<br>... очиб бериш ва бошқ. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>…кўрсатадилар;<br>…таснифлайдилар;<br>…айтиб берадилар;<br>…тартибли равишда очиб берадилар. |
| *Таълим усуллари:* | Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум ва бошқ. |
| *Таълим шакли:* | Фронтал, жамоавий, гуруҳларда ишлаш. |
| *Таълим воситалари:* | Маъруза матни, техника воситалари ва бошқ. |
| *Таълим бериш шароити:* | Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, гуруҳли шаклларда ишлашга мўлжалланган хоналар. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Оғзаки сўров: тезкор-сўров ва бошқ.<br>Ёзма сўров: реферат, тест ва бошқ. |

## Муаммоли маъруза машғулотининг намунавий технологик харитаси

| *Иш босқичлари ва мазмуни* | ***Ф а о л и я т м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Талабалар* |
| Тайёргарлик | Мавзу бўйича, муаммоли топшириқларни танлайди, мақсад, натижалар ва баҳолаш мезонларини белгилайди, технологик харитани, талабалар билан муаммоли ечиш усулларини ишлаб чиқади. | |
| 1-босқич. Муаммога Кириш. | Маърузанинг асосий йўналишларини баён қилгач, талабалар ўйлашга, ечимни топишга йўналтирилган саволларни қандай ечиш йўлларини тушунтиради ва улардан бирини ечиш йўлларини кўрсатиб, дастлабки машқ уюштиради. Кейин талабаларни кичик гуруҳларга бўлиб мавзу бўйича тайёрланган муаммоли топшириқларни беради, уни ечишдаги асосий йўналишларни белгилаб беради ва топшириқни ечиш учун вақт белгилайди. | Гуруҳларга бўлинадилар; муаммоли вазиятлар баён қилинган материаллар билан танишадилар |
| 2-босқич. Асосий. | Муаммони тўғри тушунганликларига ишонч ҳосил қилиш учун, бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтиб, зарур бўлганда мақсадга йўналтиради. Талабаларга муаммоларни турлича ёндашувлар орқали ҳал этиш йўлларини тушунтиради. | Ушбу муаммони ҳал этишнинг турли имко-ниятларини гуруҳларда муҳокама қиладилар, уларни таҳлил қилади-лар, энг мақбулларини топадилар, ягона фикрни ифодалайдилар. Натижаларни маълум қилади, бошқа гуруҳ вариантларини муҳо-кама қиладилар. |
| 3-босқич. Натижаларни тақдим этиш. | Ҳар бир гуруҳ жавобини диққат билан тинглайди, саволлар беради. | |
| 4-босқич . Умумлаш-тириш, якун ясаш. | Муаммони ечишнинг асосий ва ҳал этиш йўлларини санаб ўтади. Муаммоли вазиятни ечиш жараёнида қилинган хулосаларни таҳлил қилади ва маърузанинг навбатдаги қисмини баён қилгач, маърузани давом эттириб, кейин навбатдаги муаммоли топшириқларни беради ва юқоридаги тартибдаги ишлар такрорланади. | Тинглайдилар, топшириқларни бажарадилар |

**Маъруза машғулотида бошқариладиган баҳс-мунозара машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| *Иш босқичлари ва мазмуни* | ***Ф а о л и я т   м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| 1-босқич. Тайёргарлик | Маърузанинг маълум бир қисми бўйича уюштириладиган мунозара мавзусини, унинг мақсади, вазифа ва натижаларини белгилайди; “Мунозара иштирокчисига эслатма” плакат/слайдни расмийлаштиради; мунозарани керакли маромда ушлаб турадиган саволлар ва оралиқ хулосаларни тайёрлайди; уни ўтказиш тартиби ва ташкиллаштиришни лойиҳалайди: мунозарани қандай ва нимадан бошлаш; унда барча талабалар иштирокини қандай таъминлаш; мунозарани қандай якунлаш йўлларини ва охирги хулосаларни белгилаб олади. | |
| 2-босқич. Кириш. | Маърузанинг маълум қисмини баён қилгач, мунозара мавзуини эълон қилади, унинг тузилишини баён қилади, ўз мулоҳазаларини билдиради ва талабаларга ўз фикрларини баён қилишни таклиф этади. Мунозарага қизиқтириш учун, тайёрлаб қўйилган бир неча саволларни беради. | Тинглайдилар, фикр билдирадилар, саволлар берадилар. |
| 3-босқич. Асосий қисм. | Мунозарани бошқаради, иштирокчилар томонидан қоидани бажаришларини таъминлайди.<br>Маърузанинг давомини юқоридаги тартибда давом эттиради. | Таклифлар киритадилар, муҳокама қиладилар,ўз фикрларини исботлашга ҳаракат қиладилар. |
| 4-босқич. Якуний-таҳлил. | Мунозара якунида хулосаларни тизимга солади, баҳолайди ва мустақил иш ва амалий машғулотда бажариладиган ишларни тушунтиради. | Тинглайдилар, баҳолар билан танишадилар. Вазифаларни ёзиб оладилар. |

## Маъруза мавзуси бўйича ташкил қилинадиган семинар машғулотининг намунавий технологик харитаси

| *Иш босқичлари ва вақти* | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *Талабалар* |
| 1-босқич. Ўкув машғулотига кириш. ( 5 дақ.) | 1.Дарснинг ташкилий дақиқасини уюштиради.<br>2.Талабаларни 4 кишилик гуруҳларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга маруза машғулотининг муайян қисмларини ёзма баён қилиш учун топшириқ варақларини тарқатади ва топшириқларни бажариш шартларини тушунтириб, 15 дақиқа вақт белгилайди. | Тинглайдилар, оладилар.<br><br>Гуруҳлар топшириқларни олиб ўқитувчи тушунтиришларини тинглайдилар. Аниқлаштирувчи саволлар берадилар. |
| 2-босқич. Топшириқларни бажариш босқичи. (15 дақ.) | 2.1. Гуруҳлар аро юриб, топшириқни бажарилишини назорат қилади Бу жараёнда маъруза матнларидан фойдаланишга йўл қўймайди. Лозим топса, айрим йўриқномалар беради. | Талабалар гуруҳлар ичида топшириқни муҳокама қиладилар. Маслаҳатлашиб, топшириқ варақасини тўлдирадилар. |
| 3- босқич . Топшириқларни мустаҳкамлаш босқичи. (25 дақ.) | Белгиланган вақт тугагач, “Чархпалак” усулида топшириқ варақаларини алмаштиришни ташкил қилади ва барча гуруҳларга ўз қўлларига келиб тушган топшириқ варақаларини ўқишни ва варақ остига ўз гурух рақамини ёзиб, тўғри ва нотўғри хулосларрни белгилашни, тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф қилади,Бундай фаолият ҳар бир гуруҳга ўз топшириқ варақлари қўлларига қайтиб келгунича давом эттирилади | Гуруҳлар ҳамкорликда ишлаб, бошка гуруҳлар томонидан масалани ёритилиш даражасини текширадилар, тўғри ва нотўғри хулосаларни белгилаб, ҳар бир гуруҳнинг топшириқ варағига ўз фикрларини ёзадилар |
| 4- босқич. Тақдимот босқичи. (25 дақ.) | Тақдимот бошланганглигини эълон қилади ва ҳар бир гуруҳдан бир талабани топшириқ тақдимотига таклиф қилади. | Ҳар бир гуруҳдан ўқитувчи белгилаган бир талаба гурух томонидан бажарилган топшириқни оғзаки баён қилади Бошқа гуруҳлар томонидан билдирилган фикрларга қўшилади ёки фикрларнинг тўғри ёки нотуғрилигини асослаб беради. Бошқа гуруҳлардан берилган саволларга жавоб беради |

| | | |
|---|---|---|
| 5-босқич. Билимларни умумлаштириш босқичи. (5 дақ.) | Бутун аудиторияга муаммоларни умумлаштирувчи тезкор саволлар беради ёки “ақлий хужум” усулидан фойдаланиб, қўл кўтарган талабаларнинг қисқа жавобларини тинглайди. Жавоблар чала бўлса, бошқалардан уни тўлдиришни сўрайди. | Талабалар қўл кўтариб, жавоб берадилар ва бир-бирлари жавобларинини тўлдирадилар. |
| 6-босқич. Якуний ( 5 дақ.) | 3.1.Машғулотни якунлайди, эришилган натижалар бўлажак касбий фаолиятларида қандай аҳамиятга эгалигини тушунтиради.<br>3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайди, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади.<br>3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини тушунтиради. | Талабалар тинглайдилар ва топшириқларни ёзиб оладилар. |

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Хорижий тилларда машғулот уюштиришда маъруза ва амалий машғулот типлари ўртасидаги фарқларнит аниқланг.

2.Маруза машғулотларини технологиялаштириш типларини баён қилинг.

3.Белгиланган мавзу асосида маъруза машғулотини технологиялаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***маъруза машгулотининг мақсади, маъруза ва семинар , блиц савол, баҳс-мунозара, умумлаштириш, кўргазмалилик, қизиқишни оширувчи воситалар, мустақил ишлар.***

## Топшириқни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:


1.Беспалько В.П. «Педагогика и прогрессивные  технологии обучения» М.: Педагогика, 1995 г.

2. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. Пособие для учителя - М,, 2000. - 165с

3. Голиш Л.В.  Технологии обучения на лекциях и семинарах: Учебное пособие. //Под общ. ред. акад. С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005

4. Фарберман  Б.Л. Илғор педагогик технологиялар. Т. «ФАН», 2000.

## 2.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ТАЛАФФУЗ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(2 соат)

**Чет тили ўқитиш методикаси курсида мавзу бўйича маъруза машғулотининг намунавий технологик харитаси**

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти 80 минут* | Талабалар сони 15 - 50 нафаргача |
| *Машғулот шакли:* | Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси |
| *Маъруза режаси:* | 1.Талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари.<br>2.Талаффузга ўргатиш принциплари.<br>3.Талаффуз малакаларини шакллантириш усуллари.<br>4.Талаффузга ўргатиш дарсининг методик характеристикаси. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Талабаларда талаффузга ўргатиш машғулотининг мақсад ва вазифалари, принциплпри, йўналишлари, машғулотини ташкил қилишнинг лингво-методик талабларига доир билимларни шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>Талаффузга ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай машғулотни ташкил қилиш шакл ва усуллари ҳақида тушунтиришлар бериш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>Талаффузга ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, талаффуз малакаларини шакллантиришнинг метод ва усулларини эгаллаб олиш куникма ва малакалари шакллантирилади. |
| *Таълим бериш усуллари:* | Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш. |
| *Таълим бериш шакллари:* | Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Таълим бериш воситалари:* | Ўқув қўлланма, проектор, электрон доска. |
| *Таълим бериш шароити:* | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Оғзаки назорат: савол жавоб. |

| *Иш босқичлари ва вақти* | *фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | *Ўқитувчи* | *талабалар* |
| 1.Мавзуга кириш<br>*(5 дақиқа)* | Маъруза номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради . | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. |
| 2 - Асосий босқич<br>(70 дақиқа) | 2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради.<br>1.Талаффузга ўргатишнинг мақсад ва вазифалари.<br>2.Талаффузга ўргатиш принциплари.<br>3.Талаффуз малакаларини шакллантириш усуллари.<br>4. Талаффузга ўргатиш машғулотининг методик характеристикаси.<br>*2.2* Ҳар бир боб якунида блиц-саволлар уюштирилади.<br>3.3.Талабалар берган саволларга жавоб | 2.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.<br><br>2.2Жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | беради. | 2.3.Савол берадилар. |
| 1. Якуний босқич<br>*(5 дақиқи)* | 3.1. Мавзу бўйича эришилажак натижаларни баён қилади.<br>3.2. Мустақил ишлаш учун савол ва топшириклар беради, уларни бажариш йўлларини кўрсатади. | 3.1.Тинглайдилар.<br><br>3.2.Вазифани ёзиб олади. |

## Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш амалий машғулотининг намунавий технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.**Мавзуга кириш.<br>*(5 дақиқа)* | 1.1Дарснинг ташкилий дақиқаси.<br>1.2.Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, машғулотдан кутиладиган натижаларни, бажариладиган машқларни эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай билимлар эгалланишини тушунтиради . | 1.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.<br><br>1.2.Тинглайдилар ва ёзиб оладидар |
| **2-**Асосий босқич.<br>(20 дақиқа) | 2.1.Талаффузга ўргатиладиган товушни ўқитувчининг ўзи талаффуз қилиб кўрсатади. Талабалар аввал хор бўлиб, кейин занжир усулида товушни такрорлайдилар. Шундан сўнг ўқитувчи товушнинг график ифодаланиши кўрсатади. Талабалар уни хор бўлиб ўқийдилар.<br>2.2. Ўқитувчи янги товуш ёзилган сўзни кўрсатади ва уни ўқишни таклиф қилади.<br>2.3.Ўқитувчи янги сўзни аввал ўрганилган лексик бирликларга қўшиб, иборалар ва жумлалар ясашни таклиф қилади.<br>2.4.Ўқитувчи ясалган жумлани аввал инкор формада, кейин сўроқ формада туслашни таклиф қилади. Иш аввал жуфтликлараро, кейин гуруҳлараро ташкил қилинади.<br><br>2.5.Жумла талаффузини ўрганилган замонларда гапиришни машқ қилдириш. Ўқитувчи бу жараёнда сўз ва жумлаларда товуш талаффузидаги йўл қуйилган хатоларни тўғрилайди.<br>2.6. Барча талабалар томонидан ўргатилган товуш яхши | 1.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар, бажарадилар<br><br>2.2.Ўқийдилар<br><br>2.3.Иборалар ясайдилар<br>2.4.Жумлани жуфтликларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали туслайдилар<br>2.5.Жумладаги феълни жуфт ва гуруҳ бўлиб турли замонларда оғзаки туслайдилар.<br>2.6. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил қилгач, товушнинг талаффуз қоидаларини тушунтиради ва ёздиради. | |
| 3.Мустаҳкамлаш босқичи.<br>(45 дақиқа) | ---------------------------------------------------<br>3.1Топшириқни тушунтириш.Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, янги товушни ўз ичига олган, жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш йўлларини, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун жумлани гапириш жараёнида аудио-визуал, новербал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади ва жуфтлик аъзоларига нутқий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради.<br>3.2. Топшириқни бажариш жараёнида талаффузни мустаҳкамлаш. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка коммуникатив топшириқлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида жуфтликлараро 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлараро юриб топшириқни бажарилиши жараёнини кузатади, лозим бўлса хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч ҳосил қилгач, биринчи ва иккинчи талабьа вазифасини бажарувчиларнинг ўрнини алмаштиради. Мустаҳкамлаш жараёнида ўқитувчи 6 тадан 10 тагача мулоқот топшириғини тушунтириб, уни жуфтликлараро кўп марталик такрор орқали мумтаҳкамлашни ташкил қилиш мумкин. | 3.1.Ҳар бир жуфтлик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракатларни бажариш йўлларини эгаллаб олади.<br><br>3.2.Талабалар аввал карточкаларга қараб, кейин қарамасдан унда ёзилган кўрсатмани бажариб, кўп марталик такрор орқали нутқий ҳаракатларни эгал-лайдилар.<br>Ўқитувчининг кўрсат-маси асосида вазифаларини алмаш-тириб, топшириқ асосида савол ва жавоб беришни ўзлаштириб оладилар. Барча коммуникатив топшириқларни шу усулда бажарилиши уларни ўрганилган товушни коммуни-кация жараёнида ўзлаштиришларига олиб келади. |
| 4.Якуний босқич<br>*(10 дақиқи)* | 4.1. Блиц- саволлар ва “Ақлий хужум” усулидан фойдаланиб, эришилган натижаларни аниқлайди.<br>4.2. Жуфтликлар эришган натижаларни баҳолайди.<br>4..3.Мавзу бўйича ўкув лабараториясида бажариладиган мустақил иш топширикларини ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўлларини кўрсатади. | Тинглайдилар.<br><br>Вазифани ёзиб оладилар. |

## Талаффуз кўникма ва малакаларини шакллантириш амалий машғулоти бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

| ***Машғулот шакли*** | ***Мустақил иш*** |
|---|---|
| *Топшириқ номи* | 1.Кўрсатилган методик адабиётлардан фойдаланиб, оид асосий фикрларни конспектлаштиринг ва талаффузга ўргатишнинг анъанавий ва замонавий методлари орасидаги фарқларни баён қилинг.<br>2. «Enchenemen» ва «Liaison» мавзусидаги (ёки бирор товуш талаффузини ўргатувчи)машғулот технологиясини тузинг. |
| *Топшириқ бажаришдан мақсад:* Талабаларда талаффузга ўргатиш машғулотининг мақсад ва вазифалари, босқичлари, принциплари, бундай машғулотни технологиялаштиришга доир кникма ва малакаларнеи такомиллаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>Талабаларда талаффузга ўргатиш дарснинг мақсад ва вазифаларини, бу жараёнда қўлланиладиган педагогик технологиялар, уларнинг шакл ва усуллари ҳақида қўшимча адабиётлардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш. | *Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар:*<br>Қўшимча адабиётларни ўрганиб, машғулотни коммуникатив ёндошув асосида технологиялаштириш йўлларига доир билимларини чуқурлаштирадилар. |
| *Топшириқни бажариш усуллари:* | Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида амалий машғулотни технологиялаштириш . |
| *Топшириқни бажариш шакллари:* | Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Топшириқни бажариш воситалари:* | Қўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик. |
| *Таълим бериш шароити:* | АРМ, интернет, ўқув зали. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Ёзма иш(реферат). |

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Кўрсатилган методик адабиётлардан фойдаланиб мавзуга оид асосий фикрларни конспектлаштиринг ва талаффузга ўргатишнинг анъанавий ва замонавий методлари орасидаги фарқларни баён қилинг.

2. Талаффузга ўргатиш машғулотининг босқичларини таснифлаб беринг..

3.Белгиланган мавзу асосида талаффузга ўргатиш машғулотини технологиялаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***талаффуз ва эшитиш, талаффуз ва гапириш, товушлар талаффузи, нутқр оҳанги, талаффузга ўргатиш принциплари, усул танлаш, талаффузга ўргатишнинг комплекс характери, дифференциал ёндашув, лаборатория ишлари,талаффузга ўргатиш босқичлари.***

**Топшириқларни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:**

1. Андревская–Ливенстерн Л.С. Методика-преподования иностранного языка в средней школе – М: 1983.

2. Жамолов Ж. Чет тили ўқитиш методикаси. – Тошкент: Ўқитувчи 1996. 170 – 177 бетлар.

3.Кондратьева Т.В О работе над произношением на уроке французского языка. ИЯШ, 1990, №4, с89.

4.Михайлова О.Э.Методика обучения произношению на специальных факультетах педагогических институтов. М., 1980.

# 3.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ГРАММАТИК КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(2 соат)

## Чет тили ўқитиш методикаси курсида мавзу бўйича маъруза машғулотнинг технологик харитаси

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти 80 минут* | *Талабалар сони 15 - 50 нафаргача* |
| *Машғулот шакли:* | *Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси* |
| *Маъруза режаси:* | 1.Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари<br>2.Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш принциплари.<br>3.Грамматик малакаларни шакллантириш машғулотларининг замонавий технологиялари ва дарс босқичлари.<br>4.Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш усуллари. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Талабаларда грамматикага ўргатиш машғулотининг мақсад ва вазифалари,босқичлари, принциплари, йўналишлари, грамматикага ўргатиш дарсини ташкил қилишнинг янги педагогик технологияларига доир билимларни шакллантириш ва такомиллаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>Талабаларда грамматикага ўргатишнинг мақсади ва вазифалари, принциплари, босқичлари усуллари, бундай машғулотни технологиялаштиришнинг шакл ва усулларига доир билим ва кўникмаларни, касбий маҳоратларни шакллантириш ва ривожлантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br><br>Грамматикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, грамматик малакаларини шакллантиришнинг метод ва усулларини эгаллаб олиш ва амалётда қўллаш малакалари шакллантирилади. |
| *Таълим бериш усуллари:* | Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш, амалиётда синаб кўриш. |
| *Таълим бериш шакллари:* | Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Таълим бериш воситалари:* | Ўқув қўлланма,маъруза матни, проектор, электрон доска. |
| *Таълим бериш шароити:* | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган |

| | |
|---|---|
| | аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Оғзаки назорат: савол жавоб. |

| *Иш босқичлари ва вақти* | *Фаолият мазмуни* | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.Мавзуга кириш** *(5 дақиқа)* | Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради | Тинглайдилар ва ёзиб оладидар. |
| **2 - Асосий босқич** (70 дақиқа) | 2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради.<br>1. Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.<br>2.Грамматикага ўргатиш принциплари ва босқичлари.<br>3.Грамматик малакаларни шакллантириш технологиялари .<br>4.Грамматик малакаларни шакллантириш усуллари.<br>*2.2* Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади.<br>3.3. Берилган саволларга жавоб беради. | 2.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.<br>2.2Жавоб берадилар.<br>2.3.Савол берадилар. |
| **3.Якуний босқич** *(5 дақиқи)* | 3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади.<br>3.2.Амалий машғулотда бажариладиган ишларни тушунтиради.<br>3.3. Мавзу бўйича бажариладиган мустақил иш моҳиятини тушунтиради, уларни бажариш йўлларини кўрсатади. | Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб олади. |

## Грамматик кўникма ва малакаларни шакллантириш амалий машғулотининг намунавий технологик харитаси

| *Иш босқичлари ва вақти* | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.Мавзуга кириш** *(5 дақиқа)* | 1.1.Машғулотнинг ташкилий дақиқасини уюштиради<br>1.2.Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, машғулотидан кутиладиган натижаларни эълон қилиб, грамматик материал орқали қандай мулоқот кўникма ва малакалари шакллантирилишини ва уларнинг кундалик ҳаётдаги ўрнини тушунтиради | .Тинглайди лар ва ёзиб оладилар. |
| **2 - Асосий** | 1.Янги граммматик материални аввал | |

| | | |
|---|---|---|
| **босқич. Грамматик материални тушунтириш** (12 дақиқа) | ўрганилган грамматик материал билан боғлиқлигини тушунтиради.<br>2. Блиц-саволлар орқали грамматик материал она тилида қандай берилишини аниқлайди.<br>3. Янги грамматик материал акс эттирилган жумлани слайд орқали намойиш қилиб талабалардан феъл, сифат, от, равиш ва ҳ.ларда ўзларига нотаниш бўлган қандай грамматик шакллар мавжудлигини аниқлашни сўрайди.<br>4. Лисоний бирликнинг аввал ўрганилган ва янги шаклини(турли шахсларда, бирликда ва кўпликда) кўрсатиб, таққослаш асосида улар ўртасидаги фарқларни топишни сўрайди .<br>5. Фарқлар аниқлангач грамматик материалнинг мавзусини эълон қилиб, уни нутқ фаолиятида тутган ўрнини тушунтиради.<br>6. Талабаларнинг фикрлари асосида грамматик материал қоидасини шакллантиради ва уни ёздиради. | 1.Тинглайдилар.<br>2. Саволларга жавоб беради-лар.<br>3.Жумладаги нотаниш грам-матик шаклларни топадилар.<br>4.Таққослаш асосида улар ўртасидаги фарқ-ларни топади лар<br>5.Тинглайдилар<br>6.Грамматик қоидани ифода-лашда иштирок этадилар. |
| 3.Мустаҳкамлаш босқичи 23 дақиқа | 1.Жуфт бўлиб ишлаш машқларини оғзаки бажартириш: талабалар жуфтликларига аввал ўрганилган грамматик материал асосида тузилган жумлалар ёзилган карточкалар тарқатилади ва жуфтликларнинг биринчи талабаси жумлани барча шахсларда ўқишини, иккинчи талабалар эса, уларни барча шахсларда янги грамматик қоидага солиб гапиришни уюштиради. (Масалан, 1-талаба жумлани барча шахсларда ҳозирги замонда ўкийди, иккинчи талабалар уни карточкага қараб, келаси замонга айлантириб ўқийди). Ўқитувчи жуфтликлар аро юриб, зарур кўрсатмалар беради, лозим бўлса хатоларни тўғрилайди ва ўзлаштирилганлик даражасига кўра жуфтликлар вазифасини алмаштиради.Бундай ишни жумлаларни сўроқ ва инкор формаларга айлантириш орқали ҳам ташкил қилади..<br>2. Янги грамматик материални коммуникатив топшириқлар орқали мустаҳкамлашни уюштиради:<br>Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, грамматик материални ўз ичига олган, жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажариш йўлларини, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун репликани гапириш жараёнида аудио-визуал, новнрбал ва | 3.1.Топшириқлар -ни жуфтлик-ларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали ўзлаштирадилар. Ҳар бир жуфт-лик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракат -ларни бажариш йўлларини эгал-лаб олади. Талабалар аввал карточкаларга қараб, кейин қарамасдан унда ёзилган кўрсат-мани бажариб, кўп марталик такрор орқали нутқий ҳара-катларни эгал-лайдилар.<br><br>2.Тинглайдилар. Ўқитувчининг кўрсатмаси асо-сида вазифалар-ини алмаштириб, топшириқ асоси- |

| | | |
|---|---|---|
| | эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади ва жуфтлик аъзоларига нутқий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлар аро юриб уларни топшириқни бажаришини кузатади, лозим бўлса хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч хосил қилгач, биринчи ва иккинчи талаба вазифасини бажарувчи талабаларнинг ўрнини алмаштиради.<br><br>3.Ўқитувчи талабаларни 4 кишилик гуруҳларга бўлиб, ўзлаштирилган коммуникатив топшириқлардаги грамматик материални аниқлашни топширади. Белгиланган вақт ўтгач, ҳар бир гуруҳдан бир вакил ўзларига берилган топшириқдаги грамматик қоидани изоҳлайди, таҳлил қилади. Бундай тақдимот барча гуруҳ вакиллари томонидан ўюштирилади. Коидалар бошқа гуруҳлар томонидан муҳокама қилинади, камчиликлар тўғриланиб, ўқитувчи ёрдамида ягона грамматик қоида ишлаб чиқилади. | да савол ва жавоб беришни ўзлаштириб оладилар. Топшириқни ўрин алмаштириб бажаришни давом эттирадилар.<br><br>3.Талабалар гуруҳларга бўлиниб, зларига берилган топшириқ ичидаги грамматик ҳодисаларни қиёслаш, таққослаш асосида изоҳлаб, ягона қоидага келишга уринадилар.Ҳар бир гуруҳ вакили ўзлари ишлаган қоидани тақдимотини ўтказади.Энг тўғри вариантни аниқлаб, ёзиб оладилар |
| **4.Якуний босқич** *(5 дақиқи)* | 4.1.Машғулотда эришилган натижаларни баён қилади. Энг яхши жуфтликларни ва гуруҳларни рағбатлантиради.<br>4.2.Ўқув лабараториясида бажариладиган мустақил иш топшириқларини ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўлларини кўрсатади. | 4.1Тинглайдилар.<br><br>4.2.Вазифани ёзиб олади. |

## Грамматик кўникма ва малакларни шакллантириш амалий машғулоти бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг технологик харитаси

| *Машғулот шакли* | *Топшириқ номлари* |
|---|---|
| *Топшириқ номи* | 1.Кўрсатилган методик адабиётлардан фойдаланиб грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг лингво-методик асосларини конспектлаштиринг.<br>2.Юқорида кўрсатилган усул ва принциплардан фойдаланиб биринчи гуруҳ феъллариние содда келаси замонда (Futur simple) туслаш дарсининг тезнологик харитасини тузинг |
| *Топшириқ бажаришдан мақсад:* Талабаларда грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришга оид кўшимча материалларни ўрганиб, билимларини чуқурлаштириш. | |

| | |
|---|---|
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>Талабаларда грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг метод ва усуллари ҳақида қўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш. | *Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар:*<br>Қўшимча адабиётларни ўрганиб, грамматик материални ўргатишмашғулотнини янги педагогик технологиялар асосида режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар |
| *Топшириқни бажариш усуллари:* | Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида амалий машғулотни режалаштириш ва амалиётда синаб кўриш. |
| *Топшириқни бажариш шакллари:* | Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш. |
| *Топшириқни бажариш воситалари:* | Қўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, маъруза матни, проектор, электрон дарслик. |
| *Таълим бериш шароити:* | АРМ, интернет, ўқув зали. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Ёзма иш(реферат). |

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Кўрсатилган методик адабиётлардан фойдаланиб, грамматик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг лингво-методик асосларини конспектлаштиринг.

2.Юқорида кўрсатилган усул ва принциплардан фойдаланиб биринчи гуруҳ феъллариние содда келаси замонда (Futur simple) туслаш дарсининг технологик харитасини тузинг.

**Таянч сўзлар: *грамматик кўникма, грамматик малака, куникма ва малакаларни шакллантириш принциплари, анъанавий, аралаш ва коммуникатив ёндашув, грапмматик малака ва гапириш, грамматик структура, дифференциал ёндашув.***

## Топшириқни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:


1.Болдырев Н.Н. Лингвистические основы коммуникативных методов обучения иностранному языку. ИЯШ, 1998, №3.

2 .Ж.Жалолов. Чет тили ўқитиш методикаси. Тошкент-1996.148-170 бетлар.

3.Кўчибоев А. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд-2010. 64-69 бетлар.

4.Патрикеева Е.С. К проблеме взаимосвязанного обучения лексической и грамматичесой сторонам говарения. ИЯШ, 2000, №2, с. 15.

# 4. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ЛЕКСИК КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(2 соат)

## Чет тили ўқитиш методикаси курсида мавзу бўйича маъруза машғулотнинг технологик харитаси

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти 80 минут* | Талабалар сони 15 - 50 нафаргача |
| *Машғулот шакли:* | *Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси* |
| *Маъруза режаси* | 1.Мулоқотни ўргатишда лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.<br>2.Янги лексикага ўргатиш принциплари.<br>3.Лексик малакаларини шакллантиришнинг анъанавий ва коммуникатив йўналишлари.<br>4.Лексик малакаларини шакллантириш усуллари ва босқичлари. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Талабаларда лексикага ўргатиш машғулотининг мақсад ва вазифалари, принциплари, йўналишлари, лексикага ўгатиш машғулотнинг босқичлари ва лингво методик талаблари ҳақида кўникма ва малакаларини шакллантириш ва такомиллаштириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>Лексикага ўргатиш машғулотининг мақсади ва вазифаларини, принциплари, усуллари, бундай дарснинг ташкил қилиш босқичлари, шакл ва усулларига доир кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>Лексикага ўргатишнинг мақсади ва вазифаларини, принципларини, лексик малакаларини шакллантиришнинг метод ва усулларини эгаллаб олиш. |
| *Таълим бериш усуллари:* | Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш. |
| *Таълим бериш шакллари:* | Оммавий, гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Таълим бериш воситалари:* | Ўқув қўлланма, маъруза матни, проектор, электрон доска. |
| *Таълим бериш шароити:* | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва назорат:* | Оғзаки назорат: савол жавоб. |

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.Мавзуга кириш** *(5 дақиқа)* | Мавзу номини , мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради . | Тинглайдилар ва ёзиб оладидар. |
| **2 - Асосий босқич** (70 дақиқа) | 2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради.<br>1.Мулоқотни ўргатишда лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари.<br>2.Янги лексикага ўргатиш принциплари.<br>3.Лексик малакаларини шакллантиришнинг | 2.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар.<br><br>2.2Жавоб берадилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | анъанавий ва коммуникатив усуллари ва босқичлари.<br>*2.2* Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади .<br>3.3.Талабалар берган саволларга жавоб беради. | 2.3.Савол берадилар. |
| **3.Якуний босқич**<br>*(5 дақиқи)* | 3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириклар беради, уларни бажариш йўлларини кўрсатади. | 3.1.Тинглайдилар.<br><br>3.2.Вазифани ёзиб олади. |

## Амалий машғулотларда янги лексикага ўргатиш машғулотининг намунавий технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **2. Мавзуга кириш**<br>*(5 дақиқа)* | Мулоқот мавзуси номини , мақсади ва вазифаларини, машғулотидан кутиладиган натижаларни эълон қилиб, дарсда қандай лексик кўникма ва малакалари шакллантирилишини,уларнинг ўқув мавзуси ва кундалик ҳаётдаги ўрнини тушунтиради . | Тинглайдилар ва ёзиб оладидар. |
| **2 - Асосий босқич**<br>(25 дақиқа) | Мавзуга оид янги сўзларни тушунтириш босқичи.<br>2.1.Ўқитувчи ҳар бир янги сўзни талаффуз қилади. Талабалар аввал хор бўлиб, кейин занжир усулида сўзни такрорлайдилар. Шундан сўнг, ўқитувчи сўзнинг график ифодаланиши кўрсатади. Талабалар уни хор бўлиб такрорлайдилар.<br>2.2. Ўқитувчи янги сўз ифодалайдиган маънони расмлар, предметлар, орқали кўрсатади ва «Бу нима?» деб сўрайди. Бу ўринда янги сўзга синонимлар, антонимлар, турли қўшимчалар қўшиб сўз ясаш машқларини бажартиради.<br>2.3.Ўқитувчи янги сўзни аввал ўрганилган лексик бирликларга қўшиб, иборалар ясашни таклиф қилади.<br>2.4. Ўқитувчи ясалган жумлани аввал инкор формада, кейин сўроқ формада туслашни таклиф қилади. Иш аввал жуфтликлар аро, кейин гуруҳлар-аро ташкил қилинади.<br><br>2.5.Жумлани ўрганилган замонларда гапиришни машқ қилдириш. Ўқитувчи бу жараёнда сўз ва жумлаларда товуш талаффузидаги йўл қуйилган хатоларни тўғрилайди.<br>2.6. Барча талабалар томонидан ўргатилган лексик бирлик яхши ўзлаштирилганлигига ишонч ҳосил | 1.1Тинглайдилар ва ёзиб оладилар, бажарадилар.<br><br>2.2.Ўқийдилар.<br><br>2.3.Иборалар ясайдилар.<br>2.4.Жумлани жуфтликларда, гуруҳларда кўп марталик такрор орқали туслайдилар.<br>2.5.Жумладаги феълни жуфт ва гуруҳ бўлиб турли замон-ларда оғзаки туслайдилар.<br>2.6. Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. |

| | | |
|---|---|---|
| | қилгач, сўзнинг таржимасини ёздиради.<br>------------------------------------------------------------ | -------------------- |
| 3.Мустаҳкамлаш босқичи<br>(45 дақиқа) | 3.1Топшириқни тушунтириш.Ўқитувчи мулоқот мавзуси асосида тузилган, янги сўзни ўз ичига олган, жуфт бўлиб ишлашга мўлжалланган коммуникатив топшириқларни бажаришдан мақсадни, уларни бажариш йўлларини, талаффуз қоидаларини кўрсатади. Топшириқ ҳар бир жуфтликка таржимасиз тушунилиши учун жумлани гапириш жараёнида аудио-визуал, новнрбал ва эмоционал таъсир воситаларидан фойдаланади ва жуфтлик аъзоларига нутқий ҳаракатларни худди ўзи каби бажаришни тушунтиради.<br>3.2. Топшириқни бажариш жараёнида янги лексикани мустаҳкамлаш. Ўқитувчи ҳар бир жуфтликка коммуникатив топшириқлар ёзилган карточкаларни тарқатади ва ҳар бир топшириқни кўп марталик такрор асосида жуфтликлараро 3 дақиқа жараёнида савол-жавоб орқали мустаҳкамлашни топширади. Бу жараёнда ўқитувчи жуфтликлараро юриб, уларни топшириқни бажаришини кузатади, лозим бўлса, хато ва камчиликларни тўғрилайди, топшириқ ўзлаштирилишига ишонч хосил қилгач, биринчи ва иккинчи талаба вазифасини бажарувчи талабаларнинг ўрнини алмаштиради.Мустаҳкамлаш жараёнида ўқитувчи 6 тадан 10 тагача янги сўзларни ўз ичига олган мулоқот топшириғини тушунтириб, уни жуфтликлараро кўп марталик такрор орқали мустаҳкамлашни ташкил қилиади. | --3.1.Хар бир жуфтлик аъзоси ўзи бажарадиган нутқий ҳаракатларни бажариш йўлларини эгаллаб олади.<br>3.2.Талабалар аввал карточ-каларга қараб, кейин қарама-сдан карточка-да ёзилган кўрсатмани бажариб, кўп марталик такрор орқали нутқий ҳаракат -ларни эгаллай-дилар.<br>Ўқитувчининг кўрсатмаси асосида вазифа -ларини алмаш-тириб, топши-риқ асосида савол ва жавоб беришни ўзлаштириб оладилар.<br>Барча комму-никатив топшириқларн и шу усулда бажарилиши уларни ўрганил -ган сўзни мулоқот жара-ёнида ўзлаш-тиришларига олиб келади. |
| **4.Якуний босқич**<br>*(5 дақиқи)* | 4.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади.<br>4.2.Укув лабараториясида бажариладиган мустақил иш топширикларини ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўлларини кўрсатади. | Тинглайдилар.<br><br>Вазифани ёзиб олади. |

## Маъруза машғулоти бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг намунавий технологик харитаси

| Машғулот шакли: | Мустақил иш |
|---|---|
| *Топшириқ номи:* | 1. Мавзу бўйича кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб лексикага ўргатишнинг анъанавий ва замонавий усуллари ҳақида умумий маълумотларни конспектлаштиринг. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги уч йўналиш ҳақида гапириг. Улардан қай бири устивор йўналиш ҳисобланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат<br>3.Бирор нутқ мавзуси асосида лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш дарсининг технологик харитасини тузинг. |
| *Топшириқ бажаришдан мақсад:* Талабаларда чет тили дарсида лексик кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг метод ва усуллари ҳақида мақсад ва вазифалари, дарснинг ташкилий дақиқаси ҳақида билимларни чуқурлаштириш | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>Талабаларда дарсда ўкувчиларнинг лексик кўникма ва малакаларини шакллантирш ҳақида кушимча билимлар эгаллашга ўргатиш. | *Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар:*<br>Кўшимча адабиётларни ўрганиб,лексик малакаларни шакллантириш дарсни режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар. |
| *Топшириқни бажариш усуллари:* | Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида ташкилий дақиқани режалаштириш . |
| *Топшириқни бажариш шакллари:* | Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Топшириқни бажариш воситалари:* | Кўшимча адабиётлар,ўқув қўлланма, проектор, электрон дарслик. |
| *Таълим бериш шароити:* | АРМ, интернет, ўқув зали. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Ёзма иш(реферат). |

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1. Мавзу бўйича кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб лексикага ўргатишнинг анъанавий ва замонавий усуллари ҳақида умумий маълумотларни конспктоаштиринг. Лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашдаги уч йўналиш ҳақида гапириг. Улардан қай бири устивор йўналиш ҳисобланади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3.Бирор нутқ мавзуси асосида лексик кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш дарсининг технологик харитасини тузинг..

**Таянч сўзлар:** ***анъанавий ёндашув, аралаш ёндашув, коммуникатив ёндашув,янги лексикага ургатиш усуллари, сўз маъносини очишнинг коммуникатив усуллари, янги лексикани мустаҳкамлаш.***

**Топшириқни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:**

1. Аверина М.Н. Обучение использованию эмоционально экспрессивных лексических средств речевой коммуникации (английский язык, лингвистический вуз): Дис.... канд. пед. наук. - М., 1996. - 183 с.

2.Колкер Я.М., Устинова Е.С. Речевые способности: как их формировать? ИЯШ, 2000, №4. с.30.

3 Кўчибоев А. Хорижий тилларга ўргатишнинг коммуникатив методикаси. Самарқанд-2010. 57-63 бетлар.

4.Ростовцева В.М. Использование ситуаций при презентации лексики. \\ Журнал «Иностранные языки в школе». Москва, 1990, № 4, с.35-38.

## 5.ТАҲЛИЛИЙ ЎҚИШ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ(2 соат)

Таҳлилий ўқиш машғулотларининг асосий вазифаси матнни тўлиқ тушунган ҳолда лексик, грамматик, стилистик таҳлил қилишни ўрганиш ва бу жараёнида талабаларда мавзу бўйича мулоқот кўникмалари ва малакаларини ҳам шакллантиришдир.

Таҳлилий ўқиш дарслари учун талабаларнинг кундалик турмуш шароитида кўп қўлланиладиган, айни пайтда рангбаранг лексик, грамматик, стилистик воситаларга бой бадиий матнлар асосида ташкил қилинади. Бу ўринда матнлар талабаларнинг қизиқишларига, таълим босқичларига, миллий –маданий , эстетик дунёқарашларини ҳам шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Айни пайтда таҳлилий ўқиш учун танланадиган бадиий матнлар мавзуси, бу жараёнда бажариладиган коммуникатив машқлар тизими амалий фрнетика ва грамматика, сўзлашув амалиёти, тинглаб ва ўкиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш дарсларидаги мавзуларга мос ва бажариладиган машқлар билан бир тизимни ташкил қилинишини таъминлаш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан чет тили ўқитишнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи босқичларида ташкил қилинадиган таҳлилий ўқиш машғулотларини таълим босқичларига кўра дифференциялаштириш, барча босқичлардаги фан аспектлари бўйича ўқув дастурларини интеграциялаштириш, шу асосда ўзаро бир-бирига боғланган, миллий қадриятларимизга мослаштирилган ўқув қўлланмалари (дарсликлар) яратиш зарурати келиб чиқмоқда.

Таҳлилий ўқиш учун мўлжалланган машғулотларда битта матнни камида 8-10 соатлик машғулотларда ўзлаштириш кўзда тутилади. Бу ўринда матнларнинг сонига эмас, ўзлаштирилиши лозим бўлган фонетик, лексик, грамматик, стилистик воситаларнинг хилма-хиллигига ва уларни лексик, грамматик, стилистик таҳлилига асосий эътибор қаратилади.

Таҳлилий ўқиш машғулотларида бадиий матнни мулоқот жараёнида ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун «жуфт бўлиб ишлаш», «гуруҳ бўлиб ишлаш», «инсерт», «чархпалак» усулларидан кенг фойдаланилади.

Баҳолаш жуфтликлар, гуруҳларнинг умумий топшириқларни ўзлаштириш даражаларига кўра амалга оширилади. Бу ўринда талабаларнинг ўз-ўзларини баҳолаш усулидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бунинг учун аълочи талабалардан махсус эксперт гуруҳи тайинланади ва дарс якунида уларнинг ҳисоботи тингланади ва баҳолар умумлаштирилади.

**Таҳлилий ўқиш машғулотнининг намунавий технологик харитаси**:

| *Иш босқичлари ва вақти* | ***Ф а о л и я т м а з м у н и*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.Мавзуга кириш** *(5 дақиқа)* | 1.1.Дарснинг ташкилий дақиқасини уюштиради<br>1.2.Машғулотнинг мақсад ва вазифалари, кутиладиган натижаларни баён қилади.Матн таҳлилида қўлланиладиган усулларни баён қилади ва уларни матнни тушунишдаги ва мудлоқотни қрганишдаги аҳамиятини тушунтиради | 1.1.-<br>2.Тинглайдилар ва ёзиб оладидар. |
| **2 – Тушунтириш босқичи** (25 дақиқа) | 1.Матн муаллифи ва унинг ижодий фаолияти билан таништиради.<br>2.Янги сўзларни мулоқотни ўргатиш тамойилларига асосланиб барча усуллар воситасида тушинтиради.<br>3.Матндан янги сўзлар қўлланилган жумлаларни топиб ўқитади ва чет тилида изоҳлайди.<br>4.Матндан белгиланган жумлаларнинг грамматик таҳлилини(гап тури, отларнинг, сифатларнинг бирлик ва кўплик формалари, феъл замонлари, гапда замонлар мослашуви) тушунтиради.<br>5.Матнда муаллиф томонидан қўлланилган лексик ва ситилистик воситаларни кўрсатади(синонимлар, антонимлар, омонимлар,метафора, метонимия, эпитет, қиёслаш ва ҳ) ва уларни изоҳлайди. | Тинглайдилар ва ёзиб оладилар, |
| 3.Мустаҳкамлаш босқичи<br>45 дақиқа | 1.Луғат билан ишлашни уюштиради. Талабаларни 4 кишилик гуруҳларга бўлади ва ҳар бир гуруҳга матннинг бир парчасини бўлиб бериб, ундан нотаниш сўзларни топиб таржима қилишни ва топшириқ варақларига ёзишни топширади. Топшириқ бажарилгач, «Чархпалак» усулидан фойдаланиб топшириқ варақлари алмаштирилади ва иш ҳар бир гуруҳнинг топшириқ варағи | 1.Луғатдан матн парчасидаги нотаниш сўзларни топадилар ва топшириқ варақаларига ёзадидарилар.<br>2.Бошқа гуруҳ-ларнинг топшириқ варақаларидаги нотаниш сўзларни ўз |

| | | |
|---|---|---|
| | ўз қўлига етиб келгунича давом эттирилади. Бу орқали талабаларнинг барчаси матндаги барча нотаниш сўзлар билан танишув имкониятига эга бўлишади .<br>2.Гуруҳларга ўз матнларидан дарстахтага ёзиб қўйилган, аввал ўрганилган сўзларга синонимлар, антонимлар, омонимлар ва уларни ўз топшириқ варақларига ёзиш ,топилган сўзлар орқали жумлалар ясаш топширилади. Натижалар яна «Чархпалак» усулида барча талабалар гуруҳлари томонидан ёзиб олинади.<br>Иш якунида ҳар бир гуруҳнинг ўз ишининг тақдимотини уюштиради.<br>3. Жуфт бўлиб ишлаш усулидан фойдаланиб берилган сўзлар билан тасдиқ, сўроқ инкор формаларда жумлалар ясаб гапиришни уюштиради. Унда биринчи талабанинг саволига иккинчи талаба тасдиқ ва инкор формаларда жавоб бериши тушунтирилади. Фаолият оғзаки ташкил қилинади. Уқитувчи жуфтликлар аро юриб, ларни тинглайди, зарур бўлса тегишли кўрсатмалар беради.<br>4. Гуруҳ бўлиб ишлаб, берилган жумладаги гап типини ва грамматик қоидани изоҳлашни уюштиради.<br>5.Гуруҳ бўлиб ишлаб, берилган жумладаги стилистик воситаларни изоҳлашни уюштиради. | луғатларига кўчириб ёзиб оладилар ва ўз топшириқлари тақдимотини қилади. 3.Жуфтликлар берилган сўз бўйича савол- жавобдан иборат кичик диалог ясаб айтадилар ва кўп марталик такрор асосида мустаҳкамлайдилар.<br><br>4.Гуруҳлар берилган гап типини аниқлаб унда қўлланилган грамматик қоида тақдимотини тайёрлайди.<br>5.Гуруҳлар берилган жумлани стилистик таҳлил қилиб тақдимот тайёрлайдилар |
| **4.Якуний босқич**<br>*(5 дақиқи)* | 4.1.Машғулотда эришилган натижаларни баён қилади. Энг яхши жуфтликларни ва гуруҳларни рағбатлантиради.<br>4.2.Ўқув лабараториясида бажариладиган мустақил иш топширикларини ва уйда бажариладиган ёзма машқларни тушунтиради ва бажариш йўлларини кўрсатади. | 4.1.Тинглайдилар.<br><br>4.2.Вазифани ёзиб олади. |

Матн таҳлилининг навбатдаги машғулотларини қуйидаги усулларда ташкил қилиш мумкин:

*1.Гуруҳ бўлиб ишлаб, матн парчасига саволлар тузиш;*

*2.Гуруҳ бўлиб ишлаб, матн парчаларига сарлавҳалар топиш;*

*3.Гуруҳ бўлиб ишлаб, матн парчасидаги феълларни ўқитувчи кўрсатган замонларга қўйиб трансформация қилиш:*

*4.Гуруҳ бўлиб ишлаб матн парчасини кўчирма гапга айлантириш(Кўчирма гапларни ўзлаштирма, актив формани пассив формага айлантириш) ва унинг тақдимоти.*

*5.Матн парчаси бўйича тасдиқ ва суроқ формали, сўроқ ва инкор формали жуфт бўлиб бажариладиган коммуникатив топшириқлар тузиш ва уларнинг тақдимоти.*

*6.Жуфт ёки гуруҳ бўлиб ишлаб, матндаги персонаж характерига муносабат тайёрлаш ва унинг тақдимоти.*

*7.Матндаги диалогик нутқни монологик нутққа айлантириш (ёки аксинча) ва унинг тақдимоти.*

*8. Гуруҳ бўлиб ишлаб, белгиланган матн парчасини она тилидан чет тилига, чет тилидан она тилига таржима қилиш ва унинг тақдимоти.(Оғзаки ва ёзма шаклларда).*

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Ҳар бир талабага умумий матн таҳлилини( таҳлил параметрлари кўрсатилади) амалга ошириш учун алоҳида матнлар тарқатилади ва бажариш ва тақдимот муддати белгиланади.

**2.**Белгиланган матн асосида таҳлилий ўқиш машғулотини технологиялаштиринг.

**Таянч сўзлар:** ***матн таҳлили параметрлари, таҳлил усуллари, гуруҳ ва жуфт бўлиб ҳамкорликда ишлаш, матн прачаси.***

## Топшириқни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:

1.Аппатова Р.С., Корчажкина О.М. Языковой и коммуникативный аспекты овладения английским глаголом в обобщающем курсе.\\ Иностранные языки в школе.М.:1997.№1. с.7-14.

2.Герасимов Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. Пособие для учителя – М. 2000 . 165 с.

3.Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усуллари: мазмун, танлаш ва амалга ошириш. Экспресс қўлланма Т. ТАСИС, 2001 йил. - 68 бет.

4.Савоничева Г.А. Творческий подход к организации урока и его отдельных этапов. // Журнал «Иностранные языки в школе», М.1990, №3,с.43.

**Отформатировано:** Узор: Нет (Белый), Поз.табуляции: -3,81 см, по левому краю + -3,49 см, по левому краю + -3,17 см, по левому краю + 17,77 см, по левому краю + 19,39 см, по левому краю + 21 см, по левому краю + 22,62 см, по левому краю + 24,23 см, по левому краю + 25,85 см, по левому краю

**Отформатировано:** уплотненный на 0,65 пт

**Отформатировано:** Отступ: Первая строка: 1 см

# 6.СЎЗЛАШУВ АМАЛИЁТИ МАШҒУЛОТЛАРИДА МУЛОҚОТ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

(2 соат)

## Чет тили ўкитиш методикаси курсида мавзу бўйича маъруза машғулотнинг намунавий технологик харитаси

| | |
|---|---|
| *Машғулот вақти 80 минут* | Талабалар сони 15 - 50 нафаргача |
| *Машғулот шакли:* | *Ахборот бериш асосидаги кириш маърузаси* |
| *Маъруза режаси:* | 1.Мулоқотга ўргатишнинг концептуал тамойиллари.<br>2.Мулоқот дарсини ташкил қилишда коммуникатив топшириқлар .<br>3.Мулоқотга ўргатиш дарсини технологиялаштириш асослари.<br>4.Мулоқотга ўргатиш (сўзлашув амалиёти)дарсининг босқичлари. |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:* Талабаларда мулоқотни ўргатиш дарсининг мақсад ва вазифалари, принциплпри, йўналишлари, бундай машғулотни технологиялаштиришнинг лингво методик талабларига оид билимларни шакллантириш | |
| *Педагогик вазифалар:*<br>Мулоқотни ўргатишнинг концептуал принциплари, усуллари, бундай машғулотни технологиялаштириш усуллари, босқичларига доир кўникма ва малакалар шакллантириш. | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>Мулоқотга ўргатиш дарсининг мақсади ва вазифаларини, принципларини, дарс жараёнини технологиялаштириш борасида касбий маҳоратларини шакллантириш. |
| *Таълим бериш усуллари:* | Кўргазмали маъруза, суҳбат, тақдимот, тушунтириш. |
| *Таълим бериш шакллари:* | Оммавий, гуруҳ ва жуфт бўлиб ишлаш. |
| *Таълим бериш воситалари:* | Ўқув қўлланма, маъруза матни, проектор, электрон доска. |
| *Таълим бериш шароити:* | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Оғзаки назорат: савол жавоб. |

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Ўқитувчи*** | ***Талабалар*** |
| **1.Мавзуга кириш**<br>*(5 дақиқа)* | Мавзу номини, мақсади ва вазифаларини, маъруза машғулотидан кутиладиган натижаларни, мавзу бобларини эълон қилиб, уларнинг ҳар бирида қандай методик вазифалар ҳал этилишини тушунтиради. | Тинглайдилар ва ёзиб оладидар. |
| **2 - Асосий босқич**<br>(70 дақиқа) | 2.1. Мавзуни ҳар бир қисмини тушунтиради.<br>1.Мулоқотга ўргатишнинг концептуал тамойиллари.<br>2.Мулоқотга ўргатиш дарсини | 2.1.Тинглайдилар ва ёзиб оладилар. |

**Отформатировано:** Отступ: Первая строка: 0 см

**Отформатировано:** По центру

| | | |
|---|---|---|
| | технологиялаштириш асослари.<br>3.Мулоқотни ўргатишда коммуникатив топшириқларнинг ўрни.<br>4.Мулоқотга ўргатиш машғулотининг босқичлари.<br><br>*2.2* Ҳар бир боб якунида блиц саволлар уюштирилади.<br>3.3.Талабалар берган саволларга жавоб беради | 2.2.Жавоб берадилар<br><br>2.3.Савол берадилар |
| **3.Якуний босқич**<br>*(5 дақиқи)* | 3.1. Мавзу бўйича эришилган натижаларни баён қилади.<br>3.2. Мавзу бўйича мустақил ишлаш учун савол ва топшириклар беради, уларни бажариш йўлларини кўрсатади. | Тинглайдилар.<br><br>Вазифани ёзиб олади. |

**1.Мулоқотни ўргатиш машғулотини технологиялаштириш.**

Мулоқотни ўргатиш талаффуз, янги лексика, грамматик материал бўйича кўникма ва малакаларни шакллантиришда, шунингдек таҳлилий ўкиш, тинглаб ва ўқиб тушуниш дарсларида комплекс ташкил қилинадиган чет тили ўқитишнинг бош мақсадидир. Бинобарин, мулоқотни ўргатиш алоҳида машғулот сифатида сўзлашув амалиёти дарсларида ҳам ташкил қилинади.

Сўзлашув амалиёти машғулотлари ўқув дастурини ўрганиладиган фонетик, лексик, грамматик , ўқиб тушуниш, тинглаб тушунишга доир ўқув материалларига мослаштирилган ҳолда тузишни тақоза қилади. Яъни, сўзлашув амалиёти машғулотида ўрганиладиган мавзу ўрганилган грамматик материалга мос келишлиги, матн таҳлилида, тинглаб тушунишга, ўқиб тушунишга мўлжалланган матнлар билан ягона мавзуда бўлишлиги муҳимдир. Ҳозирги замон чет тиллар ўқитиш методикасига доир илмий адабиётларда умум таълим мактабларида, лицейларда,коллежларда, олий ўкув юртларида чет тилидан мулоқот мавзусини белгилаш ҳалигача ўз ечимини топмаган, баҳсталаб масалалардан биридир.

Шу нуқтаи назардан хорижий тилларда мулоқотни ўргатиш дастурини тузишда ўзлаштирилиши лозим бўлган нутқ мавзуларини минималлаштириш, уларни талабаларнинг мулоқот эҳтиёжларига мослаштириш, блокларга ажратилган нутқ мавзулари асосида талаффуз, лексик, грамматик, гапириш, тинглаб ва ўқиб тушуниш, фикрни ёзма баён қилиш малакаларини шакллантиришга йўналтирилган ўқув дастурлари ва қўлланмалар яратиш муаммоси пайдо бўлмоқда.

Рус методист олими В.Л.Скалкиннинг асосли фикрича «нутқ мавзулари ўқувчиларнинг мулоқот эҳтиёжлари асосида коммуникатив вазиятларни ҳисобга олиб танланадиган, уларни фикр билдиришга рағбатлантирадиган, коммуникантларнинг нутқ вазиятига кўра ўзаро муносабатларини ифодаловчи нутқ блокларидан ташкил топиши лозим». (1983: 43).

Нутқ мавзуларини бундай танланиши уларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини орттиради, хорижий тилда гапиришнинг амалий аҳамиятини

оширади, функционаллигини таъминлайди. Бу жараёнда талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари нутқ вазиятларининг табиийлиги, эмоционаллиги ҳисобга олиниб, интерфаол усуллардан фойдаланилади.  Масалага оид тадқиқотларда ўқув жараёнининг бундай ташкил қилишнинг қуйидаги стратегиялари белгиланган:

1. Мулоқт вазиятларида ўзлаштирилган топшириқлар талабаларда нутқ матералини нима учун ўрганиш, ундан қандай нутқ вазиятларида қўллаш мумкинлиги, бу нутқий ҳаракатининг тил системасидаги функцияси ҳақидаги амалий тасаввурлар ҳосил қилишига олиб келиши лозим. (Саланович Н.А. 1998: 15-17)

2. Талабалар ўрганилиши лозим бўлган мулоқот материалини нутқ жараёнида  қўллашнинг ориентир асослари (нутқий ҳаракат қоидалари) билан танишишлари лозим. ( Языкова Н.В 1999: 63-68).

3.Мулоқот мавзуси асосида тузиладиган коммуникатив топшириқларни бажаришга ўргатиш охир оқибатда коммуникатив вазиятларга ва нутқ эҳтиёжларига мос  кўникма ва малакалар шаклланишига олиб келиши лозим. (Мильруд Р.П., Максимова И.Р. 2000: 9-22).

4. Ўрганилган нутқ мавзуси бўйича талабалар фикр (муносабат) билдириш ва матн тузиш даражасида  кўникма ва малакалар ҳосил қилишлари  лозим.

Таъкидлаш жоизки, биз фойдаланиб келаётган ўқув дастурларда ва дарсликларда талабаларнинг коммуникатив эҳтиёжларига эмас, уларнинг умумий билимларни оширишга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, мамлакатшуносликка оид нутқ  мавзулари жуда кўп эканлиги кузатилади. Масалан, “Парижнинг диққатга сазовор жойлари”,  “Франциянинг ижтимоий-иқтисодий, табиий географик шароити”, “Хорижий мамлакатларда медицина, таълим, санъат” каби нутқ мавзулари талабаларнинг билим доиралари, дунёқарашлари кенгайишига олиб келиши мумкин. Аммо. мавзуларга доир нутқ материали талабалар томонидан кундалик турмушда доимий қўлланилмаслиги, уларни ўзаро мулоқотда қўллаш эҳтиёжи камлиги боис, улар тез орада пассив лексикага айланади, ёки бутунлай хотираларидан ўчиб кетади.  Қолаверса, бундай мавзуларда эркин мулоқотга киришув учун кундалик турмушда қўлланиладиган нутқ вазиятларига оид лексик, грамматик материал тўлиқ ўзлаштирилган бўлишлиги, улар мулоқот учун асос вазифасини бажариши ҳам талаб қилинади. Бинобарин, умумтаълим мактабларида ўқувчиларда ҳорижий тиллар бўйича айнан ана шундай мулоқот кўникма ва малакаларни шакллантирилиши таълимнинг кейинги босқичларида(коллеж ва лицейларда, олий ўқув юртларида) хорижий тилни  касбга йўналтирилган ҳолда ўрганиш учун муҳим замин вазифасини бажариши лозим.

Демак, масала дастлаб хорижий тилда гапиришнинг мулоқот минимумини ўзлаштириш, шундан кейингина  таълимнинг кейинги босқичларида маданиятлараро мулоқотга ўргатиш нуқтаи назардан

қўйилиши ва бу ҳолатлар янгича дастурларда ўз аксини топса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундай янгича дарсликларга нутқ блокидаги мавзуга оид лексик материални тушунтириш, кўрсатиш, уларни реал нутқ вазиятларида мустаҳкамлаш, ўрганилган лексик материални коммуникатив топшириқлар орқали жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш технологиялари киритиш, мулоқот материалини мустаҳкамлашни дарс жараёнида, ўқув лабороториясида, берилган уйга вазифани бажариш жараёнида уч бора ташкил қилишнинг методик системасини киритиш, шундан кейинги машғулотларда ўрганилган мавзу бўйича тинглаб ва ўқиб тушуниш дарсларини ташкил қилиш,фоетик-грамматик қоидаларни эса, нутқ материалининг осон қийинлигига кўра нутқ мавзуси бўйича мулоқотни ўргатишдан олдин ёки кейин ташкил қилиш имкониятларини киритиш зарур. Ўрганилган нутқ мавзуси бўйича фикрни ёзма баён қилишга ўргатиш нутқ мавзусига ажратилган ўқув машғулотларининг охирида ташкил қилиниши мақсадга муофиқ.

Ўқитувчи мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантириш мащғулотини технологиялаштиришда қўйидаги ишларини амалга ошириш лозим:

1.Мулоқат мавзуси бўйича нотаниш сўзларни аниқлаш. Бир мавзу бўйича 6-10 та нотаниш сўзлар танлаб олинади. Уларни танлашда аввал ўрганилган лексик бирликлар билан бирикиш ҳусусиятлари ҳисобга олинади.

2.Коммуникатив топшириқдаги нотаниш сўзларни тушунтиришнинг аудио-визуал, экстралингвистик, эмоционал таъсир воситаларини белгилаш ва уларни тайёрлаш; нотаниш сўзларни расмлар, предметлар, имо-ишоралар, ҳаракат, синонимлар, антонимлар, қўшимчалар, чет тилида перефраза қилиш (изоҳлаш), ўйинлар, пантомималар, ашулалар, ниҳоят юқоридаги воситаларни қўллаш имкони бўлмаса, таржима орқали тушунтириш йўлларини белгилаш. Тушунтириш жараёнида сўзнинг талаффуз қоидалари талабалар томонидан тақлидий ўзлаштирилиши кўзда тутилади. Бунинг учун ўқитувчи аввал нотаниш сўзни талаффуз қилади, талабалар уни бир неча бор такрорлагач, сўз ифодалаган маънони юқоридаги воситалар орқали кўрсатишни режалаштирилади.

3.Топшириқдаги янги сўзларни мустаҳкамлаш учун машқлар системасини белгилаш. Мустаҳкамлаш янги сўз орқали ясаладиган иборалар топиш, улардан жумлалар тузиб, турли шахсларда, замонларда тасдиқ, инкор, сўроқ формаларда туслаш орқали ўзлаштириш режалаштирилади.

4. Жуфт ва гуруҳ бўлиб бажарилиши лозим бўлган коммуникатив топшириқлар тузиш. Бир мулоқот мавзуси учун 6-10 тагача коммуникатив топшириқ тузилади. Коммуникатив топшириқларни тузишда улар талабаларнинг сўзлашув эҳтиёжларига, коммуникатив вазиятларга мос келишлигига асосий эътибор қаратиди.

5. Коммуникатив топшириқларни тушунтириш йўлларини белгилаб олиш. Бунда жуфт бўлиб ишловчи биринчи ва иккинчи талаба ўз жумласини қандай аудио-визуал, экстралингвистик ва эмоционал таъсир воситалардан

фойдаланиб гапириши тушунтириш ва бундай нутқий ҳаракатларни бажариш усуллари кўрсатиш режалаштирилади.

6. Коммуникатив топшириқларни жуфт ва гуруҳ бўлиб бажарувчи талабалар жуфтликлари ва гуруҳларини тузиб олиш;

7. Синф талабалари сонига ва топшириқлар миқдорига тенг келадиган коммуникатив топшириқларни карточкаларга ёзиб чиқиш. Топшириқларни карточкаларга ёзиб келиш бир дарсдан олдин талабаларнинг ўзларига топширилиши, ёки принтер орқали тайёрланиши мумкин. Бунда барча талабаларнинг карточкаларининг бир ҳажмда бўлишлигига ва уни чиройли ёзилишига эътибор қаратилади. Карточкаларни тайёрлашни талабаларнинг ўзларига топшириш маълум даражада уларни бўлажак дарс мавзусига қизиқишларини, топшириқ мазмунини аввалдан билиб олишларига интилиш уйғотиши мумкин.

## 2.Мулоқотни ўргатиш машғулотининг босқичлари

**1.Мулоқот машғулотининг мақсадини, мавзуни ва янги сўзларни тушунтириш босқичи**. Машғулотнинг бошланиши: Ўқитувчи талабаларга машғулот жараёнида «Менинг оилам» мавзуси бўйича ўзаро гаплашувни ўрганиш бош мақсад қилиб белгиланганлигини, агар белгиланган топшириқлар барча талабалар томонидан аниқ бажарилиб ўзлаштирилса, кейин коммуникатив топшириқларни бажаришни машқ қилиб мустаҳкамлаб, барча талабалар мавзу бўйича бемалол чет тилида гаплаша олишлари мумкинлигини баён қилади. Кейин, у талабалардан диққат билан тинглаб, тушунтириладиган сўзлар маъносини ёдларида сақлаб қолишни сўрайди. Шундан сўнг ўқитувчи биринчи нотаниш сўзни талаффуз қилади. Талабаларга уни бир неча бор хор ва индивидуал равишда талаффуз қилдиргач, сўз ифодалайдиган маънони билдирувчи расмни, ёки предметни кўрсатиб, (ёки юқорида кўрсатилган бошқа воситаларни қўллаб) унинг она тилидаги таржимасини сўрайди. Талабалар жавоб берадилар.

Ўқитувчи талабалардан шу сўз билан аввал ўрганилган сўзлар билан бирикиб ясаладиган иборалар тузишни топширади. Талабалар бир неча иборалар тузишгач, ўқитувчи шу иборалар билан жумла ясаб, уларни турли шахсларда, турли замонларда тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда туслашни уюштиради.

Янги сўзларни тушунтириш ва идрок қилиш бўйича шу тариқа дастлабки нутқ кўникмалари шакллантирилгач, ўқитувчи талабалардан матндан тушунтирилган янги сўз қўлланилган жумлани топишни ва уни она тилида ифодалашни топширади. Бундай иш мавзу бўйича белгиланган барча нотаниш сўзлар билан амалга оширилади. Янги сўзларни тушунтириш ва мустаҳкамлаш босқичига дарснинг 10-12 дақиқа вақти ажратилади.

**2. Мавзу бўйича тузилган коммуникатив топшириқларни бажаришни тушунтириш босқичи.** Ўқитувчи биринчи коммуникатив топшириқни бажариб кўрсатади. Бунда аввалдан белгиланган реплика

ташловчи талаба ва репликага жавоб берувчи талабалар жуфтлиги жумлани қандай оҳангда, нималарни кўрсатиб, қандай нутқий ҳаракатларни бажариб гапириши лозимлигини кўрсатади ва барча талабаларга нутқий ҳаракатнинг кўрсатмаси ва савол ва жавоблар ёзилган карточкаларни тарқатади.

Топшириққа жавоб берувчи талаба карточкасини жавобларни тасдиқ, сўроқ, инкор формаларда иммитатив, трансформацион, репродуктив, қолдириб кетилган сўзлар ўрнини тўлдириб гапириш каби усулларда тузиш мумкин.

**3.Коммуникатив топшириқни мустаҳкамлаш босқичи.** Ўқитувчи коммуникатив топшириқлар ёзилган карточкаларни талабалар жуфтликларига тарқатаётиб, карточканинг чап бўрчагидаги №1- белгиси бу биринчи коммуникатив топшириқ тартиб рақамини билдиришни, А – ҳарфи эса, реплика берувчи, Б - ҳарфи репликага жавоб берувчи талабанинг карточкаси эканлигини тушунтиради ва курсив билан ёзилган кўрсатма бўйича топшириқни бажаришни бир-икки бор такрорлатгач, талабалар жуфтликларига топшириқни мустақил ишлаб, кўп марталик такрор орқали ўзлаштириб олишлари учун 3-4 дақиқа вақт белгилайди. Талабалар аввал карточкаларига қараб, кейин қарамасдан топшириқни бажариб, гапираётган гапларининг мазмунини, гапириш оҳангини, бунда қандай нутқтий ҳаракатлар бажаришлари лозимлигини ўзлаштириб оладилар. Ўқитувчи бу пайт жуфтликлараро юриб талаффуздаги, нутқий ҳаракатлардаги хато ва камчиликларни тўғрилайди, лозим топса, жуфтлик ичидаги талабаларнинг вазифасини алмаштириб, ишни давом эттиришни уюштиради. Бундай фаол ўқув жараёни барча коммуникатив топшириқлар билан ташкил қилинади. Бундай мустаҳкамлашга умумий вақтнинг 60 фоиз вақти ажратилади.Ўқитувчи ҳар бир коммуникатив топшириқ талабалар жуфтликлари томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини текшириш учун шу дарснинг якуний босқичидаёқ талабалар жуфтликларини ўзгартириб, савол- жавоб қилдириши мумкин.

**4.Дарснинг якуний босқичи.** Бу босқичга 3-5 дақиқа ажратилади. Ўқитувчи эришилган натижаларни эълон қилади. Топшириқлари муваффақият билан бажарган жуфтликларни қайд қилиб, уйга вазифани тушунтиради.

Уйга вазифа: 1.Дарсдан ташқари вақтда компьютер хонасига бориб, коммуникатив топшириқлар ёзилган файлни очиб, саволларни ўқиб, паузаларда унга жавоб қайтариш, ўз жавобини тўғри жавоб орқали текшириш. Компьютер топшириғини бажаргани ҳақида лобарант томонидан ўз дафтарчаларига бажарган вақтини кўрсатиб, имзо қўйдириш. 2. Коммуникатив топшириқларнинг А. карточкаларида ёзилган саволларни чўнтак телефонларнинг (магнитафонларнинг) диктафонига ёзиб олиб, уларга ёзма жавоблар ёзиб келиш. Ўқитувчи навбатдаги дарсда мавзу бўйича оғзаки мулоқот уюштириб барча талабаларни баҳолашлигини айтиб, дарсни якунлайди.

| | | |
|---|---|---|
| IV – якуний боскич (5 дақ.) | 3.1. Дарсни якунлайди. Эришилган натижаларни баён қилади<br>3.2. Уйга вазифани тушунтирали: 1.Мавзу бўйича коммуникатив топшириқларни дарсдан ташқари пайтларда ўкув лабороториясида компьютер оркали мустаҳкамлаш..2. Коммуникатив топшириқлар саволларига ёзма равшда жавоб ёзиб келиш. Ҳар бир коммуникатив топшириқни тасдик, сўроқ, инкор формаларда гапиришни ўрганиб келиш. | 3.1Тинглайдилар, вазифаларни аниқлаб оладилар.<br>3.2.Вазифани ёзиб оладилар. |

## Мулоқот кўникма ва малакаларини шакллантириш маъруза машғулоти бўйича мустақил иш ташкил қилишнинг намунавий технологик харитаси

| *Машғулот шакли:* | *мустақил иш* |
|---|---|
| *Топшириқ номи:* | 1.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб мулоқатга ўргатиш принциплари, усуллари ҳақидаги маълумотларни конспектлаштиринг.<br>2.Ўзингиз танлаган мулоқот мавзуси бўйича коммуникатив топшириқлар тайёрланг.<br>~~2.~~ 3.Ўзингиз танлаган мавзу бўйича мулоқатга ўргатиш дарсининг технологик харитасини тузинг |
| *Топшириқ бажаришдан мақсад:* Талабаларда мулоқотга ўргатишнинг метод ва усуллари, мавзу бўйича коммуникатив топшириқлар тузиш, мулоқотга ўргатиш дарсини технологик харитасини тузиш малакаларини шакллантириш. | |
| *Педагогик вазифалар:*<br><br>Талабаларда мулоқотни ўргатиш машғулотини ташкил қилишнинг метод ва усуллари ҳақида кўшимча билимлар эгаллашга ўргатиш. | *Топшириқ бажаришдан кутиладиган натижалар:*<br>Кўшимча адабиётларни ўрганиб, мулоқотга ўргатиш дарснинг режалаштириш усулларини ўрганиб оладилар. |
| *Топшириқни бажариш усуллари:* | Конспектлаштириш, кўргазмали жадваллар тузиш, мавзу асосида технологик харита режалаштириш . |
| *Топшириқни бажариш шакллари:* | Индивидуал, оммавий, жуфт ва гуруҳ бўлиб ўрганиш. |
| *Топшириқни бажариш воситалари:* | Кўшимча адабиётлар,ўкув кўлланма, маъруза матни проектор, электрон дарслик. |
| *Топшириқни бажариш шароити:* | АРМ, интернет, ўкув зали. |
| *Мониторинг ва баҳолаш:* | Ёзма иш(реферат). |

**Отформатировано:** Отступ: Первая строка: 0,06 см

**Отформатировано:** Отступ: Слева: 1 см, без нумерации

## Мустақил ишлаш учун савол ва топшириқлар:

1.Кўрсатилган адабиётлардан фойдаланиб мулоқатга ўргатиш принциплари, усуллари ҳақидаги маълумотларни конспектлаштиринг.

2.Ўзингиз танлаган мулоқот мавзуси бўйича коммуникатив топшириқлар тайёрланг.

3.Ўзингиз танлаган мавзу бўйича мулоқатга ўргатиш дарсининг технологик харитасини тузинг.

**Таянч сўзлар:** ***Нутқ мавзуси, коммуникатив вазият, топшириқ карточкасининг турлари ва мазмуни.***

### Топшириқларни бажаришда қуйидаги методик адабиётлардан фойдаланинг:

1.Мильруд Р.П., Максимова И.Р. Современные концептуальные принципы коммуникативного обучения иностранным языкам// Иностранные языки в школн, 2000,№4, с.9-15; №5 с.17-22.

2.А.Кўчибоев, Э.Искандаров.Хорижий тилларда мулоқотга ўргатишда zнги педагогик технологиялар. Самарқанд, 20011.60 б.

3.Куклина С.С. Коллективная учебная деятельность в группе на этапе соверщенствования навыков иноязычного общения.// Журнал «Иностранные языки в школе». М.2000, №1. с.58.

4. Пассов Е.И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. М. Просвещение, 1991,223 с.

## 7.ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАШҒУЛОТИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ

(2 соат)

### Чет тили ўқитиш методикаси курсида мавзу бўйича маъруза машғулотининг намунавий технологик харитаси

| | |
|---|---|
